

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**17-сон**  
**(361)**  
**2009 йил**  
**27 апрель**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

209. «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ–211-сон Қонуни
210. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ–212-сон Қонуни
211. «Техник жихатдан тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелдаги ЎРҚ–213-сон Қонуни

*Учинчи бўлим*

212. «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарори
213. «Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июлдаги 328-сон қарорининг 4-бандини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 117-сон қарори
214. «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битишувларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 119-сон қарори
215. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

216. «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 14 мартдаги 6/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1944*)
217. «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945*)
218. «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 1 апрелдаги 39, 66, 2009-3, 01-02/8-1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1688-1*)
219. «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 36-сонли буйруғи.

*(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1813-1)*

220. «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БХМС) «Ижара ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 6 апрелдаги 41-сонли буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1946)*

221. «Хориждан келтирилган дори воситаларининг сифат назорати тўғрисидаги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2009 йил 10 апрелдаги 108-сонли буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 995-1)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 18 апрелдан 24 апрелгача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**209 «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***Қонунчилик палатаси томонидан  
2008 йил 18 декабрда қабул қилинганСенат томонидан 2009 йил 27 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «Почта алоқаси тўғрисида»ги 118–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 210-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти****И. КАРИМОВ**Тошкент ш.,  
2009 йил 22 апрель,  
ЎРҚ–211-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 23 апрелда эълон қилинган.

## Почта алоқаси тўғрисида (янги таҳрири)

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади почта алоқасининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**абонемент почта жавони** — почта алоқаси объектларида ўрнатиладиган кулфланадиган қутичалардан иборат махсус жавон бўлиб, бу қутичалар ёзма хат-хабарларни, даврий босма нашрларни, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмалари келганлиги тўғрисидаги хабарномаларни олиш учун адресатлар томонидан муайян муддатга ижарага олинади;

**абонент почта жавони** — кўп квартирали уйда, шунингдек етказиб бериш участкасида ўрнатиладиган, ёзма хат-хабарларни, даврий босма нашрларни, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмалари келганлиги тўғрисидаги хабарномаларни адресатларга етказиб бериш учун мўлжалланган кулфланадиган қутичалардан иборат махсус жавон;

**адресат** — почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмаси, телеграф хабари ёки бошқа хабар йўлланган юридик ёки жисмоний шахс;

**ёзма хат-хабарлар** — оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган хатлар ва бандероллар, оддий, буюртма почта варақчалари ҳамда оддий, буюртма секограммалар, шунингдек майда пакетлар;

**курьерлик жўнатмалари** — жўнатилиши қисқа муддатларда қўлдан қўлга етказиб берилган (топширилган) холда амалга ошириладиган почта варақчалари, хатлар, бандероллар, посилкалар, босма нашрлар;

**курьерлик хизматлари** — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича фаолияти;

**назорат муддатлари** — почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш жойидаги почта алоқаси

объектидан уларни топшириш ва етказиб бериш жойидаги почта алоқаси объектигача жўнатиш учун белгиланган энг кўп вақт оралиғи;

**почта алоқаси** — почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб беришни (топширишни) таъминловчи техника ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат алоқа тури;

**почта алоқаси воситалари** — почта алоқаси хизматлари кўрсатиш учун фойдаланиладиган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, асбоб-ускуналар, техника ва транспорт воситалари, шунингдек почта конвертлари, варақчалари ва таралар;

**почта алоқасининг миллий оператори** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан зиммасига Ўзбекистон Республикаси доирасида мажбурий равишда универсал хизматлар кўрсатиш вазифаси юклатилган почта алоқаси оператори;

**почта алоқаси объектлари** — почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек бошқа бўлинмалар);

**почта алоқаси оператори** — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури сифатида почта алоқаси хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

**почта алоқаси провайдери** — фойдаланувчиларга почта алоқаси операторларининг тармоғи орқали почта, курьерлик хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

**почта алоқаси тармоғи** — почта алоқаси объектлари ва почта йўналишлари мажмуи;

**почта алоқаси хизматлари** — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта ва курьерлик хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти;

**почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчи (фойдаланувчи)** — почта алоқаси хизматларининг истеъмолчиси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**почта жўнатмалари** — манзили кўрсатилган ёзма хат-хабарлар, посылкалар ва тегишли ўровдаги босма нашрлар;

**почта тўловининг давлат белгилари** — почта маркалари ҳамда франкирлаш машиналарининг почта жўнатмаларига почта алоқаси хизматлари ҳақи тўланганлигини тасдиқлаш учун тушириладиган тамғаси;

**почта хизматлари** — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта жўнатмаларини, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича фаолияти;

**почта қутиси** — почта алоқаси миллий операторининг манзили кўрсатилган оддий хатлар ва почта варақчаларини йиғиш учун мўлжалланган, белгиланган шакл ва ўлчамдаги қулфланадиган махсус қутиси;

**пул маблағларининг почта ўтказмаси** — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқларидан фой-

даланган ҳолда пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизмати;

**секограмма** — кўзи ожизлар учун муассасалар томонидан почта алоқаси тармоғи орқали жўнатиладиган, кўзи ожизлар учун мўлжалланган очиқ тарзда топшириладиган ёзма хат-хабарлар, босма нашрлар, кўзи ожизлар учун ёзув тизимининг белгиларига эга тамға, шунингдек кўзи ожизлар учун мўлжалланган овозли ёзувлар ва махсус қоғоз;

**универсал хизматлар** — фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикаси доирасида мақбул нархларда кўрсатиладиган ва белгиланган талабларга мос келадиган сифатдаги почта хизматлари;

**франкирлаш машинаси** — ёзма хат-хабарларга почта алоқаси хизматлари учун ҳақ тўланганлигини, ушбу хат-хабарлар қабул қилинган сани ва бошқа ахборотни тасдиқловчи тамға изларини туширишга мўлжалланган машина;

**қиймати эълон қилинган жўнатмалар** — жўнатилаётганда жойланма қиймати фойдаланувчи томонидан эълон қилинган почта ва курьерлик жўнатмалари.

#### **4-модда. Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар**

Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат: барча фойдаланувчилар учун почта алоқаси хизматларидан фойдаланишнинг эркинлиги;

стандартлар, нормалар ва қоидаларнинг ягоналиги;

фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;

ёзишмалар, почта ва курьерлик жўнатмаларини сир тутишга риоя этилиши;

почта ва курьерлик жўнатмалари транзитининг эркинлиги.

#### **2-боб. Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш**

#### **5-модда. Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш илмий-техник сиёсатни шакллантириш, лицензиялаш, сертификатлаштириш орқали, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади.

#### **6-модда. Почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли орган**

Почта алоқаси соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади) амалга оширади.

Махсус ваколатли орган:

почта алоқасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиради ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларини тасдиқлайди;

почта тўловининг давлат белгилари намуналарини тасдиқлайди ҳамда почта маркаларини нашр этиш, уларни муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш тартибини белгилайди;

почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини шакллантиради;

универсал хизматларга оид тарифларни тасдиқлайди;

почта алоқаси тармоқлари ва хизматларини ривожлантириш, почта ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

почта алоқаси операторлари ва провайдерлари учун мажбурий бўлган почта индексларини, шунингдек ёзма хат-хабарларни олиб кетиш даврийлиги нормативларини ҳамда почта жўнатмалари ўтишининг назорат муддатларини тасдиқлайди;

франкирлаш машиналаридан фойдаланиш тартибини белгилайди;

кўрсатилаётган хизматлар сифати устидан давлат назоратини амалга оширади, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини кўриб чиқади;

почта алоқаси мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **7-модда. Фавқулодда ҳолатларда почта алоқаси хизматлари кўрсатиш**

Фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқаларда) почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **8-модда. Почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш**

Почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этишда почта алоқаси операторларига кўмаклашади.

Почта алоқаси объектларида юридик ва жисмоний шахсларнинг айби билан рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатида почта алоқаси оператор-



лари ёки провайдерларига етказилган зарарларнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

### **3-боб. Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш**

#### **9-модда. Почта алоқаси хизматлари**

Почта алоқаси хизматлари почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан почта ва курьерлик хизматлари тарзида кўрсатилади.

Почта хизматлари қуйидагилардир:

почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш);

пул маблағларининг почта ўтказмаларини, шу жумладан пул маблағларининг халқаро почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш);

почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини тезкор почта режимда жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш).

Курьерлик хизматлари курьерлик жўнатмаларини, шу жумладан халқаро курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб беришдир (топширишдир).

#### **10-модда. Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари**

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида қуйидагилар бўлиши керак:

фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этишга доир талаблар; почта алоқаси операторларининг номли буюмларидан (штамплар, штемпеллар, муҳрлардан) фойдаланиш тартиби;

почта ва курьерлик жўнатмаларини расмийлаштириш стандартлари;

почта ва курьерлик жўнатмаларининг турлари ҳамда уларнинг техник тавсифлари;

почта ва курьерлик жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) тартиби;

пул маблағларининг почта ўтказмаларини, шу жумладан пул маблағларининг халқаро почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) тартиби;

почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини тезкор равишда жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) тартиби;

почта ва курьерлик жўнатмаларини сақлаш муддатлари;

почта ва курьерлик жўнатмаларини қайта жўнатиш ҳамда қайтариш шартлари;

почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган ҳамда чекланган предметлар ва моддалар рўйхати;

почта ва курьерлик жўнатмаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш тартиби;

фойдаланувчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби;  
Ўзбекистон Республикаси доирасида жўнатиладиган почта ва курьерлик жўнатмаларидан почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни олиб қўйиш тартиби;

почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни йўқ қилиб ташлаш тартиби;

универсал хизматлар кўрсатиш тартиби ва уларнинг сифатига доир талаблар.

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

### **11-модда. Универсал хизматлар**

Универсал хизматларга қуйидагилар киради:

фойдаланувчиларнинг почта варақчалари, хатлар, бандероллар ва майда пакетларни Ўзбекистон Республикаси доирасида мақбул нархларда жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича эҳтиёжларини қаноатлантиришга доир почта хизматлари;

кўзи ожизларнинг ва кўзи ожизлар учун муассасаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришда секограммалар алмашинуви бўйича почта хизматлари.

Универсал хизматлар кўрсатиш мажбурияти почта алоқасининг миллий оператори зиммасига юклатилади.

### **12-модда. Почта алоқаси хизматлари учун тўлов**

Почта алоқаси хизматлари учун тўлов почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан шартнома асосида белгиланадиган тарифлар бўйича аниқланади.

Универсал хизматлар учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган тарифлар асосида аниқланади.

Ёзма хат-хабар жўнатганлик учун тўлов ёзма хат-хабарга почта тўловининг давлат белгиларини тушириш орқали тасдиқланади.

### **13-модда. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишдаги имтиёзлар ва афзалликлар**

Қонун ҳужжатларида фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари учун почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда белгиланган имтиёзлар берилиши муносабати билан почта алоқаси операторлари ёки провайдерларининг маблағларини компенсация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари учун почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар белгиланиши мумкин. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланув-

чиларнинг айрим тоифалари рўйхати ҳамда ушбу хизматларни кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**14-модда. Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг бут сақланишини таъминлаш**

Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг бут сақланишини почта алоқаси операторлари ва провайдерлари таъминлайди.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари ўртасида почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш ҳамда топшириш қабул қилинадиган ва топшириладиган почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда пул маблағларининг почта ўтказмалари хужжатлаштирилиб қайд этилиши таъминланган ҳолда, Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағлари ташиладиган транспорт воситалари белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ жихозланган бўлиши керак.

Почта, курьерлик жўнатмаларига ишлов бериладиган ва сақланадиган, шунингдек пул маблағлари сақланадиган бинолар, хоналар зарур асбоб-ускуналар, қўриқлаш-ёнғин сигнализация воситалари билан жихозланган бўлиши керак.

Қиймати эълон қилинган жўнатмалар қонун хужжатларида белгиланган тартибда суғурталаниши мумкин.

**15-модда. Топширилмай қолган почта, курьерлик жўнатмаларидан ва пул маблағларининг почта ўтказмаларидан фойдаланиш**

Почта, курьерлик жўнатмасини ёки пул маблағларининг почта ўтказмасини фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотлар аниқ эмаслиги ёки йўқлиги, адресат кўчиб кетганлиги туфайли етказиб бериш (топшириш) имкони бўлмаса ёхуд почта алоқаси оператори ва провайдери почта алоқаси хизматлари кўрсатиш шартномасидаги ўз мажбуриятларини бажара олиши имкониятини истисно этадиган бошқа ҳолатларда улар жўнатувчига Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган муддатларда қайтарилади.

Агар фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотлар аниқ эмаслиги ёки йўқлиги туфайли етказиб берилмаган (топширилмай қолган) почта, курьерлик жўнатмаларини ёки пул маблағларини жўнатувчига қайтаришнинг имкони бўлмаса ёхуд жўнатувчи қайтарилган почта, курьерлик жўнатмасини ёки пул маблағларини олишдан воз кечса, у ҳолда тарқатилмай қолган сифатида вақтинча сақлаш учун почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан қабул қилинади.

Тарқатилмай қолган почта ва курьерлик жўнатмаларини вақтинча сақлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан олти ой давомида амалга оширилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддат ўтганидан сўнг: кимматли қоғозлар, кимматбаҳо металллар ва бошқа предметлар белгиланган тартибда реализация қилинади ҳамда почта алоқаси операторлари ёки провайдерлари харажатларининг ўрни копланганидан сўнг тушган пул маблағлари, шунингдек почта ва курьерлик жўнатмаларида аниқланган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига ўтказилади;

хужжатлар (паспортлар, дипломлар, шаходатномалар, гувоҳномалар ва бошқалар) уларни берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга топширилади;

хатлар тегишли далолатнома тузилиб, йўқ қилиб ташланади.

Адресатларни ва жўнатувчиларни қидиришнинг иложи бўлмаганда, тарқатилмай қолган пул маблағларининг почта ўтказмалари почта алоқаси оператори томонидан ўн саккиз ой давомида сақланади, шундан сўнг бу пул маблағлари маҳаллий бюджет даромадига ўтказилади.

### **16-модда. Ёзишмаларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сири**

Ёзишмаларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сирини сақлаш мақсадида почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг:

бошқа шахсга почта, курьерлик жўнатмалари, пул маблағларининг почта ўтказмалари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек фойдаланувчиларнинг манзиллари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

почта ва курьерлик жўнатмасини очиши ёки очмаган ҳолда уларнинг мазмунига (жойланмасига) доир маълумотларни билиб олиши;

почта ва курьерлик жўнатмаларининг мазмуни (жойланмаси) тўғрисида бошқа шахсни хабардор қилиши тақиқланади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **17-модда. Почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатишдаги чекловлар**

Почта алоқаси тармоғи орқали почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатишга доир чекловлар қонун ҳужжатларида белгиланади.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари жўнатилиши тақиқланган жойланмаси бўлган почта ва курьерлик жўнатмаларини ушлаб туриш, шунингдек жойланмаси бошқа почта ва курьерлик жўнатмаларининг бузилишига (шикастланишига) олиб келувчи, почта алоқаси операторлари ва провайдерлари ходимларининг ёки ўзга шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирадиган почта ва курьерлик жўнатмаларини, агар бу хавфни бошқа йўл билан бартараф этиб бўлмаса, йўқ қилиб ташлаш ёки йўқ қилиб ташлашга рухсат бериш ҳуқуқига эга.

#### **4-боб. Почта алоқаси соҳасининг ташкилий ва иқтисодий асослари**

##### **18-модда. Почта алоқасининг мулки**

Почта алоқасининг мол-мулки оммавий ёки хусусий мулк бўлиши мумкин.

Почта алоқаси мол-мулкининг мулкдорлари, эгалари қонун билан кафолатланган тенг ҳуқуқларга эгадир.

##### **19-модда. Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш**

Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан ўз маблағлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, турар жой даҳалари ва мажмуалари, алоҳида бинолар ва иншоотлар лойиҳалаштирилаётганда ҳамда ривожлантирилаётганда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари почта алоқаси объектларини жойлаштириш учун бинолар ёки алоҳида хоналар қурилишини шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ назарда тутишлари керак.

Почта алоқаси объектларини автомобиль ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар қошида, бозорлар ва меҳмонхоналарда жойлаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Автомобиль ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар қошида почта алоқаси объектларининг бинолари ва иншоотлари қурилиши учун ер участкалари бевосита уларга яқин жойлардан ажратилиши, шаҳарларда почтамтлар қурилиши учун эса шаҳарнинг марказий қисмидан, почта ва курьерлик жўнатмалари алмашинуви учун шароитлар таъминланган ҳолда ажратилиши керак.

Аҳоли пунктларини ва айрим биноларни янгидан қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш туфайли почта алоқаси объектларини кўчириш (қайта қуриш) буюртмачи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан, почта алоқаси операторларининг технологик шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Почта қутилари фойдаланувчилар учун ҳамда оддий хатлар ва почта варақчаларини йиғиб олиш учун қулай бўлган ерларга жойлаштирилиши керак.

Абонент почта жавонлари қурилиш ташкилотлари томонидан кўп квартиралли уйларнинг биринчи қаватларида ўрнатилади. Абонент почта жавонларини харид қилиш ва ўрнатиш харажатлари ушбу кўп квартиралли уйларнинг қурилиш сметасига киритилади. Абонент почта жавонларини соз ҳолатда сақлаш кўп квартиралли уйларнинг мулкдорлари томонидан амалга оширилади.

**20-модда. Почта алоқасининг транспорт воситаларидан фойдаланиш**

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун ўзларига тегишли транспорт воситалари: почта вагонларидан, автомобиллардан, шунингдек шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларидан фойдаланади.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган махсус фарқлаш белгиларига эга бўлиши керак.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари бошқа ишларни бажариш учун уларнинг розилигисиз фойдаланилиши ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчи ҳамда юкларни мунтазам ташувчи темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари почта алоқаси операторлари ҳамда провайдерлари билан почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш шартномалари тузишни рад этишга ҳақли эмас.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчалари бўйлаб, автомобиль йўлларида тўсқинликсиз юриш ҳамда автомобиль, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар қошида жойлашган почта алоқаси объектиларига, юк (багаж) мажмуаларига тўсқинликсиз кириш ҳуқуқига эга.

**21-модда. Почта алоқаси миллий оператори ходимининг формали кийим-боши ва кўкрак нишони**

Почта алоқаси миллий оператори ходими хизмат вазифаларини бажариши учун формали кийим-бош ва кўкрак нишони билан таъминланади.

Почта алоқаси миллий оператори ходимининг формали кийим-бош ва кўкрак нишонини тасдиқлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

**5-боб. Почта алоқаси операторлари, провайдерларининг ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари****22-модда. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг ҳуқуқлари**

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга: почта алоқаси хизматлари кўрсатиш, бундан ушбу Қонуннинг 23-моддасида кўрсатилган хизматлар мустасно;

халқаро почта алоқаси хизматлари кўрсатилганлиги учун бошқа давлатларнинг почта алоқаси операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш; эмблемага эга бўлиш ва ундан ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

### **23-модда. Почта алоқаси миллий операторининг мутлақ ҳуқуқлари**

Почта алоқаси миллий оператори қуйидаги мутлақ ҳуқуқларга эга:

почта вагонлари ва почта қутиларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирини тушириш;

бошқа давлатларнинг почта алоқаси операторлари билан почта алоқаси соҳасидаги ўзаро ҳаракатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ўз ваколатлари доирасида ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

оддий хатлар ва почта varaқчаларини жўнатиш, давлат пенсиялари ва нафақаларини етказиб бериш (топшириш) бўйича хизматлар кўрсатиш.

### **24-модда. Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари**

Фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида почта алоқаси хизматларидан фойдаланиш;

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари, кўрсатилаётган хизматлар тўғрисидаги ва ушбу хизматларга доир тарифлар ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланиш;

ўз почта манзили бўйича, йўқлаб олиш тарзида ёки абонемент почта жавонининг қутичаларидан фойдаланган ҳолда почта, курьерлик жўнатмаларини ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини олиш;

ўз почта манзилига келган почта, курьерлик жўнатмалари ёки пул маблағларининг почта ўтказмаларидан воз кечиш;

қиймати эълон қилинган жўнатма жойланмасининг баҳоси суммасини мустақил равишда белгилаш;

почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатилиши;

почта алоқаси хизматлари кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрни қопланиши, маънавий зиён компенсация қилиниши;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қарорлар устидан бевосита судга ёхуд бўйсунув тартибидан юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат этиш.

Фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

**25-модда. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг мажбуриятлари**

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари:

почта алоқаси соҳасида ушбу Қонунга ва Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларига мувофиқ фаолиятни амалга ошириши;

фойдаланувчиларнинг почта алоқаси хизматларидан эркин фойдалана олишини таъминлаши;

кўрсатилаётган почта алоқаси хизматларининг сифатини таъминлаши;

почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг бут сақланишини таъминлаши;

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган талаблар фойдаланувчи томонидан бузилган тақдирда, почта алоқаси хизматлари кўрсатишни тўхтатиб қўйиши;

почта алоқасининг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаши;

почта алоқаси хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган технологик ускуналар, механизациялаштириш, автоматлаштириш ва ахборотлаштириш воситаларига эга бўлиши;

фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматлари кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек почта алоқаси хизматлари тарифларининг ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этиши;

почта алоқаси хизматлари кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада кўрсатилмаганлиги натижасида фойдаланувчиларга етказилган зарарларнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаши, шунингдек уларга етказилган маънавий зиённи қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиши шарт.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**26-модда. Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Фойдаланувчилар:

ушбу Қонунга ва Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларига риоя этиши;

ўзларига кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаши;

почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг иш сифатини пасайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт.

Фойдаланувчилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**6-боб. Якунловчи қоидалар****27-модда. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг жавобгарлиги**

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик учун фойдаланувчилар олдида белгиланган тартибда жавоб-



гар бўлади. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг жавобгарлиги почта ва курьерлик жўнатмалари йўқолган, бузилган (шикастланган), жойланмалар кам чиққан, почта ва курьерлик жўнатмалари етказиб берилмаган (топширилмаган), назорат муддатлари ҳамда почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда юзага келади.

Почта алоқаси хизматлари кўрсатишда фойдаланувчиларга етказилган зарарларнинг ўрни почта алоқасининг оператори ёки провайдери томонидан қўйидаги ҳолларда ва миқдорларда қопланади:

буюртма хат, буюртма почта варақчаси, буюртма бандерол ёки почта жўнатмаси олинганлиги тўғрисидаги буюртма билдиришнома йўқотилганда — почта алоқаси хизматига тўланган сумма миқдоридан неустойка;

қиймати эълон қилинган посылка, бандерол ва хат йўқотилганда — эълон қилинган қийматнинг икки баравари миқдоридан ва почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдоридан неустойка, бундан эълон қилинган қиймат учун тариф тўлови мустасно;

қиймати эълон қилинган жўнатма жойланма рўйхати билан жўнатилганда жойланманинг бир қисми етишмаганда ёки бузилганда (шикастланганда) — жўнатувчи рўйхатда кўрсатган жойланманинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисми учун эълон қилинган қийматнинг икки баравари миқдоридан;

қиймати эълон қилинган жўнатма жойланма рўйхатисиз жўнатилганда жойланманинг бир қисми етишмаганда ёки бузилганда (шикастланганда) — жойланманинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисми оғирлигининг юборилган жойланманинг оғирлигига (почта ва курьерлик жўнатмаси ўривининг оғирлигисиз) нисбати билан мутаносиб тарзда аниқланадиган почта ва курьерлик жўнатмасининг қиймати эълон қилинган қисмининг икки баравари миқдоридан;

адресатга пул маблағларининг почта ўтказмаси бўйича пул тўланмаганда ёки нотўғри тўланганда ёхуд агар ўтказилган пулларни адресатга беришнинг имкони бўлмай, у жўнатувчига ҳам тўланмаган бўлса — ўтказманинг тўланмаган ёки етарлича тўланмаган қисми суммаси миқдоридан ҳамда почта алоқаси хизматига тўланган сумма миқдоридан неустойка;

адресатдан устама тўлов миқдори етарлича олинмаганда ёки устама тўлов нотўғри тўланганда — олинмай қолган ёки нотўғри тўланган устама тўлов суммаси миқдоридан;

қиймати эълон қилинган посылкалар, бандероллар ва хатлар, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ёки етказиб бериш (топшириш) назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинганда — ушлаб қолинган ҳар бир кун учун почта алоқаси хизматига тўланган сумманинг бир фоизи миқдоридан, лекин ушбу хизматга тўланган суммадан кўп бўлмаган миқдорда неустойка. Зарарларнинг ўрни жўнатувчиларнинг ёки адресатларнинг талабига биноан қопланади;

авиажўнатмаларни (бандероллар, посылкаларни) жўнатиш ёки етказиб бериш (топшириш) назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинганда — авиава ер усти транспортида жўнатиш ўртасидаги тўлов фарқи миқдоридан ва

бундан ташқари ер усти транспорти орқали жўнатишнинг назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинган ҳар бир сутка учун — ушбу модда иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошисига мувофиқ;

соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар, авиа- ва ер усти транспорти йўл чипталари солинган қиймати эълон қилинган хатларни жўнатиш ёки топшириш назорат муддатларидан кечикканлиги туфайли улардан фойдаланиш муддатлари ўтиб кетганда — етказилган зарарнинг икки баравари миқдорида, лекин жойланма рўйхатида эълон қилинган қийматнинг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ҳамда почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдорида неустойка;

халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари йўқотилганда, бузилганда (шикастланганда), жойланмалар етишмаганда, топширилмаганда, пул маблағларининг халқаро почта ўтказмалари амалга оширилмаганда — етказилган зарарнинг ўрнини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан аниқланадиган миқдорда қоплаш.

Почта ва курьерлик жўнатмаларининг йўқолганлиги, бузилганлиги (шикастланганлиги), топширилмаганлиги ёки уларни жўнатиш муддатлари бузилганлиги учун, агар бу енгиб бўлмас куч ёки почта ва курьерлик жўнатмалари жойланмасининг хусусиятлари туфайли содир бўлганлиги исботланса, шунингдек почта ва курьерлик жўнатмаларини божхона кўригидан ўтказиш муддатлари бузилганлиги ёки уларнинг божхона органлари томонидан олиб қўйилганлиги учун почта алоқасининг операторлари ва провайдерлари жавобгар бўлмайди.

### **28-модда. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги**

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчилар почта алоқаси хизматларининг бошқа фойдаланувчиларига, почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига етказилган, жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни почта ва курьерлик жўнатмаларига жойлаш натижасида ёки улар лозим даражада ўралмаганлиги натижасида юзага келган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **29-модда. Қалбаки почта тўловининг давлат белгиларини тайёрлаганлик, сотганлик, сотганлик учун жавобгарлик**

Қалбаки почта тўловининг давлат белгиларини сотиш мақсадида тайёрлаганликда ёки сотганликда, шунингдек била туриб, франкирлаш машиналарининг қалбакилаштирилган тамға изларидан фойдаланганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **30-модда. Талабномаларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари**

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда фойдаланувчи почта алоқа-

си оператори ёки провайдерига талабнома тақдим этишга, шу жумладан етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Почта ва курьерлик жўнатмалари топширилмаганлиги, ўз вақтида етказиб берилмаганлиги ёки йўқотилганлиги, бузилганлиги (шикастланганлиги) ёхуд ўтказилган пул маблағлари тўланмаганлиги тўғрисидаги талабномалар почта, курьерлик жўнатмалари ёки пул маблағларининг почта ўтказмаси топширилган кундан эътиборан олти ой давомида тақдим этилади.

Талабномалар ёзма шаклда тақдим этилади ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Талабномаларга ёзма жавоблар қўйидаги муддатларда берилиши керак: бир аҳоли пункти доирасида жўнатиладиган (ўтказиладиган) почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда пул маблағларининг почта ўтказмаларига доир талабномаларга — беш кун ичида;

бошқа барча почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларига доир талабномаларга — бир ой ичида.

Почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига почта, курьерлик жўнатмаси ва пул маблағларининг почта ўтказмаси қабул қилинган ёки жўнатилиши белгиланган манзил бўйича талабнома тақдим этилиши мумкин.

Халқаро почта, курьерлик жўнатмаларини ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини қидириб топиш бўйича талабномалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда қабул қилинади ҳамда кўриб чиқилади.

### **31-модда. Низоларни ҳал этиш**

Почта алоқасининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **32-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**210 «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 26 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»**ги 660–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Терроризмни молиялаштириш — террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига қўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш»;

2) **4-модданинг:**

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат»;

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар»;

3) **5-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-модда. Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат**

Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи»;

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 23 апрелда эълон қилинган.

**4) 6-модда:**

**биринчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий назорат» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органига хабар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мажбурий назорат» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органига хабар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат мазкур қоидаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади»;

**5) 7-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«7-модда. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда хўжалик, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда;

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда;

шубҳали операциялар амалга оширилганда;

мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил чора-тадбирлар қўришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мижозни лозим даражада текшириш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали мулкдорни ёки юридик шахс бўлган мижозни назорат қилувчи шахсни идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг

бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишни»;

6) **9-модданинг тўртинчи — олтинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборди;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, агар бундай операциялар тўғрисидаги ўзи олган хабар текшириш натижаларига кўра асосли деб топилган бўлса, икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар йўллайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўрайди ва бепул олади»;

7) **12 — 15-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«12-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;

биржа аъзолари;

суғурталовчилар ва суғурта воситачилари;

лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;

пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

**13-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни ўтказиш давомида шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилди.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

**14-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, алоҳида ҳолларда махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

**15-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак бўлган шубҳали операциялар аниқ-

ланган тақдирда, махсус ваколатли давлат органига бу операциялар бўйича улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай белгиланган тартибда ахборот тақдим этиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришади;

ички назорат тартиб-таомилини жорий этиш ва амалга ошириш»;

8) **18-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда тақдим этиш тижорат, банк сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди»;

9) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «мажбурий» деган сўз чиқариб ташлансин;

10) **21-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«21-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни сақлаш**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт»;

11) **22-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус ваколатли давлат органи зарур ахборот тақдим этиш тўғрисида чет давлатларнинг ваколатли органларига сўровлар юбориш ва чет давлатлар ваколатли органларининг сўровларига жавоб қайтариш ҳуқуқига эга».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 27 апрелда қабул



қилинган «**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги ЎРҚ–94-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 22 апрель,  
ЎРҚ–212-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

# 211 Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда  
маъқуланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 24 апрелда эълон қилинган.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**техник жиҳатдан тартибга солиш** — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш;

**маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги** — маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларининг, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайди;

**техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар** — техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

**техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

**умумий техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, бир турдаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар гуруҳи хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

**маҳсус техник регламент** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, умумий техник регламентда назарда тутилмаган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар айрим турининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

**савдодаги техник тўсиқлар** — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда мавжуд бўлган тафовутлари ёки ўзгаришлари оқибатида савдода юзага келадиган тўсиқлар.

### **4-модда. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари**

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

атроф муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;  
савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;  
маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш.

**5-модда. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари**

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги;  
техник регламентларни қўллашнинг бир хиллиги;  
техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;  
техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги.

**6-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими**

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;  
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;  
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари.

**2-боб. Давлат органларининг ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимидаги кирувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;  
техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимидаги кирувчи органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди;  
техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлайди;  
умумий техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради ҳамда ташкил этади;

умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини тузади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни ўз ваколати доирасида экспертизадан ўтказиши;

ўз ваколати доирасида: хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавф-

сизлигига доир, уларда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш бўйича мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолиятида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланишда ҳамда атроф муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида кўрсатилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўз ваколати доирасида:

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари ва умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;

умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади ҳамда уларни экспертизадан ўтказиши;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларини тузади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиши;

умумий техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида: техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;

умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади;

умумий ва махсус техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларини тузади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондиди шакллантиришда иштирок этади;

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

**11-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг

фаолияти Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**13-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан ҳамда ўз ваколатлари доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органлари томонидан шакллантирилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди умумий ва махсус техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўзлари тасдиқлаган махсус техник регламентларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондига белгиланган тартибда тақдим этади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**14-модда. Техник регламентлар тўғрисидаги ахборот**

Амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги ахборот юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдалана оладиган бўлиши керак. Давлат сирларини ва қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар тарқатилмаслиги керак.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига кўра:

амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

ишлаб чиқиладиган, қабул қилинган техник регламентларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

**3-боб. Техник регламентлар**

**15-модда. Техник регламентларнинг турлари**

Ўзбекистон Республикасида техник регламентларнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

умумий техник регламентлар;  
махсус техник регламентлар.

**16-модда. Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар**

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар қўйидагилар бўйича белгиланиши мумкин:

биологик хавфсизлик;  
механик хавфсизлик;  
кимёвий хавфсизлик;  
ядровий ва радиациявий хавфсизлик;  
ёнғин хавфсизлиги;  
электр хавфсизлиги;  
машина ва ускуналарни ишлатиш (улардан фойдаланиш) ҳамда утилизация қилиш хавфсизлиги;  
электромагнит мослиги;  
қурилиш ишлари хавфсизлиги;  
бинолар, иншоотлардан ва уларга туташ ҳудуддан фойдаланиш хавфсизлиги;  
экологик хавфсизлик;  
ветеринария хавфсизлиги;  
саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги;  
портлаш хавфсизлиги;  
ахборот хавфсизлиги;  
ўлчовларнинг ва синовлар усулларининг бир хиллигини таъминлаш.  
Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

**17-модда. Техник регламентларнинг мазмуни**

Техник регламентлар қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:  
маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги тавсифлари;  
хавфсизлик талаблари белгиланаётган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхати;  
атамаларга, ўров-идишга, тамғаларга ёки ёрлиқларга ҳамда уларни акс эттириш қоидаларига ва маҳсулотни идентификация қилишга доир талаблар;  
маҳсулотлар намуналарини олиш ва уларни синовдан ўтказиш қоидалари;  
давлат назоратини амалга ошириш тартиби;  
маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган синовлар, ўлчовлар қоидалари ва усуллари.

Зарарли микроорганизмлар ва қўшимчалар, касалликлар, касаллик тарқатувчилар, ифлослантирувчи моддалар, токсинлар, зараркунандалар ва бегона ўсимликлар кириб келиши ёки тарқалиши муносабати билан юзага



келадиган инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфи даражаси ҳамда зарарни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда техник регламентларда санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари ҳам кўрсатилиши керак.

Санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирларида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

маҳсулотга, уни синаш, текшириш тартиб-таомилига, санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария хулосасини бериш тартибига доир мажбурий талаблар;

карантин ва ветеринария-санитария қоидалари, шу жумладан ҳайвонлар ва ўсимликларни ташиш билан боғлиқ талаблар;

намуналар олиш усуллари ва тартиб-таомили, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфини тадқиқ этиш ҳамда баҳолаш усуллари, шунингдек техник регламентларда кўрсатилган бошқа талаблар.

Техник регламентларда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар бўлмаслиги лозим, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши хавфи даражаси ҳисобга олинган ҳолда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар йўқлиги сабабли маҳсулот хавфсизлиги таъминланмаслиги ҳоллари бундан мустасно.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан узоқ муддат фойдаланилиши оқибатида ва (ёки) йўл қўйиладиган хавф даражасини аниқлаш имкониятини бермайдиган бошқа омиллар таъсири сабабли инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказадиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир талаблар техник регламентларда бўлмаслиги керак. Бунда техник регламентларда эҳтимол тутилган зарар тўғрисида ҳамда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфи қайси омилларга боғлиқ бўлса, шу омиллар ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилишга доир талаблар бўлиши мумкин.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир қуйидаги махсус талаблар бўлиши мумкин:

қонун ҳужжатларида белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлайдиган махсус талаблар;

техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига таҳдид солувчи трансчегаравий хавфли ишлаб чиқариш объектларига оид махсус талаблар.

Давлат сирларидан ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат бўлган маълумотларни ўз ичига олган техник регламентлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Техник регламентлар тугал бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилади ҳамда уларга фақат белгиланган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

**18-модда. Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини шакллантириш**

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини шакллантириш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органларининг ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўз ваколатлари доирасидаги таклифлари инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда эълон қилинади.

**19-модда. Техник регламентларни ишлаб чиқиш тартиби**

Техник регламентлар техник регламентларни ишлаб чиқишнинг тасдиқланадиган дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар белгиланган тартибда: техник регламентлар ишлаб чиқилиши ҳақидаги хабарларни эълон қилади;

техник жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг гуруҳлари ҳамда турларини белгилайди;

махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиладиган талабларга мувофиқлигини баҳолаш усулларини белгилайди;

ишлаб чиқилган техник регламентларни келишиб олади;

ишлаб чиқилган техник регламентлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлайди.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар ишлаб чиқилган техник регламентлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ичида уларнинг муҳокама қилинишини таъминлайди.

**20-модда. Техник регламентларни қабул қилиш тартиби**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси олинганидан кейин умумий техник регламентларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда юборади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат орган-

лари, давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятининг йўналишлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси асосида махсус техник регламентларни тасдиқлайди.

Тасдиқланган умумий ва махсус техник регламентлар расмий эълон қилинган пайдан эътиборан камида олти ой ўтгач амалга киритилади.

Умумий ва махсус техник регламентларни эълон қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**21-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг техник регламентларни ишлаб чиқиш учун қўлланилиши**

Техник регламентларни ишлаб чиқишда махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлик мезонларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатлардан фойдаланилади.

Техник регламентларда далилий база сифатида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг матнлари тўлиқ ёки қисман келтирилади.

**22-модда. Техник регламентларга риоя этиш**

Техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Техник регламентлар амалга киритилгач, стандартлаштириш бўйича уларда кўрсатилган махсулотлар, ишлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган тегишли норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотади ҳамда белгиланган тартибда қўлланилишда ихтиёрийлик касб этади.

**23-модда. Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати**

Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**4-боб. Яқунловчи қоидалар**

**24-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш республика бюджети ва юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

умумий техник регламентларни ишлаб чиқиш;

умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини юритиш;

техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлардаги аъзолиги билан боғлиқ харажатлар.

**25-модда. Низоларни ҳал этиш**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**26-модда. Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**27-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 23 апрель,  
ЎРҚ-213-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 212 Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорига мувофиқ ҳамда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириладиган ахборотларнинг ҳаққонийлиги, яхлитлиги ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ушбу қарорга 2-иловада назарда тутилган талаблардан келиб чиққан ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда тасдиқласинлар;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳузуридаги Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини ахборотлар билан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳи

томонидан белгиланган муддатларда ва шаклларда ахборотларнинг тақдим этилишини таъминласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2007 й., 12-сон, 71-модда) 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель,  
116-сон

**Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш  
учун тақдим этиладиган ахборотлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
<b>I. Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти</b>				
1.	Иқтисодиёт	Республиканинг иқтисодий салоҳияти, иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва республика иқтисодиётини янада ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотнома (3-4 саҳифада матн, тармоқлар, минтақалар бўйича республика мустақиллигидан бошлаб асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар жадвали, графиклар, диаграммалар).	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунигача	Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
		Инвесторлар иштирокида амалга ошириш мўлжалланаётган лойиҳалар рўйхати.	Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
2.	Аҳоли ва меҳнат бозори	Минтақалар бўйича аҳоли сони ва меҳнат бозорининг ҳолати (1 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар).	Ҳар йили 20 июнгача	Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
		Хорижий ишчи кучини жалб этиш ва ёллаш тартиби; Юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб этиш юзасидан рухсатномалар бериш шартлари ва тартиби.	Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
3.	Солиқ ва бюджет сиёсати	Давлат бюджетининг шакллантирилиши ва ижроси, республика мустақиллигидан бошлаб давлат молиясини ва солиққа тортишни ислох қилишнинг асосий босқичларидаги ўзгаришлар, шунингдек фискаль сиёсатни янада такомиллаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (1 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар).	Бир йўла 31 майгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси

Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
		<p>Молиявий назорат ва аудиторлик фаолияти бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;</p> <p>Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби;</p> <p>Солиқ тўловчининг яқка тартибдаги тартиб рақамларини рўйхатдан ўтказиш, бериш ва рўйхатдан ўтказиш маълумотларини ўзгартириш юзасидан аризаларни қабул қилиш тартиби;</p> <p>Жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;</p> <p>Электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби;</p> <p>Хўжалик юритувчи субъектларни даврлар бўйича назорат органлари томонидан текширишларнинг режа-графики;</p> <p>Юридик ва жисмоний шахслар учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг мавжуд турлари;</p> <p>Солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби;</p> <p>Мол-мулки сотилиши керак бўлган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати.</p>	<p>Бир йўла 31 майгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида</p>	<p>Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари</p>
4.	Сугурта тизими	<p>Сугурта бозорининг ҳолати ва уни ривожлантириш тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (1 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар).</p>		
		<p>Экспортни сугурта қилиш тартиби ва қоидалари;</p> <p>Экспорт кредитлари ва инвестицияларни сугурта қилиш тартиби;</p> <p>Ташқи савдо операциялари таваккалчиликларини сугурта қилиш ва қайта сугурта қилиш тартиби;</p> <p>Фуқароларнинг мол-мулкани сугурта қилиш тартиби;</p> <p>Автотранспортни сугурта қилиш тартиби;</p> <p>Бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш тартиби;</p> <p>Жавобгарликни сугурта қилиш тартиби;</p> <p>Юкларни сугурта қилиш тартиби;</p> <p>Қурилиш-монтаж ишларини сугурта қилиш тартиби.</p>	<p>Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида</p>	<p>Молия вазирлиги, «Ўзбекинвест» экспорт-импортни сугурта қилиш миллий компанияси</p>
5.	Пул-кредит сиёсати ва банк тизимини ислоҳ қилиш	<p>Пул-кредит сиёсати, банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтказилган тадбирлар, шу жумладан юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги ахборот</p>	<p>Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунигача</p>	<p>Марказий банк, тижорат банклари</p>



Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
		(3 саҳифада матн, пул-кредит сиёсати асосий кўрсаткичлари ва банк тизими кўрсаткичлари жадвали, графиклар, диаграммалар, фотосуратлар).		
		Банклар, пул омонатлари тўғрисидаги ахборот; Кредит (истеъмом, ипотека ва бошқалар) олиш тартиби ва қоидалари.	Ҳар чоракда ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 20-кунигача	
6.	Инвестиция салоҳияти	Республиканинг инвестиция салоҳияти, шунингдек инвесторлар учун имкониятлар, имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотнома (3 саҳифада матн, жорий вазият кўрсатилган ҳолда амалга оширилган лойиҳалар ва устувор инвестиция лойиҳалари жадваллари, фотоматериаллар).	Ҳар чоракда ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 20-кунигача	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзинфоинвест» агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
		Йиллар бўйича хорижий инвестициялар ҳажми.	Ҳар йили 30 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	
7.	Импорт ва экспорт	Республиканинг ташқи савдо салоҳияти, шунингдек экспортчилар учун имкониятлар, имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотнома (3 саҳифада матн, республика мустақиллигидан бошлаб ташқи савдонинг тармоқлар, минтақалар ва шерик мамлакатлар бўйича асосий кўрсаткичлари жадвали, графиклар ва фотосуратлар).	Ҳар чоракда ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 30-кунигача	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси
		Йиллар бўйича ташқи савдо айланмаси ҳажми	Ҳар йили 30 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	
		Экспорт-импорт операцияларининг амалга оширилиши тўғрисидаги қисқача ахборот (1 саҳифада матн)	Бир йўла 31 майгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси
8.	Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш	Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги давлат сиёсати, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан савдо, иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги таҳлилий маълумот.	Ҳар йили 30 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
		мотнома (4-5 саҳифада матн, жадваллар, диаграммалар, фотоматериаллар).		
		Йиллар бўйича Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан импорт-экспорт ҳажмлари.	Ҳар йили 30 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси
9.	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар бериш ишларининг аҳволи тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (3 саҳифада матн, графиклар ва фотосуратлар).	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15- кунигача	Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси
10.	Халқаро алоқаларни ривожлантириш	Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари, халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномаларда қатнашиши тўғрисидаги ахборот (3-4 саҳифада матн). Ахборотга қуйидагилар илова қилинади: Ўзбекистон Республикаси дипломатик муносабатлар ўрнатган мамлакатлар рўйхати; Тошкентдаги дипломатик корпус тўғрисидаги ахборот; Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва консуллик муассасалари, ваколатхоналари ва савдо уйлари-нинг раҳбарлари ва боғланиш маълумотлари кўрсатилган рўйхати.	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача	
		Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида амалдаги халқаро шартномалари ҳақидаги маълумотлар.	Ҳар йили 20 январгача ва битим имзоланган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
11.	Тадбиркорлик ва кичик бизнес	Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлар учун имкониятлар, имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (2-3 саҳифада матн, тармоқлар ва минтақалар бўйича хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес маҳсулотларининг ўсиш кўрсаткичлари жадвали, графиклар, диаграммалар ва фотосуратлар).	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунигача	Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
		Хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати; Хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби; Хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тартиби;	Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
		<p>Хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзлари;                      Хусусий тадбиркорлик субъектлари учун лицензияланиши керак бўлган фаолият турлари рўйхати;                      Хусусий тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби.</p>		
		<p>Кичик бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати;                      Кичик бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби;                      Кичик бизнес субъектлари учун солиқ имтиёзлари;                      Кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш тартиби;                      Кичик бизнес субъектларини тугатиш тартиби.</p>	<p>Ҳар йили                      20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида</p>	<p>Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари</p>
		<p>Йирик бизнес субъектларини ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати;                      Йирик бизнес субъектлари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби;                      Йирик бизнес субъектларини ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш тартиби;                      Йирик бизнес субъектларини ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни тугатиш тартиби.</p>	<p>Ҳар йили                      20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида</p>	<p>Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари</p>
12.	Қимматли қоғозлар бозори	<p>Қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати ва уни ривожлантириш тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (1 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар).</p>		
		<p>Қимматли қоғозларни савдоларга қўйиш қодалари;                      Савдоларга қўйилган қимматли қоғозлар рўйхати;                      Қимматли қоғозлар бозорида тартибга солиш;                      Қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятнинг ҳар хил турларини лицензиялаш.</p>	<p>Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида</p>	<p>Давлат мулки қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази</p>
13.	Ижтимоий муҳофаза қилиш	<p>Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг ҳолати, ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотларнинг асосий босқичлари ва уни янада такомиллаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (3 саҳифада матн, минтақалар бўйича республика мустақиллиги бошидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш асосий кўрсаткичлари жадвали, графиклар ва фотосуратлар).</p>	<p>Ҳар чоракда ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5-кунигача</p>	<p>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги</p>

Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
14.	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ва уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, баҳолаш ва брокерлик фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (3 саҳифада матн, минтақалар ва тармоқлар бўйича объектларни хусусийлаштириш жадвали, графиклар ва фотосуратлар).	Ҳар чоракда ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5-кунигача	Давлат мулки қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
15.	Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари	Ахборотнома, жадваллар ва графиклар.	Ҳар чоракда, мажлис ўтказилгандан кейин бир кун муддатда	Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти
16.	Ишга жойлаштириш	<p>Меҳнат бозорининг ҳолати, аҳолини ишга жойлаштириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот (3 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар).</p> <p>Фуқароларнинг иш билан бандликка қўмаклашиш марказларига мурожаат қилиш тартиби;</p> <p>Республика иш билан бандликка қўмаклашиш шаҳар марказларининг боғланиш маълумотлари;</p> <p>Буюртманомаларни кўриб чиқиш тартиби, ишга қабул қилиш шартлари.</p>	Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
17.	Фуқароларнинг алоҳида тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ишга жойлаштириш	<p>Фуқароларнинг алоҳида тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ишга жойлаштиришнинг ҳолати, улар учун қўшимча иш ўринлари ташкил этиш тўғрисидаги ахборот (3 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар).</p> <p>Ишга жойлаштиришнинг белгиланган кафолатлари тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>Аҳолининг алоҳида тоифасига кирадиган шахслар рўйхати;</p> <p>Кам таъминланган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш дастури, уларга кўрсатилаётган ёрдам;</p> <p>Кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича масъул бўлган давлат ҳокимияти органлари.</p>	Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
18.	Ишсиз деб эътироф этиш	<p>Фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби;</p> <p>Ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш шартлари ва муддатлари;</p>	Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
		Иш йўқотилган тақдирдаги ижтимоий кафолатлар.		
19.	Фуқароларнинг пенсия таъминоти	Давлат пенсияларининг турлари ва пенсияга чиқиш ҳуқуқини олиш шартлари; Пенсияларни ҳисоблаш тартиби; Иш стажи учун пенсияларни ошириш ва пенсияга устамалар олиш тартиби.	Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
20.	Меҳнат миграцияси	Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда касб фаолиятини амалга ошириш тартиби; Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш; Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш.	Ҳар йили 20 январгача ва ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
21.	Жамоат истироҳат боғлари	Жамоат истироҳат боғлари тўғрисидаги умумий маълумотлар (1 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар, фотосуратлар, видеоматериаллар).	Ҳар йили	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
		Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги жамоат истироҳат боғлари; Маълумотлар учун телефонлар ва жойлашган манзили.	20 январгача	
22.	Ҳайвонот боғлари, давлат қўриқхоналари, табиат ёдгорликлари	Ҳайвонот боғлари, давлат қўриқхоналари, табиат ёдгорликлари тўғрисидаги умумий маълумотлар (1 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар, фотосуратлар, видеоматериаллар).		
		Республикадаги йирик ҳайвонот боғлари, давлат қўриқхона зоналари, табиат ёдгорликлари; Маълумотлар учун телефонлар ва жойлашган манзили.	Ҳар йили 20 январгача	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
<b>II. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти</b>				
23.	География	Ўзбекистон тўғрисидаги географик маълумотнома (1 саҳифада матн, республиканинг географик харитаси).	Ҳар йили ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5-кунигача	«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси
24.	Экология	Миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан бирга республика экологияси, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотнома (1 саҳифада матн, республиканинг экологик харитаси, жадваллар, графиклар ва фотосуратлар).	Ҳар йили ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5 кунигача	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
25.	Обиҳаво	Вилоятлар марказлари бўйича асосий иқлим индикаторлари тўғрисидаги ахборот (1 саҳифада матн, ҳавонинг ўртача йиллик ҳароратлари графиги ва ёгингарчиликларнинг йиллик миқдори ҳамда уларнинг базавий нормалардан тафовутлари).	Ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги ойнинг 5-кунигача	Гидрометеорология хизмати маркази
		1 ва 2 — 5 сутка учун обиҳаво маълумоти.	Ҳар куни	Гидрометеорология хизмати маркази
26.	Қишлоқ хўжалиги	Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижалари, минтақалар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини етиштиришнинг ҳолати тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (3 саҳифада ахборот, жадваллар, диаграммалар ва расмлар).	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунигача	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
27.	Фермер хўжалигини ривожлантириш	Фермер хўжалигининг ҳолати ва уни ривожлантириш, фермер хўжалиklarининг ер ресурслари, йиллар бўйича қишлоқ хўжалигига инвестициялар тўғрисидаги маълумотнома (2 саҳифада матн, жадваллар ва графиклар).	Ҳар йили 20 январгача ва битим имзоланган кундан бошлаб икки кун мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси
28.	Пахта тозалаш саноати	Пахта тозалаш тармоғининг ҳолати, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, мустақиллик йилларида тармоқни ривожлантириш, пахта тозалаш саноатини модернизациялаш бўйича комплекс дастурнинг амалга оширилиши, пахта толаси сифатини ошириш тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (3 саҳифада матн, диаграмма ва графиклар, фотосуратлар).	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунигача	«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаштириш маркази
29.	Дон маҳсулотлари тармоғи	Давлат ресурсларидаги дондан ва уни қайта ишлаш маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, дон маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлашда сифатнинг таъминланиши тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома (3 саҳифада матн, тармоқнинг статистик кўрсаткичлари, диаграммалар ва графиклар, фотоматериаллар).	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача	«Ўздонмаҳсулот» АК
		Дондан ва уни қайта ишлаш маҳсулотларидан оқилона фойдаланилишини давлат томонидан назорат қилиш, донни ўриб-йигиш ва тайёрлаш вақтида дон сифатини текшириш тартиби ва муддатлари, республика ичида ташишда дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини ҳамда импорт-экспорт операцияларини текшириш (3 саҳифада матн, жадваллар, диаграммалар ва графиклар, фотоматериаллар).	Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси

Т/р	Ахборотлар, тадбирлар, воқеалар ва бошқалар	Ахборотнинг тури	Тақдим этиш мунтазамлиги	Масъуллар
8. Ташкилотнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари бўлинмаларнинг жорий фаолияти бўйича ахборотларни, шу жумладан Порталга жойлаштириш учун мўлжалланган ташкилотнинг ҳудудий бўлинмалари, тасарруфидаги корхоналар томонидан тақдим этилган ахборотларни белгиланган тартибда тайёрлайдилар, умумлаштирадилар ва уларни белгиланган муддатларда ташкилотларнинг ахборот хизматларига тақдим этадилар.

9. Ташкилотларнинг ахборот хизматлари ташкилот марказий аппарати-нинг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган Порталга жойлаш-тирилиши керак бўлган ахборотларни белгиланган тартибда тайёрлайдилар, умумлаштирадилар ва уларни белгиланган муддатларда Порталга жойлаш-тириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлин-маларига тақдим этадилар.

10. Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиладиган ахборотларга ташкилот раҳбари ёки ташкилот раҳбари томонидан тайинланган, ахборотни жой-лаштиришга рухсат бериш бўйича масъул бўлган шахс томонидан имзо қўйилади.

11. Электрон манбалардаги ахборотларни бевосита ёки электрон почта орқали Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлимига бериш таш-килотларнинг ахборот хизматлари томонидан амалга оширилади ва улар электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида тасдиқланган бўлиши ёки қоғоз-даги имзоланган нусхаси билан биргаликда берилиши керак.

12. Ахборот материалларини жойлаштиришга ҳамда уларни тақдим этиш-га рухсат бериш бўйича масъул шахсни тайинлаш ёки озод қилиш тўғриси-даги ахборот Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлинмасига шу куннинг ўзида ёзма равишда етказилиши керак.


### IV. Яқуний қоидалар

13. Порталга жойлаштириш учун тақдим этилган ахборотнинг ҳаққоний-лиги ва долзарблиги юзасидан ахборот материалларини жойлаштиришга рухсат бериш бўйича масъул бўлган шахс ҳамда ташкилот раҳбари жавоб берадилар.

14. Ахборотларнинг сақланишини ва Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш юзасидан ташкилотларнинг ахборот хизмат-лари жавоб берадилар.

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга ИЛОВА

### Интернет тармоғида Ҳукумат порталига жойлаштириш учун ахборотларни тақдим этишнинг НАМУНАВИЙ СХЕМАСИ



---> — ахборотларни келишиш учун тақдим этиш;  
-.-.-> — ахборотларни умумлаштириш учун тақдим этиш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг  
Ҳукумат порталига жойлаштириш учун Вазирлар  
Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий  
бўлинмалари томонидан ахборотларни тақдим  
этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига (кейинги ўринларда Портал деб аталади) жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари, бошқармаси ва бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот қотиби (кейинги ўринларда бўлинмалари деб аталади) томонидан ахборотлар тақдим этиш тартибини белгилайди.

**II. Порталга жойлаштириш учун тақдим этиладиган  
материаллардаги ахборотнинг мазмуни**

2. Порталга жойлаштириш учун бўлинмалар томонидан тақдим этиладиган ахборотнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ белгиланади.

3. Порталда жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотда давлат, ҳарбий ёки хизмат сири ҳисобланадиган маълумотлар ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши чекланган бошқа маълумотлар бўлмаслиги керак.

4. Порталда жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборот долзарб, ҳаққоний, яхлит, аниқ тизимли ва мавзу блоклари бўйича тақсимланган бўлиши керак.

5. Порталда жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборот Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тақдим этилиши керак. Шу билан бирга, ахборотларнинг рус ва инглиз тилларидаги, шунингдек бошқа тиллардаги мазмуни бир хил бўлиши ёхуд қисқартирилган версиялари бўлиши мумкин.

**III. Ахборотларни тақдим этишни ташкил қилиш тартиби**

6. Порталга жойлаштириш учун ахборотларни тақдим этиш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан таркибий бўлинма ходимларидан Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига ахборот тақдим этиш юзасидан масъул шахслар тайинланади. Масъул шахслар 3-5 кун мобайнида ахборотнинг ҳажмига қараб давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлар томонидан Порталга жойлаштириш учун тақдим этилаётган ахборотларни тайёрлайдилар ва умумлаштирадидилар ҳамда уни электрон тарзда Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига тақдим этадилар. Тақдим этилган ахборот электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида тасдиқланган бўлиши ёки қоғоздаги имзоланган нусха билан биргаликда берилиши керак.

8. Ахборот-таҳлил департаментлари томонидан тақдим этиладиган ахборот бир кун мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари билан келишилган бўлиши керак.

9. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти бўлинмалар томонидан тақдим этилган ахборотларни умумлаштиради ва камида ҳар икки кунда бир марта материалларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири билан келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига киритади.

10. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири билан келишилган ахборот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига берилади.

11. Порталга жойлаштириладиган барча ахборотларда охири янгиланган ва аниқлаштирилган санаси мавжуд бўлиши керак.

12. Ахборотларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳузуридаги Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини ахборотлар билан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳига бевосита бериш Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини томонидан тайинланган ахборотни Порталга жойлаштириш бўйича масъул бўлган шахс томонидан амалга оширилади ва электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида тасдиқланган бўлиши керак.

13. Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари масъул ходимларидан Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига ахборот тақдим этиш бўйича масъул бўлган шахсни тайинлаш ёки озод қилиш тўғрисидаги ахборот Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига шу куннинг ўзида етказилиши керак.

**IV. Якуний қоидалар**


14. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти ушбу Низом талабларига риоя қилинишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади, Порталга жойлаштириш учун ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан жавоб беради.

15. Порталга жойлаштириладиган ахборотнинг ҳаққонийлиги, мазмуни ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан тегишли бўлинмалар раҳбарлари шахсан жавоб берадилар.



Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

### Интернет тармоғида Ҳукумат порталига жойлаштириш учун ахборотларни тақдим этиш СХЕМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида  
Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада  
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил  
17 декабрдаги 259-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг тўртинчи хатбоши ва 4-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисида низомда:

а) 6-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти, ташкилотларнинг ахборот хизматлари томонидан тақдим этиладиган ахборотлар»;

б) 10-банддаги «ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 11-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан мунтазам равишда тақдим этиладиган ахборот материалларини Порталда эълон қилиш»;

г) 12-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби, ташкилотларнинг ахборот хизматлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) Низомга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**213** **Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июлдаги 328-сон қарорининг 4-бандини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари» тўғрисида 1992 йил 17 июлдаги 328-сон қарорининг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 7-сон, 19-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 21 апрель,  
117-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**214** **Автомобилтранспорт воситалари билан боғлиқ битишувларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автобуслар ва юк автомобилларининг рақобатбардошлилигини янада ривожлантириш ва ошириш, республиканинг автотранспорт воситалари паркинни тўлдириш ва янгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битишувларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 3-бандининг иккинчи хатбошига «шунингдек «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари юзасидан лизинг шартномалари бўйича лизинг ташкилотлари» сўзлари қўшилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 23 апрель,  
119-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**215 «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги алоҳида божхона режими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 23 апрель,  
120-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 23 апрелдаги 120-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги  
алоҳида божхона режими тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда «Навойй» ЭИИЗ деб аталади) ҳудудидаги алоҳида божхона режимини қўлланиш тартибини белгилайди.

2. «Навойй» ЭИИЗ ҳудуди божхона назорати зонаси ҳисобланади. Божхона назорати божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона органлари томонидан амалга оширилади.

3. Ушбу Низомнинг амал қилиши фақат «Навойй» ЭИИЗ ҳудудида «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан амалга ошириладиган фаолиятга татбиқ этилади.

4. Ушбу Низом мақсадлари учун қонун ҳужжатларида фойдаланиладиган тушунчалар қўлланилади.

5. Ҳар қандай товарларни ҳам «Навойй» ЭИИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари (кейинги ўринларда «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари деб аталади), ҳам «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан «Навойй» ЭИИЗ ҳудудига олиб кириш ва «Навойй» ЭИИЗ ҳудудидан олиб чиқиб кетиш давлат божхона хизмати органларининг (кейинги ўринларда божхона органлари деб аталади) рухсати билан амалга оширилади.

6. «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан «Навойй» ЭИИЗ ҳудудига олиб кириладиган экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар(кейинги ўринларда ишлаб чиқариш учун товарлар деб аталади), келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, эркин божхона зонасининг божхона режимида расмийлаштирилади. Бунда:

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хорижий товарларга нисбатан божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) ва иктисодий сиёсат чоралари қўлланмайди;

Ўзбекистон товарлари божхона экспорт режимига мувофиқ товарларни олиб чиқиб кетишга нисбатан қўлланадиган шартларда жойлаштирилади.

7. Ишлаб чиқариш учун товарлар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида у фаолият кўрсатадиган муддат мобайнида туриши мумкин.

8. Ишлаб чиқариш учун товарлар билан ҳар қандай операцияларни, агар бундай операциялар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) шартларига мувофиқ бўлса, амалга оширишга йўл қўйилади.

9. Ишлаб чиқариш учун товарлар ва улардан фойдаланган ҳолда «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобланмайдиган, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида эркин муомалада турган товарлар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида эркин ҳаракат қилади ва унинг ҳудудидан эркин олиб чиқиб кетилади.

**II. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига олиб кириладиган ва  
ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетиладиган товарларни  
божхонада назорат қилиш ва божхонада расмийлаштириш  
хусусиятлари**

10. Хорижий товарлар ҳисобланадиган ишлаб чиқариш учун товарлар: уларга нисбатан божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимдан ташқари) ва иктисодий сиёсат чоралари қўлланмасдан Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетиладиган тақдирда — қайта экспорт қилиш божхона режимида;

товарлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун, тўланиши керак бўлган барча божхона тўловларини тўлатган ҳолда, берилган (беғоналаштирилган) тақдирда — эркин муомалага чиқариш божхона режимига жойлаштирилиши мумкин.

11. Ўзбекистон товарлари ҳисобланадиган ишлаб чиқариш учун товарлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун берилганда (беғоналаштирилганда) белгиланган тартибда, божхона режимига ушбу режимда белгиланган шартларда жойлаштирилади.

12. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (кейинги ўринларда маҳсулотлар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетишда экспорт божхона режимига жойлаштирилади.

Бунда экспорт статистикасида уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган Ўзбекистон товарлари ҳисобланадиган товарлар ҳисобга олинмайди.

13. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун берилладиган (беғоналаш-

тириладиган) маҳсулот белгиланган тартибда, эркин муомалага чиқариш режимига жойлаштирилади. Бунда:

сотиладиган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хорижий товарларга (хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмларга) нисбатан божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) юкнинг божхона декларацияси қабул қилинган санада белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида тўланади;

сотиладиган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилган Ўзбекистон товарларига (хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмларга) нисбатан ушбу товарлар эркин божхона зонаси божхона режимига жойланиши муносабати билан озод қилинган қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи тўланади.

Ушбу тўловлар, агар қонун ҳужжатларида янада имтиёзлироқ режим белгиланмаган бўлса, божхонада расмийлаштирилган санадан бошлаб 180 кун мобайнида тўланиши мумкин.

14. «Навоий» ЭИИЗнинг бир қатнашчиси ишлаб чиқариш учун ўз товарларини ва маҳсулотини «Навоий» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчисига берган (бегоналаштирган) тақдирда божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўланмайди, лекин бу ҳолда ушбу товарларни божхонада расмийлаштириш уларнинг янги эгаси — «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси учун амалга оширилади.

15. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида эркин божхона зонаси режимда турган ишлаб чиқариш учун товарлар эркин муомалага чиқариш режимига жойлаштирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг ёки хорижий давлатларга экспортнинг қолган қисми учун товарларнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб божхона тўловлари ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланади.

16. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадлари учун товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлашнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган қоидалари қўлланади.

17. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳар бир календарь йил бошлангунгача ўн беш кундан кечикмай ёзма шаклда божхона органига:

ишлаб чиқариш учун «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилиши мўлжалланаётган товарлар тўғрисидаги маълумотларни (товарнинг номи, миқдори, Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН бўйича коди, қиймати, келиб чиқиш мамлакати);

ишлаб чиқариш учун товарлар (хорижий товарлар ва Ўзбекистон товарлари) ҳамда маҳсулотлар билан амалга ошириладиган операциялар ва бундай операцияларни амалга ошириш натижасида олинadиган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги уларнинг сарфлаш нормалари тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга, «Навоий» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчисига ёки «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланмайдиган шахсга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун бе-

риш (бегоналаштириш) мўлжалланаётган маҳсулот тўғрисидаги (товарнинг номи, микдори, Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН бўйича коди, хорижий товарлар ва Ўзбекистон товарларининг маҳсулот бирлигидаги таркиби, маҳсулот бирлигининг қиймати) маълумотларни маълум қилади.

18. «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган маълумотларни ўзгартиришга ҳақлидир, у бу тўғрида божхона декларацияси берилгунгача 15 кундан кечикмай божхона органига ёзма равишда хабар қилади.

19. «Навой» ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилаётган ишлаб чиқариш учун товарларнинг биринчи туркумига нисбатан «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган маълумотларни божхона декларацияси берилгунгача ўн беш кундан кечикмай маълум қилиши керак.

20. «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси божхона органига тақдим этилгунгача ушбу Низомнинг 17 — 19-бандларида кўрсатилган маълумотларни «Навой» ЭИИЗ бошқарув органлари билан товарлар тури, уларнинг микдори ва улар билан амалга ошириладиган операцияларнинг инвестициялаш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқлигини келишиб олади.

21. «Навой» ЭИИЗ қатнашчисининг аризасида кўрсатилмаган ишлаб чиқариш учун товарлар эркин божхона режимига жойлаштирилмайди.

22. «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси аризасининг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотларга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

23. «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари ишлаб чиқариш учун олиб кириладиган, олиб чиқиб кетиладиган, сақланаётган, тайёрланаётган, қайта ишланаётган, сотиб олинadиган ва сотиладиган товарларнинг ҳамда «Навой» ЭИИЗ ҳудудида улардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳисобини олиб боришлари ва ушбу товарларга доир маълумотларни божхона органларига тақдим этишлари шарт.

24. Ишлаб чиқариш учун товарлар бўйича ва «Навой» ЭИИЗ доирасида улардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича содир бўлган ҳар қандай ўзгаришлар ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилади. Ҳисобга олиш ва ҳисобот шакли, шунингдек ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари белгиланган тартибда:

бухгалтерия ҳисоботи бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

статистик ҳисобот бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

25. Эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган товарлар, ушбу товарлар тижорат қимматини йўқотган тақдирда, божхона органи назорати остида йўқ қилиниши ёки «Навой» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчиси фойдасига бегоналаштирилиши мумкин, бу ҳолда йўқ қилиш ёки бегоналаштириш факти божхона органига тақдим этиладиган ҳисоботда акс эттирилади.

26. Товарларни божхонада баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини бел-



гилашнинг умумий тартиби қўлланади, бунда қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинади:

олиб кириладиган товарларнинг битимдаги қийматини аниқлаш методи бўйича божхона қиймати аниқланган тақдирда битим қиймати, яъни уларни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланадиган шахс томонидан «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланмайдиган шахсга сотишда товар учун амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нарх божхона қиймати ҳисобланади;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш мақсадлари учун товарларнинг «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб чиқилиши ёки товарларни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган шахслар фойдасига бегоналаштирилиши муносабати билан божхона томонидан божхона декларацияси қабул қилинган кун баҳоланаётган товарларнинг божхона чегарасидан ўтказилган санаси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товарлар келтирилган жой «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидан олиб чиқилган жой сифатида ёки товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқмасдан, товарларни «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланмайдиган шахсга сотишда «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди сифатида белгиланади.

### III. Яқуний қоидалар

27. «Навоий» ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиши тўхтатилган тақдирда унинг ҳудудида бўлган ишлаб чиқариш учун товарлар бошқа эркин зонага ўтказилади ёхуд «Навоий» ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиши тўхтатилган вақтдан бошлаб икки ой мобайнида бошқа божхона режимига ўтказилади.

28. Ушбу Низомнинг 27-бандида назарда тутилган муддат мобайнида кўрсатиб ўтилган товарлар божхона мақсадлари учун вақтинчалик сақлаш учун божхона режимида турган товарлар ҳисобланади.

29. Шахс «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда, шу жумладан инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилганлиги муносабати билан қатнашчи мақомидан маҳрум этилганда қатнашчига тегишли бўлган ишлаб чиқариш учун товарлар «Навоий» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчиси фойдасига бегоналаштирилади ёхуд «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига шахснинг «Навоий» ЭИИЗнинг қатнашчиси мақомидан маҳрум этилгани тўғрисидаги ёзув киритилган санадан бошлаб икки ой мобайнида бошқача божхона режимига ўтказилади.

30. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомини йўқотган шахс ўзининг мулки бўлган ишлаб чиқариш учун товарларни бегоналаштирамаганда ёхуд уларни бошқача божхона режимига жойлаштирамаганда ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган муддат ўтиб бўлгач божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 23 апрелдаги 120-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонаси  
ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навойй» ЭИИЗ деб аталади) ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёزلарни қўлланиш тартибини белгилайди.

Алоҳида солиқ режимининг амал қилиши «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан фақат «Навойй» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятга татбиқ этилади.

«Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навойй вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармонида мувофиқ «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари ер солиғи, мол-мулк солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

3. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми:

3 млн. евродан 10 млн. еврогача тенг (эквивалент) бўлганда — 7 йилга;

10 млн. евродан 30 млн. еврогача тенг (эквивалент) бўлганда — 10 йилга берилади. Кейинги 5 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

30 млн. евродан ортиқча тенг (эквивалент) бўлганда — 15 йилга берилади. Кейинги 10 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

«Тўғридан-тўғри инвестициялар» деганда мазкур Низом мақсадлари учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси кафолати тақдим этилмасдан амалга ошириладиган инвестициялар тушунилади.

## II. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўлланиш тартиби

4. «Навой» ЭИИЗ қатнашчиларига ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар тўғридан-тўғри инвестицияларнинг белгиланган ҳажмига:

а) ойнинг 15-кунигача эришилганда — ойнинг бошидан;

б) қолган бошқа ҳолларда — тўғридан-тўғри инвестицияларнинг белгиланган ҳажмига эришилган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб татбиқ этилади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати хўжалик юритувчи субъектлар «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритилган санадан бошлаб ҳисобланади.

«Навой» ЭИИЗ қатнашчиси томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми имтиёз қўлланадиган даражагача кўпайтирилганда имтиёзлар инвестициялар ҳажмига кўра имтиёзни қўлланиш ҳуқуқи юзага келган ойдан бошлаб қўлланади ҳамда имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугагунгача қолган даврда амал қилади.

5. Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми олдинги берилган муддатдан ортиқ бўлган муддатдаги даражагача кўпайтирилганда имтиёзлар инвестицияларнинг олдинги ҳажмига кўра имтиёзни қўлланиш ҳуқуқи юзага келган ойдан бошлаб қўлланади ҳамда имтиёзнинг муддати илгари амалда бўлган имтиёз муддати амал қилиши ҳисобга олинган ҳолда узайтирилади.

## III. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўлланиш тўғрисида хабардор қилиш тартиби

6. «Навой» ЭИИЗ дирекцияси ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан қўлланилиши учун солиқларни ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тўғридан-тўғри инвестициялар киритилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси гувоҳномасининг нусхаси;

б) киритилган инвестициялар ҳажми тўғрисида маълумотнома;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмасдан амалга оширилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома. Тасдиқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Навой» ЭИИЗ дирекциясидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига сўров тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида берилади.

7. Имтиёзли давр ошишига олиб келадиган инвестициялар ҳажми кўпайган тақдирда «Навой» ЭИИЗ дирекцияси тўғридан-тўғри инвестициялар қўшимча равишда киритилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида солиқларни ҳисобга олиш бўйича давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 6-банди «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

8. Давлат солиқ хизмати органлари тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин 3 иш куни мобайнида «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисига татбиқ этилиши ёки татбиқ этилмаслиги тўғрисидаги аниқ асослашлар билан бирга ёзма хулосани юборади ҳамда имтиёзлар татбиқ этиладиган «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисини, қатнашчининг номини ва имтиёзли давр муддатини кўрсатган ҳолда, «Навоий» ЭИИЗнинг имтиёзларга эга бўлган қатнашчилари реестрига киритади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ хизматининг қуйи органлари маълумотлари асосида «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларининг йиғма реестрини юритади ва уни ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

#### **IV. Бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш тартиби**

10. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг танлови бўйича амалга оширилади.

11. Молиявий ҳисобот «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

12. Имтиёзлар берилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа доир ҳисобот «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилмайди.

13. Солиқ мажбуриятлари мавжуд бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа доир ҳисобот «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

14. Имтиёзларга эга бўлган «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш билан бир вақтда ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

15. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ белгиланади.

#### **V. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан назоратни амалга ошириш тартиби**

16. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

17. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар тўғри қўлланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

«Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Солиқ даври

--	--	--	--

«Навой» ЭИИЗ

қатнашчисининг тўлиқ номи

---

Маълумотномани тақдим этиш муддати

--	--

--	--

--	--	--	--

(кун, ой, йил)

га тақдим этилади

(солиқларни ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навой вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармониға мувофиқ солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммаси тўғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА**

Тўлов номи	сўм Имтиёз суммаси
ЖАМИ	
шу жумладан:	
ер солиғи	
мол-мулк солиғи	
юримдик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	
ягона солиқ тўлови	
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	
бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар	

Солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар:	Ушбу маълумотнома
СТИР <input type="text"/>	(кераклиси «V» белгиси билан белгилансин)
Ф.И.Ш. _____	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> Электрон тарзда
Имзо _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> Электрон почта орқали
Бош бухгалтер	<input type="checkbox"/> _____ Варақда тақдим этилган
СТИР <input type="text"/>	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
Ф.И.Ш. _____	(кун/ой/йил)
Имзо _____	Ф.И.Ш. _____
Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	имзо _____
(кун/ой/йил)	

М.Ў.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****216 Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1944*

*(2009 йил 21 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда), «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 4-5-сон, 65-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 30 ноябрдаги 26/5-сонли «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2003 йил 27 март, рўйхат рақами 1227 — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 5-6-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 14 март,  
6/4-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2009 йил 14 мартдаги 6/4-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## **Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари РЕЖАСИ**

### **I. Ҳисобварақлар режасининг умумий тавсифи**

Мазкур Ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда), «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда) қонунларига мувофиқ кредит уюшмаларида амалга ошириладиган хўжалик, кредит, депозит ва бошқа операцияларни бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида бухгалтерия ҳисоби тамойиллари асосида акс эттириш тартибини белгилайди.

Кредит уюшмалари томонидан бухгалтерия ҳисоби, улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб, қайта ташкил этилгунча ёки тугатилгунга қадар, узлуксиз равишда юритилади.

Мазкур Ҳисобварақлар режасига барча кредит уюшмалари томонидан риоя этилиши мажбурийдир.

Ҳисобварақлар режаси кредит уюшмалари операциялари ҳисобини юриштиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган Бош бухгалтерия китоби ҳисобварақлари рўйхатидан иборатдир.

Кредит уюшмаларининг ҳозирги вақтда амалга оширилиши мумкин бўлган барча операциялари тури ушбу Ҳисобварақлар режасига киритилган. Кредит уюшмалари томонидан Ҳисобварақлар режаси фақат қонун ҳужжатлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари доирасидаги операцияларни акс эттириш учун фойдаланилиши керак.

Бош китобда баланс ҳисобварақларини кодлаштирилиш тизими қуйидаги бешта белгидан иборат схемаси бўйича қабул қилинган:

<b>C</b>	<b>MM</b>	<b>SS</b>
----------	-----------	-----------

<b>C</b>	<b>Ҳисобварақ тоифаси (бўлим)</b>
<b>1</b>	<b>Актив</b>
<b>2</b>	<b>Мажбуриятлар</b>
<b>3</b>	<b>Капитал</b>
<b>4</b>	<b>Даромадлар</b>
<b>5</b>	<b>Харажатлар</b>
<b>9</b>	<b>Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари</b>



MM	Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)
----	---

SS	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)
----	---

Ёрдамчи китобда шахсий ҳисобварақлар қуйидаги схема бўйича кодлаштирилади:



Ёрдамчи китобларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, кредит уюшмалари бошқармалари, шунингдек, операцияларни бошқариш мақсадида кредит уюшмалари менежменти (бошқариши) учун зарур бўлган муайян ахборотлар билан таъминловчи қўшимча маълумотлар киритилади.

Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақ учун у актив ёки пассив бўлиши, актив-пассив қолдиқларга эга бўлиши мумкин бўлган рухсат этилган айрим ҳисобварақлардан ташқари аниқ белгилаб қўйилган. Актив ҳисобварақларга «Активлар», «Харажатлар» ва «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари, пассив ҳисобварақларга «Мажбуриятлар», «Капитал» ва «Даромадлар» бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари тааллуқлидир.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида «Активлар» бўлимига контр-актив ҳисобварақлари киритилган.

«Кўзда тутилмаган ҳолатлар» бўлимига операцияларни икки ёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр-актив ҳисобварақлар киритилган.

Баъзи ҳисобварақлардан ташқари «Активлар» ликвидлилик, «Мажбуриятлар» эса муддатлилик тамойилларига мувофиқ таснифланган.

Ушбу Ҳисобварақлар режасида ҳар бир иккинчи тартибли баланс ҳисобварағи учун ҳисобварақ мақсади берилган бўлиб, унда ҳисобварақнинг дебити ва кредити бўйича қандай операцияларни акс эттириш ҳамда таҳлилий ҳисобни юритиш тартиби кўрсатилган. Батафсил таҳлилий ҳисоб юритиш учун кредит уюшмаларида шахсий ҳисобварақлардан ташқари ҳисоб ва реестрларнинг қўшимча журнали юритилиши мумкин.

«Даромадлар» ва «Харажатлар» бўлимлари учун таҳлилий ҳисоб кўрса-

тилмаган, чунки ушбу бўлимлардаги ҳисобварақлар кредит уюшмалари ички ҳисобварақлари ҳисобланиб, уларнинг ўзлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда тахлилий ҳисобни қандай юритишни белгилайдилар.

## II. Ҳисобварақлар рўйхати

Коди	Номи
<b>10000</b>	<b>АКТИВЛАР</b>
<b>10100</b>	<b>Кассадаги нақд пул маблағлари</b>
10101	— Кассадаги нақд пуллар
10109	— Йўлдаги нақд пуллар
<b>10500</b>	<b>Банкларда жойлаштирилган депозитлар ва бошқа маблағлар</b>
10503	— Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар
10507	— Банкларда жойлаштирилган муддатли депозитлар
10597	— Банкларда жойлаштирилган бошқа маблағлар
<b>10600</b>	<b>Кредит уюшмаларидаги омонатларни кафолатлаш ташкилотига жойлаштирилган маблағлар</b>
10601	— Кредит уюшмаларидаги омонатларни кафолатлаш ташкилотига жойлаштирилган маблағлар
<b>10700</b>	<b>Қимматли қоғозлар олди-сотдиси ҳисобварақлари</b>
10701	— Давлат қимматли қоғозлари
<b>12500</b>	<b>Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар</b>
12501	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12505	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли муддати ўтган кредитлар
12509	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12599	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>12600</b>	<b>Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар</b>
12601	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12605	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли муддати ўтган кредитлар
12609	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12699	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>12700</b>	<b>Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар</b>
12701	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар
12705	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган қисқа муддатли муддати ўтган кредитлар

Коди	Номи
12709	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
12799	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>14900</b>	<b>Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар</b>
14901	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар
14905	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли муддати ўтган кредитлар
14909	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
14999	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>15000</b>	<b>Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар</b>
15001	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15005	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли муддати ўтган кредитлар
15009	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
15099	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>15100</b>	<b>Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар</b>
15101	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар
15105	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган узоқ муддатли муддати ўтган кредитлар
15109	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
15199	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>15600</b>	<b>Кредит уюшмаси аъзоларига берилган лизинг</b>
15601	— Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг
15603	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган лизинг
15609	— Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг
15699	— Лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>15700</b>	<b>Суд жараёнидаги кредитлар ва лизинг</b>
15701	— Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган суд жараёнидаги кредитлар
15703	— Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган суд жараёнидаги кредитлар

Коди	Номи
15705	— Суд жараёнидаги лизинг
15799	— Суд жараёнидаги кредитлар ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>15900</b>	<b>Инвестициялар</b>
15901	— Давлат қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар
<b>16300</b>	<b>Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар</b>
16303	— Банклардаги депозитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16309	— Кредитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16311	— Давлат қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16323	— Лизинг бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16377	— Олиш учун ҳисобланган, бироқ шартнома муддатида тўланмаган фоизлар
16397	— Бошқа олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар (воситачилик ҳақи)
<b>16500</b>	<b>Кредит уюшмаси фаолиятида фойдаланиладиган асосий воситалар</b>
16501	— Ер
16505	— Тугалланмаган қурилиш
16509	— Бинолар ва бошқа қурилишлар
16511	— Бинолар ва бошқа қурилишларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16515	— Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш
16519	— Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16529	— Транспорт воситалари
16531	— Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16535	— Мебель, мослама ва жиҳозлар
16539	— Мебель, мослама ва жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16549	— Ижарага берилган асосий воситалар
16551	— Ижарага берилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16561	— Омбордаги асосий воситалар
16563	— Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
<b>16600</b>	<b>Номоддий активлар</b>
16601	— Номоддий активлар
16605	— Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16609	— Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар
16617	— Гудвилл
16699	— Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
<b>16700</b>	<b>Кредит уюшмасининг бошқа ўз хусусий мулклари</b>
16701	— Кредит ва лизинг бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобидан ундирилган мулк
16703	— Кредит ва лизинг бўйича бошқа мулк гарови ҳисобидан ундирилган мулк

## Коди

## Номи

16799 — Кўчмас мулк ва бошқа ўз хусусий мулки бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**19900 Бошқа активлар**

19901 — Майда харажатлар

19902 — Бош офис ва/ёки филиаллардан олинадиган маблағлар

19905 — Олинган кредитлар бўйича гаровга берилган мулк ва мулкый ҳуқуқлар

19908 — Кредит уюшмаси ходимлари билан ҳисоб-китобларда ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар

19909 — Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар

19911 — Олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

19913 — Аниқланиш жараёнидаги олиниши лозим бўлган бошқа активлар

19915 — Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар

19925 — Олдиндан тўланган харажатлар

19929 — Бошқа муддати узайтирилган харажатлар

19931 — Муддати узайтирилган даромад солиғи

19941 — Тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги депозитлар

19945 — Тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги депозитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

19997 — Бошқа активлар

**20000 МАЖБУРИЯТЛАР****20400 Жамғарма депозитлар**

20406 — Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари

20408 — Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларнинг жамғарма депозитлари

20418 — Кредит уюшмаси аъзолари — яқка тартибдаги тадбиркорларнинг жамғарма депозитлари

**20600 Муддатли депозитлар**

20606 — Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари

20608 — Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларнинг муддатли депозитлари

20618 — Кредит уюшмаси аъзолари — яқка тартибдаги тадбиркорларнинг муддатли депозитлари

**21600 Тўланиши лозим бўлган қисқа муддатли кредитлар**

21606 — Банкларга тўланиши лозим бўлган қисқа муддатли кредитлар

21696 — Тўланиши лозим бўлган бошқа қисқа муддатли кредитлар

**22000 Тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли кредитлар**

22006 — Банкларга тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли кредитлар

22096 — Тўланиши лозим бўлган бошқа узоқ муддатли кредитлар

**22100 Лизинг бўйича мажбуриятлар**

22102 — Банклар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар

Коди	Номи
22106	— Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар
<b>22400</b>	<b>Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар</b>
22403	— Жамғарма депозитлари бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
22405	— Муддатли депозитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
22408	— Лизинг бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
22410	— Кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
22496	— Бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизлар
<b>22500</b>	<b>Ҳисобланган солиқлар</b>
22502	— Даромаддан тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар
22504	— Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган бошқа солиқлар
22506	— Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар
22510	— Бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар
<b>22800</b>	<b>Муддати узайтирилган даромадлар</b>
22812	— Келгуси давр фоизли даромадлари
22896	— Бошқа муддати узайтирилган даромадлар
<b>29800</b>	<b>Бошқа мажбуриятлар</b>
29802	— Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар
29803	— Ходимлар билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар
29805	— Ижара бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар
29809	— Бош офис ва/ёки филиалларга тўланадиган маблағлар
29813	— Аниқланиш жараёнидаги тўланиши лозим бўлган бошқа мажбуриятлар
29822	— Тўланиши лозим бўлган дивидендлар
29896	— Бошқа мажбуриятлар
<b>30000</b>	<b>КАПИТАЛ</b>
<b>30300</b>	<b>Кредит уюшмасининг устав фонди</b>
30301	— Пай бадаллари
<b>30900</b>	<b>Захира капитали</b>
30903	— Захира фонди
30905	— Текинга олинган мулклар
30907	— Бошланғич қийматиға нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси
<b>31200</b>	<b>Тақсимланмаган фойда</b>
31203	— Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)
31206	— Соф фойда (зарар) (актив-пассив)
<b>40000</b>	<b>ДАРОМАДЛАР</b>
<b>40400</b>	<b>Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар</b>
40401	— Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар
**16509 Бинолар ва бошқа қурилишлар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг фаолияти ва тўлиқ иш юритиши учун зарур бўлган, унга тегишли бинолар, иншоотлар ва бошқа қурилишларнинг (хизмат бинолари, омбор, гараж, ошхона, ўқув маркази, ижтимоий инфратузилма объектларининг) қиймати ҳисоби юритилади. Мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлган алоҳида турган ҳар бир бино ёки қурилиш инвентар объекти ҳисобланади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** қурилган бино ва бошқа иншоотларнинг қиймати, қурилишга ҳақиқатда кетган харажатлардан келиб чиқиб ёки сотиб олинган бино ва иншоотлар қиймати тўланган ва қайтарилмайдиган солиқларни (йиғимларни) инobatга олиб, шунингдек, бино ва иншоотларни иш ҳолатига келтириш билан боғлиқ етказиб бериш, монтаж, ўрнатиш ва эксплуатацияга топшириш бўйича чиқимлар ва бошқа чиқимлар қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** (реализация, ҳисобдан чиқариш, алмаштириш, тўлиқ эскириш, беғараз ёрдам сифатида бериш ва бошқалар натижасида) ҳисобдан чиқарилган бино ва қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир бино ва иншоот бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16511 Бинолар ва бошқа қурилишларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда бино ва бошқа қурилишларнинг йиғилган эскириш суммаси ҳисоби юритилади. Эскириш қонун ҳужжатларида белгиланган эскириш меъёрлари ва эскиришни ҳисоблаш қўлланмасига асосан ҳар ой ҳисобланади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредит уюшмасига тегишли бўлган бино ва бошқа қурилишларнинг йиғилган эскириш суммаси акс эттирилади.

## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг дебетида** ҳисобдан чиқарилган бино ва бошқа қурилишларнинг йиғилган эскириш суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир бино (иншоот) бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси томонидан узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг (бино, ер, транспорт ва бошқаларнинг) ва ижара бўйича фойдаланилаётган ижара мулкни такомиллаштириш харажатлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ижарага олинган объектларнинг ижарага олиш ҳуқуқи билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати, шунингдек, ижарага олинган объектларни реконструкциялаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ қиймати ва қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара муддати тугагач ёки ижара ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда ижарага берувчига қайтарилган ёки асосий воситаларнинг ижара муддати тугагандан кейин кредит уюшмаси томонидан сотиб олинган ва сотилган ва/ёки қайта таснифланган ижарага олинган мулкни такомиллаштириш билан боғлиқ қиймати ва қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ижарага олинган объект бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси томонидан ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг (бино, ер, транспорт ва бошқаларнинг) йиғилган эскириш ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредит уюшмаси томонидан ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ижарага берувчига қайтарилган ёки ижара шартномаси муддати тугагандан кейин кредит уюшмасининг асосий воситаларнинг тегишли эскириш ҳисобварақига ўтказилган асосий воситалар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ижарага олинган объект бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16529 Транспорт воситалари**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси транспорт воситаларининг (автомашина, юк машиналари ва бошқа ҳаракатланувчи воситаларнинг) қиймати ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** транспорт воситаларининг уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги қиймати, шунингдек, транспорт воситалари қийматининг ўсиш баҳоси акс эттирилади.

## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг кредитида** транспорт воситаларининг реализация, тўлиқ эскириш, текинга бериш ва бошқалар натижасида ҳисобдан чиқарилган қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир транспорт воситаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16531 Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси транспорт воситаларининг (автомашина, юк машиналари ва бошқа ҳаракатланувчи воситаларнинг) йиғилган эскириш суммаси ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** транспорт воситаларининг эскиришини баҳолаш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** транспорт воситаларининг реализация, тўлиқ эскириш, текинга бериш ва бошқалар натижасида ҳисобдан чиқарилган қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир транспорт воситаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16535 Мебель, мослама ва жиҳозлар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси фаолияти учун сотиб олинган, офис ва бошқа жиҳозлашлар учун зарур бўлган мебеллар, компьютерлар, мосламаларнинг қиймати ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** мебель, мослама ва жиҳозларни сотиб олиш, олиб келиш, ўрнатиш ва фойдаланиш муддатини узайтириш мақсадида қилинган йирик таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати, шунингдек, улар қийматининг ўсиш баҳоси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** реализация, алмаштириш, тўлиқ эскириш, текинга бериш ва бошқалар натижасида ҳисобдан чиқарилган мебель, мослама ва жиҳозларнинг қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16539 Мебель, мослама ва жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси мебеллари, компьютерлари ва мосламаларининг йиғилган эскириш суммаси ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** мебель, мослама ва жиҳозларнинг эскириш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** реализация, алмаштириш, тўлиқ эскириш, текинга бериш ва бошқалар натижасида мебель, мослама ва жиҳозларнинг ҳисобдан чиқарилган эскириш суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16549 Ижарага берилган асосий воситалар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг асосий фаолиятида фойдаланилмайдиган, балки қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага олувчига фойдаланишга берилган асосий воситалар (ёки уларнинг қисми) ҳисоби юритилади.

## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг дебетида** ижарага берилган асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ижара муддати тугаши ёки ижара шартномаси бекор қилиниши натижасида қайтарилган асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ижарага берилган ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16551 Ижарага берилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг асосий фаолиятида фойдаланилмайдиган, балки қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага олувчига фойдаланишга берилган асосий воситалар (ёки улар қисми)нинг йиғилган эскириш ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ижарага берилган асосий воситаларнинг эскиришни баҳолаш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ижара муддати тугаши ёки ижара шартномаси бекор қилиниши натижасида қайтарилган асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ижарага берилган ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16561 Омбордаги асосий воситалар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси томонидан сотиб олинган ва омборда эксплуатацияга киритилгунга қадар ҳамда эксплуатациядан чиқарилгандан кейин сақланадиган асосий воситаларнинг қиймати ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** сотиб олинган ва омборда сақланадиган асосий воситалар деб акс эттириладиган асосий воситаларнинг қиймати ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** эксплуатацияга киритилган ёки ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг қиймати ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир асосий восита тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16563 Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш ва уларнинг қадрсизланиши натижасида йиғилган зарарлар суммаси ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** омборда сақланадиган асосий воситаларнинг эскириш қиймати ва қадрсизланиши натижасида вужудга келган зарар ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** эксплуатацияга бериладиган, сотиш ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқаришдаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқариш ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** омбордаги асосий воситалар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Коди

Номи

**16600 НОМОДДИЙ АКТИВЛАР****16601 Номоддий активлар**

Ушбу ҳисобварақда дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи ва патент каби номоддий активларнинг қиймати ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетид**а номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати, шунингдек, эксплуатацияга тайёр номоддий активларнинг қиймати ва қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитид**а сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг қиймати, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16605 Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда номоддий активларнинг йиғилиш эскириш суммаси ва қадрсизланиш натижасида йиғилган зарарлар ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетид**а сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг йиғилган эскириш ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитид**а номоддий активларнинг амортизация суммаси, қадрсизланиш натижасида кўрилган зарарлар, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16609 Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар**

Ушбу ҳисобварақда эксплуатацияга тайёр бўлмаган, ўрнатиш ва/ёки яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича харажатлар ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетид**а эксплуатацияга тайёр бўлмаган номоддий активларнинг ўрнатиш ва/ёки яратиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитид**а эксплуатацияга берилаётган, сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг қиймати, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16617 Гудвилл**

Ушбу ҳисобварақда хўжалик субъектларининг қўшилиши ёки қўшиб олиниши натижасида вужудга келувчи гудвилл ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетид**а хўжалик субъектларининг қўшилиш ёки қўшиб олиниши натижасида сотиб олинган соф активларининг харид қилиш баҳосини уларнинг ҳақиқий баҳосидан ошиқ суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитид**а гудвиллнинг қадрсизланиши ва/ёки ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

## Коди

## Номи

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ҳўжалик субъекти бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16699 Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**  
Ушбу ҳисобварақда ўрнатиш ва/ёки яратиш жараёнидаги номоддий активлар қадрсизланиши бўйича зарарларни қоплаш захираси ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** эксплуатацияга берилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг қадрсизланиши бўйича зарарларни ҳисобдан чиқариш ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** қадрсизланиш натижасида вужудга келган зарарлар ва қайта баҳолаш бўйича киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16700 КРЕДИТ УЮШМАСИНИНГ БОШҚА ЎЗ ХУСУСИЙ МУЛКЛАРИ**

**16701 Кредит ва лизинг бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобидан ундирилган мулк**

Ушбу ҳисобварақда ижара ҳуқуқини инобатга олган ҳолда кредит уюшмасининг асосий фаолиятида фойдаланилмайдиган кўчмас мулк ҳамда қарздор томонидан кредит уюшмаси олдидаги қарзини тўлиқ ёки қисман тўлаш, ўтказиб юбориш йўли ёки бошқа усуллар билан олинган кўчмас мулк ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** олинган кўчмас мулкдан қопланадиган активнинг тўлиқ қийматидан ҳамда келгуси сотиш харажатларига камайтирилган кўчмас мулкнинг бозор қийматидан энг ками акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** сотиш, алмаштириш, текинга бериш, ҳисобдан чиқариш ва бошқалар натижасида ҳисобдан чиқарилган кўчмас мулкнинг қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кўчмас мулк бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16703 Кредит ва лизинг бўйича бошқа мулк гарови ҳисобидан ундирилган мулк**

Ушбу ҳисобварақда ижара ҳуқуқини инобатга олган ҳолда кредит уюшмасининг асосий фаолиятида фойдаланилмайдиган бошқа мулк ҳамда қарздор томонидан кредит уюшмаси олдидаги қарзини тўлиқ ёки қисман тўлаш, ўтказиб юбориш йўли ёки бошқа усуллар билан олинган бошқа мулк ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** олинган мулкдан қопланадиган активнинг тўлиқ қийматидан ҳамда келгуси сотиш харажатларига камайтирилган мулкнинг бозор қийматидан энг ками акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** сотиш, алмаштириш, текинга бериш, ҳисобдан чиқариш ва бошқалар натижасида ҳисобдан чиқарилган бошқа мулкнинг қиймати акс эттирилади.

## Коди

## Номи

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир бошқа мулк бўйича алоҳида шахсий ҳисоб-варақларда олиб борилади.

**16799 Кўчмас мулк ва бошқа ўз хусусий мулки бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда кейинчалик қайта баҳолаш натижасида мулк қийматининг бозор қийматига нисбатан тушиб кетиши оқибатида кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ташкил этилган захира суммаси ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** захиранинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** мулкнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19900 БОШҚА АКТИВЛАР**

**19901 Майда харажатлар**

Ушбу ҳисобварақда ўрнатилган тартибда майда харажатлар учун берилган ҳисобдорлик суммалари ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** майда харажатлар учун берилган ҳисобдорлик суммалари акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** фойдаланилмаган маблағларнинг қайтарилиши, шунингдек, ҳисобдорликдаги суммаларнинг қопланиши акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ҳисобдор шахс бўйича алоҳида шахсий ҳисоб-варақларда олиб борилади.

**19902 Бош офис ва/ёки филиаллардан олинган маблағлар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаларининг бош офиси ва филиаллари ўртасида ёки бир кредит уюшмаси филиаллари ўртасида бўладиган операцияларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 29809 — «Бош офис ва/ёки филиалларга тўланадиган маблағлар» ҳисобварағи ўзаро мос ҳисобварақдир. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланма балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

**Ҳисобварақнинг дебитида** бош офис ва/ёки филиалларга берилган маблағлар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** бош офис ва/ёки филиалларга тўланган қарзлар, нотўғри ўтказилиш натижасида қайтарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** бош офис ва/ёки филиаллар билан ҳисоб-китоблар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

**19905 Олинган кредитлар бўйича гаровга берилган мулк ва мулкий ҳуқуқлар**

Ушбу ҳисобварақда олинган кредит бўйича гаровга берилган мулклар ва мулкий ҳуқуқлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** олинган кредитлар таъминотида кредит уюшмаси томонидан йўналтирилган мулклар ва мулкий ҳуқуқлар қиймати акс эттирилади.



## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредит қайтарилмаган вақтда кредитор томонидан фойдаланилган сумма, шунингдек, кредитлар қайтаришда ва шартнома муддати тугаганидаги мулк суммаси акс эттирилади.

**19908 Кредит уюшмаси ходимлари билан ҳисоб-китобларда ундириб олинган лозим бўлган маблағлар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси ходимларига хизмат сафари харажатлари учун аванслар, ортиқча ҳисобланган иш ҳақи ёки мукофот (бадал) тариқасида тўланган маблағ, шунингдек, жавобгар шахс томонидан етказилган зарар ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** кредит уюшмаси ходимларига ҳисобланган ва тўланган суммалар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган ва тўланган суммаларни қоплаш акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредит уюшмаси ходими учун алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19909 Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар**

Ушбу ҳисобварақда товар-моддий қимматликлар, яъни асосий воситалар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар учун ва бошқа товар-моддий қимматликлар учун ўтказиладиган маблағлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** товар-моддий қимматликлар учун ўтказилган маблағлар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** товар-моддий қимматликлар кирим қилинганда суммалар тўланади ёки ҳисобдан чиқарилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19911 Олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси томонидан ҳали ундириб олинмаган, олинган лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси суммаси ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** захиранинг камайиш суммаси ва/ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир дебитор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19913 Аниқланиш жараёнидаги олинган лозим бўлган бошқа активлар**

Ушбу ҳисобварақда бирор-бир сабабларга (тегишли ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги, реквизитлари нотўғри кўрсатилганда, қўшимча ўрганиш талаб қиладиган операциялар ва шу каби бошқа ҳолларда) кўра белгиланган мақсади бўйича тегишли ҳисобварақларда ҳисобга олинган ёки ҳисобдан чиқарилиши мумкин бўлмаган операциялар ҳисобга олинади. Аниқланиш жараёнида ҳисобварақдаги маблағлар мақсади бўйича ҳисобдан чиқарилиши ёки қайтарилиши талаб қилиниши лозим бўлган ўрнатилган муддат давомидагина қолдирилиши мумкин.

## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг дебетиди** маблағлар келиб тушган вақтда тегишли ҳисобварақда ҳисобга олинishi мумкин бўлмаган сумма акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** белгиланган мақсади бўйича ҳисобдан чиқарилган ёки кредит уюшмасига қайтариб юборилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

**19915 Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар**

Ушбу ҳисобварақда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа қимматликлар, шунингдек, кредит уюшмасининг биноси ва бошқа иншоотларини таъмирлаши учун мўлжалланган материаллар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** сотиб олинган ва омборга кирим қилинган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** ҳисобдан чиқарилган ва фойдаланишга берилган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19925 Олдиндан тўланган харажатлар**

Ушбу ҳисобварақда жорий ҳисобот даврида қилинган, лекин келажакдаги ҳисобот даврига тегишли харажатларнинг (даврий нашрга йиллик обуна, суғурта суммалари, ижара ва тўловларни олдиндан амалга оширишнинг) суммалари ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** олдиндан тўланган келгуси давр ҳисоботларига тегишли харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** харажатлар амалга оширилган даврга тегишли бўлган, кредит уюшмасининг жорий харажатларига ўтказилган ҳақиқий харажатларни қоплаш суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** харажатлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19929 Бошқа муддати узайтирилган харажатлар**

Ушбу ҳисобварақда жорий даврда олдиндан тўланган, лекин келгуси (1 йилдан ортиқ) (муддат шартнома бўйича белгиланади) давр харажатлари ҳисобланадиган ва қабул қилинадиган харажатлар ҳисобга олинади. Бунга ижара бўйича бўнак тўловлари, нашрларга обуна тўловлари ҳамда мулк суғуртаси тўловлари ва ҳ. к. киради.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** кредит уюшмасининг олдиндан тўланган келгуси давр харажатлари суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** олдиндан тўланган маблағларнинг харажатлар ҳисобварақларига дебетлаш орқали амортизация қилинган қисмининг суммаси, шунингдек, уларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** харажатлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

## Коди

## Номи

**19931 Муддати узайтирилган даромад солиғи**

Ушбу ҳисобварақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган ва молиявий фойда ўртасидаги даврий фарқлар, шунингдек, бўнак ҳисобидан тўланган бошқа солиқлар, йиғимлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказмалар суммаси натижасида юзага келадиган муддати узайтирилган даромад солиғининг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** келгуси давр ҳисобига тўланган фойдадан солиқ, шунингдек, бўнак ҳисобидан тўланган бошқа солиқлар, йиғимлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказмалар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** муддати узайтирилган харажатларнинг мос суммасига тўланиши лозим бўлган солиқни камайиши акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кассир бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19941 Тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги депозитлар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг тугатилган ёки тугатилиш арафасида бўлган банклардаги (бошқа кредит ташкилотларидаги) маблағлари ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** тугатилган ёки тугатилиш арафасида бўлган банклардаги (бошқа кредит ташкилотларидаги) депозитлар ва бошқа ҳисобварақлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** тугатилган ёки тугатилиш арафасида бўлган банклардаги (бошқа кредит ташкилотларидаги) маблағларни қоплаш учун кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси ҳисобварақидан келиб тушган ёки бошқа активлар ҳисобидан қопланган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир банк ёки кредит ташкилоти бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19945 Тугатилган ва тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги депозитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**

Ушбу ҳисобварақда тугатилган ва тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги (бошқа кредит ташкилотларидаги) кредит уюшмасининг депозитлари ва бошқа ҳисобварақлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** захиранинг бекор қилинган ва/ёки камайиш суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир банк ёки кредит ташкилоти бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19997 Бошқа активлар**

Ушбу ҳисобварақда юқорида келтирилган тоифаларга тўғри келмайдиган кредит уюшмасининг барча бошқа активлари акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** кредит уюшмасининг бошқа активлари суммаси акс эттирилади.

## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг кредитида** қайтариш натижасида ҳисобдан чиқарилган, сотилган ёки қайта таснифланган бошқа активларнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** активлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**20000 МАЖБУРИЯТЛАР****20400 ЖАМҒАРМА ДЕПОЗИТЛАР****20406 Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари**

Ушбу ҳисобварақда жисмоний шахсларнинг маълум бир мақсад учун фоизлар ҳисобланиши билан шаклланган маблағлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** жисмоний шахсларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлари акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** жисмоний шахсларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлари суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир омонатчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**20408 Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларнинг жамғарма депозитлари**

Ушбу ҳисобварақда юридик шахсларнинг маълум бир мақсад учун фоизлар ҳисобланиши билан шаклланган маблағлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** юридик шахсларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлари акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** юридик шахсларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлари суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир омонатчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**20418 Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларнинг жамғарма депозитлари**

Ушбу ҳисобварақда якка тартибдаги тадбиркорларнинг маълум бир мақсад учун фоизлар ҳисобланиши билан шаклланган маблағлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** якка тартибдаги тадбиркорларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлари акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** якка тартибдаги тадбиркорларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлари суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир омонатчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Коди	Номи
<b>20600</b>	<b>МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТЛАР</b>
<b>20606</b>	<p><b>Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари</b></p> <p>Ушбу ҳисобварақда жисмоний шахсларнинг қатъий белгиланган муддатга фоизлар ҳисобланиш шарти билан қўйилган маблағлари ҳисоби олиб борилади.</p> <p><b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> жисмоний шахсларнинг муддатли депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлари акс эттирилади.</p> <p><b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> жисмоний шахсларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқариладиган маблағлар акс эттирилади.</p> <p><b>Таҳлилий ҳисоб</b> ҳар бир омонатчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
<b>20608</b>	<p><b>Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларнинг муддатли депозитлари</b></p> <p>Ушбу ҳисобварақда юридик шахсларнинг қатъий ўрнатилган муддатга фоизлар ҳисобланиши билан шаклланган маблағлари ҳисоби олиб борилади.</p> <p><b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> юридик шахсларнинг муддатли депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлар акс эттирилади.</p> <p><b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> юридик шахсларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқариладиган маблағлар акс эттирилади.</p> <p><b>Таҳлилий ҳисоб</b> ҳар бир омонатчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
<b>20618</b>	<p><b>Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларнинг муддатли депозитлари</b></p> <p>Ушбу ҳисобварақда якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган муддатга фоизлар ҳисобланиш шарти билан қўйилган маблағлари ҳисоби олиб борилади.</p> <p><b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> якка тартибдаги тадбиркорларнинг муддатли депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлари акс эттирилади.</p> <p><b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> якка тартибдаги тадбиркорларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлари суммаси акс эттирилади.</p> <p><b>Таҳлилий ҳисоб</b> ҳар бир омонатчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
<b>21600</b>	<b>ТўЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР</b>
<b>21606</b>	<p><b>Банкларга тўланиши лозим бўлган қисқа муддатли кредитлар</b></p> <p>Ушбу ҳисобварақда банклардан олинган санасидан 12 ойгача бўлган муддатдаги кредитларнинг (моҳияти бўйича кредитлар бўлган молиявий лизинг ва бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.</p> <p><b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> олинган кредитларнинг (моҳияти бўйича кредитлар бўлган молиявий лизинг ва бошқа операцияларнинг) суммаси акс эттирилади.</p> <p><b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> тўланган кредитлар суммаси акс эттирилади.</p>

## Коди

## Номи

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**21696 Бошқаларга тўланиши лозим бўлган бошқа қисқа муддатли кредитлар**  
Ушбу ҳисобварақда бошқа кредиторлардан (банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари) олинган санасидан 12 ойгача бўлган муддатдаги кредитларнинг (моҳияти бўйича кредитлар бўлган молиявий лизинг ва бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22000 ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР**

**22006 Банкларга тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли кредитлар**  
Ушбу ҳисобварақда банклардан олинган санасидан 1 йилдан ортиқ муддатгача бўлган кредит (моҳияти бўйича кредитлар бўлган молиявий лизинг ва бошқа операция)ларнинг ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақлар бўйича олиб борилади.

**22096 Тўланиши лозим бўлган бошқа узоқ муддатли кредитлар**  
Ушбу ҳисобварақда бошқа кредиторлардан (банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари) олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатгача бўлган кредитларнинг (моҳияти бўйича кредитлар бўлган молиявий лизинг ва бошқа операцияларнинг) ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган кредитлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномалари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22100 ЛИЗИНГ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР**

**22102 Банклар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар**

**22106 Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар**  
Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.  
Ушбу ҳисобварақларда лизинг бўйича банклар ва бошқа лизинг берувчилар олдидаги мажбуриятлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** лизингга берилган мулкнинг ҳақиқий қиймати билан минимал лизинг тўловларининг қайси бирининг қиймати кичик бўлса, ўша сумма акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** лизинг тўловлари жадвали бўйича мажбуриятларнинг камайган суммаси ҳисоби юритилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир мижоз бўйича шартномаларга қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Коди

Номи

- 22400 ТўЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР**
- 22403 Жамғарма депозитлари бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**  
Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг жамғарма депозитлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.  
**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.  
**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.  
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир аъзо бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақлари бўйича олиб борилади.
- 22405 Муддатли депозитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**  
Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг муддатли депозитлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.  
**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.  
**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.  
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир аъзо бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақлари бўйича олиб борилади.
- 22408 Лизинг бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**  
Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг лизинг бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисоби олиб борилади.  
**Ҳисобварақнинг кредитида** лизинг тўловлари жадвали бўйича ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.  
**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.  
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир лизинг берувчи бўйича шартномалар кесимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
- 22410 Кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**  
Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг кредит мажбуриятлари (моҳияти бўйича кредитлар бўлган молиявий лизинг ва бошқа операциялар) бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.  
**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.  
**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси акс эттирилади.  
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномалари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
- 22496 Бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизлар**  
Ушбу ҳисобварақда юқорида кўрсатилган туркум таснифларга мос тушмайдиган мажбуриятлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси ҳисобдан чиқарилади.

**Таҳлилий ҳисоб** мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22500 ҲИСОБЛАНГАН СОЛИҚЛАР****22502 Даромаддан тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар**

Ушбу ҳисобварақда ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган даромад солиқларининг (қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда даромад, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш, солиқларнинг) ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган даромад солиқлари суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган даромад солиқлари суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган даромад солиқлари суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** солиқларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22504 Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган бошқа солиқлар**

Ушбу ҳисобварақда ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган солиқлар (даромад солигидан ташқарилар) ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредит уюшмасининг солиқлар бўйича ҳисобланган суммалар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** тўланган солиқлар суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган солиқларни қайтариш суммалари акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** солиқлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22506 Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар**

Ушбу ҳисобварақда қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит уюшмасининг ходимларидан ушлаб қолинган ва бюджет даромадига ўтказиладиган солиқлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредит уюшмаси томонидан ушлаб қолинган солиқлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебитида** бюджетга ўтказилган солиқлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22510 Бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар**

Ушбу ҳисобварақда қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловга, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерациясига ва бошқа жамғармаларга ўтказиладиган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ягона ижтимоий тўловга, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва бошқа жамғармаларга ўтказиладиган маблағлар суммаси акс эттирилади.



## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг дебетид**а ягона ижтимоий тўловга, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва бошқа жамғармаларга ўтказилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир жамғарма ва тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22800 МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ДАРОМАДЛАР****22812 Келгуси давр фоизли даромадлари**

Ушбу ҳисобварақда олдиндан олинган ва уларнинг амалда ишлаб топилганлигига қараб даромадга ўтказилган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитид**а олдиндан олинган фоизлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетид**а ишлаб топилган фоизлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** даромадлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22896 Бошқа муддати узайтирилган даромадлар**

Ушбу ҳисобварақда муддати узайтирилган бошқа даромадлар (фоизли даромаддан ташқари), ижара ҳамда бошқа фоизсиз операциялар бўйича бўнак сифатида олинган пул маблағлари ҳисоби юритилиб, улар мажбурият деб тан олинади ва ҳақиқатда хизмат кўрсатилишига қадар кредит уюшмасининг даромади сифатида акс эттирилиши мумкин эмас.

**Ҳисобварақнинг кредитид**а бўнак сифатида олинган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетид**а ҳисобдан чиқарилиб, кредит уюшмасининг даромадига олинган ишлаб топилган даромад суммалари акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** даромад турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**29800 БОШҚА МАЖБУРИЯТЛАР****29802 Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар**

Ушбу ҳисобварақда олинган товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар (электр, сув, газ ва бошқалар) учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитид**а олинган товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетид**а товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**29803 Ходимлар билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси ходимларига иш ҳақи, пенсия, алимент, болалар ёрдам пули, моддий ёрдам, банд қилинган иш ҳақи, бошқа

## Коди

## Номи

мукофотлар ёки бадаллар бериш учун ҳисобланган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** тўланиши лозим бўлган ҳисобланган маблағлар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** берилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳисоблар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**29805 Ижара бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар**

Ушбу ҳисобварақда лизингга (молиявий ижарага) тушмайдиган ижара бўйича ҳисобланган мажбурият ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ижара бўйича тўлаш учун ҳисобланган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** ижара бўйича тўлаш учун ҳисобланган сумманинг тўланган ёки ҳисобдан чиқарилган суммалари акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ижара берувчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**29809 Бош офис ва/ёки филиалларга тўланадиган маблағлар**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаларининг бош офиси ва/ёки филиаллари ўртасида ёки бир кредит уюшмаси филиаллари ўртасидаги операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ 19902 — «Бош офис ва/ёки филиаллардан олинадиган маблағлар» ҳисобварағи учун ўзаро боғлиқ ҳисобварақ ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланма балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

**Ҳисобварақнинг кредитида** бош офис ва/ёки филиалларга тўланиши лозим бўлган маблағлар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** бош офис ва/ёки филиаллардан келиб тушган молиявий ёрдам суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** бош офис ва/ёки филиаллар билан бўладиган ҳисобкитоблар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**29813 Аниқланиш жараёнидаги тўланиши лозим бўлган бошқа мажбуриятлар**

Ушбу ҳисобварақда бирор-бир сабабларга кўра (тегишли ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги, реквизитлари нотўғри кўрсатилганда, қўшимча ўрганиш талаб қиладиган операциялар ва шу каби бошқа ҳолларда) белгиланган мақсади бўйича тегишли ҳисобварақларда ҳисобга олинishi ёки ҳисобдан чиқарилиши мумкин бўлмаган операциялар ҳисобга олинади. Аниқланиш жараёнида ҳисобварақдаги маблағлар мақсади бўйича ҳисобдан чиқарилиши ёки қайтарилиши лозим бўлган ўрнатилган муддат давомидагина қолдирилиши мумкин.

**Ҳисобварақнинг кредитида** маблағлар келиб тушган вақтда тегишли ҳисобварақда ҳисобга олинishi мумкин бўлмаган сумма акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** белгиланган мақсади бўйича ҳисобга олинган ёки қайтариб юборилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

Коди	Номи
<b>29822</b>	<b>Тўланиши лозим бўлган дивидендлар</b> Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси томонидан эълон қилинган, лекин ҳали тўланмаган дивидендларнинг ҳисоби олиб борилади. <b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> тўланиши лозим бўлган ҳисобланган дивидендларнинг суммаси акс эттирилади. <b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> кредит уюшмаси томонидан тўланган дивидендларнинг суммаси акс эттирилади. <b>Таҳлилий ҳисоб</b> акциялар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
<b>29896</b>	<b>Бошқа мажбуриятлар</b> Ушбу ҳисобварақда юқорида кўрсатилган туркум таснифларга мос тушмайдиган операциялар ҳисоби олиб борилади. <b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> маблағлар келиб тушиши акс эттирилади. <b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> маблағларни ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. <b>Таҳлилий ҳисоб</b> операциялар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
<b>30000</b>	<b>КАПИТАЛ</b>
<b>30300</b>	<b>КРЕДИТ УЮШМАСИНИНГ УСТАВ ФОНДИ</b>
<b>30301</b>	<b>Пай бадаллари</b> Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг устав фонддини ташкил этувчи кредит уюшмаси аъзоларининг пай бадаллари ҳисоби олиб борилади. <b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> кредит уюшмаси аъзоларидан олинган пай бадаллари суммаси акс эттирилади. <b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> кредит уюшмаси аъзолари кредит уюшмасидан чиққан тақдирда пай бадалининг қайтарилган суммаси акс эттирилади. <b>Таҳлилий ҳисоб</b> барча аъзолар бўйича алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
<b>30900</b>	<b>ЗАХИРА КАПИТАЛИ</b>
<b>30903</b>	<b>Захира фонди</b> Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси Уставига мувофиқ фойда ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисоби юритилади. Ушбу захиранинг мақсади кредит уюшмасини операцион зарарлар ҳисобидан капиталнинг камайишини ҳимоялаш. <b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> йил якунидаги фойдадан захира фондига ўтказилган маблағлар акс эттирилади. <b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> кредит уюшмасини тугатишда захира фондидан маблағларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. <b>Таҳлилий ҳисоб</b> битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.
<b>30905</b>	<b>Текинга олинган мулклар</b> Ушбу ҳисобварақда бошқа шахслардан кредит уюшмаси мулкига текинга олинган мулклар қиймати ҳисоби юритилади. <b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> текинга олинган мулклар қиймати акс эттирилади.

## Коди

## Номи

**Ҳисобварақнинг дебетида** бошқа шахсларга текинга (илгари текинга олинган) берилган мулклар натижасида зарарни қоплашга йўналтирилган сумма, шунингдек, ўрнатилган тартибга мувофиқ активлардан фойдаланиш меъёрига қараб, тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

**30907 Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси**  
Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмаси асосий воситаларининг бозор қиймати ўсиши натижасида бошланғич қийматига нисбатан бўлган қўшимча қиймат ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредит уюшмаси асосий воситаларининг бошланғич қийматига нисбатан бўлган қўшимча қиймат баҳоси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** мол-мулк сотилганда ёки алмаштирилганда баҳоланган қўшимча қиймат, шунингдек, кредит уюшмаси биноси қийматининг бошланғич қийматига нисбатан пасайиб кетиши, ўрнатилган тартибга мувофиқ қайта баҳоланган асосий воситалардан фойдаланишга қараб, тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**31200 ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА**

**31203 Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)**

Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг ўтган молиявий йиллар фаолияти натижасида олган тақсимланмаган фойданинг (зарарнинг) ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредит уюшмасининг тақсимланмаган фойдаси суммаси, шунингдек, ўрнатилган тартибга мувофиқ тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ҳар хил жамғармалар учун ажратмалар, ҳисобланган дивидендлар, кредит уюшмасининг зарарлари, шунингдек, кредит уюшмаси аъзоларининг қарори бўйича кредит уюшмасининг устав фондига қайта инвестиция қилинган суммалар акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

**31206 Соф фойда (зарар) (актив-пассив)**

Ушбу ҳисобварақда молиявий ҳисобот йилида кредит уюшмаси молиявий фаолиятининг натижасида олинган соф фойданинг (зарарларнинг) суммаси ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобот йилида кредит уюшмаси томонидан олинган фойда, 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказилган зарарлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ҳисобот йилида кредит уюшмаси томонидан кўрилган зарарлар, 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказилган фойдалар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** соф фойда ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Коди	Номи
40000	<b>ДАРОМАДЛАР</b>
40400	<b>БАНКЛАРДАГИ ДЕПОЗИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>
40401	<p><b>Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар</b>  Ушбу ҳисобварақда кредит уюшмасининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.  <b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> келиб тушган даромад суммаси, шунингдек, банклардан олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.  <b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> нотўғри ҳисобланган ва олинган фоизларни қайтариш, шунингдек, молиявий ҳисобот йилининг охирида молиявий натижа сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ёпиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.</p>
40600	<b>ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ОЛДИ-СОТДИСИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>
40601	<p><b>Давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар</b>  Ушбу ҳисобварақда давлат қимматли қоғозлари олди-сотдиси ҳисобварақлари бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.  <b>Ҳисобварақнинг кредитида</b> келиб тушган даромад суммаси, дисконт амортизацияси, шунингдек, давлат қимматли қоғозлари олди-сотдиси ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.  <b>Ҳисобварақнинг дебитида</b> нотўғри олинган ёки ҳисобланган фоизларни қайтариш, мукофотнинг амортизацияси, шунингдек, молиявий ҳисобот йилининг охирида молиявий натижа — 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ёпиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.</p>
42000	<b>КРЕДИТ УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ — ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>
42001	Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42005	Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42009	Кредит уюшмаси аъзолари — жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42100	<b>КРЕДИТ УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ — ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>
42101	Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар

Коди	Номи
42105	Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42109	Кредит уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42200	<b>КРЕДИТ УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ — ЮРИДИК ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>
42201	Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42205	Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган қисқа муддатли муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42209	Кредит уюшмаси аъзолари — юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўрилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар
		задолженность по продукции, отгруженной (полученной) без предоплаты по решениям Правительства				сумма перечисленных авансовых платежей, по которым предусмотрена отгрузка сырья и материалов из государственных ресурсов и фондов		задолженность, отсроченная по решениям Правительства		сумма задолженности, по которой в соответствии с законодательством идет процесс судебного разбирательства по предъявленным искам или вынесено решение хозяйственного суда о ее взыскании с должников	
		жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная
2		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
<b>ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ / ДЕБИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ</b>											
1.	Дебиторлар, жами Дебиторы, всего										
2.	Республика ичидаги қарзлар, жами Задолженность внутри респуб- лики, всего										
2.1.	шу жумладан дебиторлар номи бў- йича в том числе по наименованиям дебиторов										
2.2.	Ички идоравий қарзлар, жами Внутриведомственная задолжен- ность, всего										
2.2.1.	шу жумладан дебиторлар номи бў- йича в том числе по наименованиям де- биторов										
3.	Республикадан ташқаридаги қарзлар, жами Задолженность за пределами респ- ублики, всего										

№	Дитор ва кредиторлар рўйхати  Перечень дебиторов и кредиторов	Умумий қарз		Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган қарзлар Задолженность, образовавшаяся по причинам, не зависящим от предприятия									
		Общая задолженность		жами ундан муддати ўтган	всего	шу жумладан / в том числе:							
		жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная			хукумат қарорларига асосан олдиндан ҳақ тўламай жўнатилган (олинган) маҳсулотлар бўйича қарзлар		давлат ресурслари ва жамғармаларидан жўнатиш кўзда тутилган хом ашё ва материаллар бўйича ўтказилган бўнақ тўловлари суммаси		хукумат қарорлари бўйича кечкиртирил- ган қарзлар		қонунчиликка мувофиқ даъволар бўйича суд жараёнида қўриб чиқилаётган ёки хўжалик суди томонидан қарздорлардан ундириш тўғрисида қарор чиққан қарзлар суммаси	
				Задолженность по производству, отгруженной (полученной) без предоплаты по решениям Правительства		сумма перечисленных авансовых платежей, по которым предусмотрена отгрузка сырья и материалов из государственных ресурсов и фондов		задолжен- ность, отсроченная по решениям Правитель- ства		сумма задолженности, по которой в соответствии с законодательством идет процесс судебного разбирательства по предъявленным искам или вынесено решение хозяйственного суда о ее взыскании с должников			
				жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее про- сроченная				
2		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12		
3.1.	шу жумладан диторлар номи бўйича в том числе по наименованиям дебиторов												
<b>КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ / КРЕДИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ</b>													
4.	<b>Кредиторлар, жами Кредиторы, всего</b>							X	X				
5.	<b>Республика ичидаги қарзлар, жами Задолженность внутри республи- ки, всего</b>							X	X				
5.1.	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X				
5.2.	<b>Ички идоравий қарзлар, жами Внутриведомственная задолжен- ность, всего</b>							X	X				
5.2.1.	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X				



№	Дебитор ва кредиторлар рўйхати  Перечень дебиторов и кредиторов	Умумий қарз  Общая задолженность		Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган қарзлар Задолженность, образовавшаяся по причинам, не зависящим от предприятия шу жумладан / в том числе:							
				жами  всего	ундан муддати ўтган  из нее просро- ченная	хукумат қарорларига асосан олдиндан ҳақ тўламай жўнатилган (олинган) маҳсулотлар бўйича қарзлар		давлат ресурслари ва жамғармаларидан жўнатиш кўзда тутилган хом ашё ва материаллар бўйича ўтказилган бўнақ тўловлари суммаси		хукумат қарорлари бўйича кечиктирилган қарзлар	
		задолженность по продукции, отгруженной (полученной) без предоплаты по решениям Правительства				сумма перечисленных авансовых платежей, по которым предусмотрена отгрузка сырья и материалов из государственных ресурсов и фондов		задолженность, отсроченная по решениям Правительства			
		жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	жами всего	ундан муддати ўтган из нее просроченная	задолженность, отсроченная по решениям Правительства	сумма задолженности, по которой в соответствии с законодательством идет процесс судебного разбирательства по предъявленным искам или вынесено решение хозяйственного суда о ее взыскании с должников
		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
6.	Республикадан ташқаридаги қарзлар, жами Задолженность за пределами республики, всего							x	x		
6.1.	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							x	x		

Раҳбар  
Руководитель

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо / подпись)

М.Ў / М.П.

Бош бухгалтер  
Главный бухгалтер

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо / подпись)

Молия вазирининг  
2009 йил 19 мартдаги 37-сонли буйруғига  
7-ИЛОВА

## Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича ҚОИДАЛАР

### § 1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисоботлар барча мулкчилик шаклларидаги суғурталовчилар, шунингдек мулкида, хўжалик бошқарувида ёки оператив бошқарувида мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мулк билан жавоб берувчи, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлган, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи ҳисобланган алоҳида бўлинмалар томонидан тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низом (2000 йил 3 июль, рўйхат рақами 942 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 13-сон) билан белгиланади.

2. Йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) «Бухгалтерия баланси» — 1-сонли шакл — суғурта;
- б) «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғурта;
- в) «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» — 3-сонли шакл — суғурта;
- г) «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» — 4-сонли шакл — суғурта;
- д) «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» — 5-сонли шакл — суғурта;
- е) «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» — 2а-сонли шакл — суғурта.

3. Чораклик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) «Бухгалтерия баланси» — 1-сонли шакл — суғурта;
- б) «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғурта;
- в) «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» — 2а-сонли шакл — суғурта.

4. Кичик корхона ёки микрофирма мақомига эга суғурталовчилар фақатгина бухгалтерия баланси — 1-сонли шакл — суғурта, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-сонли шакл — суғурта, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома — 2а-сонли шакл — суғурталардан иборат йиллик молиявий ҳисобот тақдим этадилар.

5. Йиллик молиявий ҳисоботга ҳисобот йилида суғурталовчининг яку-

ний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

Агар йил боши ҳолатига баланс ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Унда, шунингдек, кейинги йилга қабул қилинган ҳисоб сиёсати келтирилади.

Агар ҳисобот йилининг биринчи санасига асосий фондларнинг қайта баҳоланиши амалга оширилган бўлса, қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисобот маълумотларини ҳисобот йили боши ҳолатига шакллантиришда қабул қилинади. Бунда ўтган йил якуни ва ҳисобот йили боши ҳолатига бўлган маълумотларнинг номувофиқлиги, ҳисобот йилининг биринчи санаси ҳолатига амалга оширилган асосий фондларни қайта баҳолаш натижалари сифатида тушунтирилади ва жорий давр молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида баён этилади.

6. Суғурталовчилар, аудиторлик текшируви ўтказилгандан сўнг 15 кун ичида, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмаган ҳолда, молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосасининг нухасини солиқ органларига тақдим этадилар.

7. Молиявий ҳисобот шаклларида барча реквизитлар ва белгиланган кўрсаткичлар тўлдирилиши шарт. Агар суғурталовчида тегишли актив, пасив, операцияларнинг мавжуд эмаслиги туфайли у ёки бу модда (сатр, устун) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устига чизиб қўйилади.

8. Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) «Суғурталовчи» реквизити — суғурталовчининг тўлиқ номи (ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТга кўра унинг коди кўрсатилади;

б) «Тармоқ» реквизити — суғурталовчининг тармоғи ва ХХТУТга кўра тармоқ коди кўрсатилади;

в) «Ташкилий-ҳуқуқий шакли» реквизити — суғурталовчининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ТҲШТга кўра ташкилий-ҳуқуқий шаклининг коди кўрсатилади;

г) «Мулкчилик шакли» реквизити — суғурталовчининг мулкчилик шакли ва МШТга кўра мулкчилик шаклининг коди кўрсатилади;

д) «Вазирлик, идора ва бошқалар» реквизити — суғурталовчи, унинг тасарруфида бўлган, молиявий ҳисобот тақдим этиладиган орган номи (агар у мавжуд бўлса) ва ДБИБТга кўра ушбу органнинг коди кўрсатилади;

е) «Солиқ тўловчининг идентификацион рақами» реквизити — суғурталовчининг идентификацион рақами (СТИР) кўрсатилади;

ж) «Худуд» реквизити — МҲОБТ бўйича код кўрсатилади;

з) «Манзил» реквизити — суғурталовчининг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади.

9. Молиявий ҳисоботни тузишда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда), «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, 11-12-сон; 1997 йил, 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда, 9-сон, 229-модда; 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 182-модда; 2002 йил, 1-сон, 20-модда; 2003 йил, 1-сон, 8-модда, 5-сон, 67-модда; 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда, 5-сон, 90-модда, 9-сон, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 4-сон, 154-модда, 9-сон, 494, 498-моддалар), Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалалари бўйича бошқа меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш лозим.

10. Суғурталовчининг алоҳида балансга чиқарилмаган барча алоҳида бўлинмалари кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шакллари кўрсаткичлари маълумотларига киритилиши шарт.

11. Молиявий ҳисоботларни тузишда ҳисобот санаси бўлиб ҳисобот даврининг охири календарь куни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган суғурталовчи амалдаги йиллик молиявий ҳисобот шакллари бўйича йил бошидан тугатилиш (қайта ташкил этилиш) вақтигача бўлган давр учун ҳисобот топширади.

1 октябригача янги ташкил этилган суғурталовчилар, маблағлар ва уларнинг манбаларини молиявий ҳисоботда, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ойнинг 1 санасидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабригача, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин ташкил этилган суғурталовчилар эса — давлат рўйхатидан ўтган санадан кейинги йилнинг 31 декабригача, 31 декабрь ҳам шунга киради, бўлган давр учун кўрсатадилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) суғурталовчилар базасида ташкил этилган суғурталовчилар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларига нисбатан қўлланилмайди).

12. Суғурталовчи балансининг моддалари, активлар ва мажбуриятларнинг изчил ўтказилган инвентаризацияси билан асосланган бўлиши шарт. Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида (19-сонли БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (1999 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 833) белгиланган тартибда ўтказилади. Бунда йиллик молиявий ҳисобот тақдим этилгунга қадар, доимий ишлаб турувчи инвентаризация комиссиялари томонидан инвентаризация давомида қийматликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бухгалтерия маълумотлари орасидаги аниқланган тафовутлар бартараф этилган бўлиши шарт. Шунингдек, солиштирма далолатномалар ёки ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқловчи хатлар билан расмийлаштирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг инвентаризацияси ўтказилиши шарт. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек уларнинг ўтказилмас-

лик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс этирилиши шарт.

13. Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади, имзолар муҳр билан тасдиқланади.

14. Молиявий ҳисоботда ўчириш ва бўялишлар бўлмаслиги шарт. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни молиявий ҳисоботга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

15. Жорий ҳамда ўтган йил ҳисобот маълумотларини тузатишлар (улар тасдиқлангандан сўнг) маълумотлар хатолиги топилган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботга киритилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чораги, йил боши) маълумотларига киритилади.

Ўтган даврда йўл қўйилган фундаментал (муҳим) хатоларни тузатиш суммаси молиявий ҳисоботда йил боши ҳолатига тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш ҳамда активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг бошқа моддаларига тегишли тузатишлар киритиш йўли билан акс этирилиши мумкин.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш чоғида даромадларни яшириш ёки ишлаб чиқариш харажатлари (ёки муомала чиқимлари) билан боғлиқ бўлмаган харажатларни ишлаб чиқариш харажатларига (ёки муомала чиқимларига) киритиш натижасида молиявий натижаларни камайтириб кўрсатиш аниқланган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби ва ўтган йил учун молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки жорий йилда ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида акс этирилади.

## **§ 2. «Бухгалтерия баланси» — 1-сонли шакл — суғурта**

16. «Бухгалтерия баланси»ни (кейинги матнларда — баланс) тузишдан олдин ҳисобот даври охирига Бош китобнинг аналитик сўтлари бўйича оборот ва қолдиқлари синтетик сўтларнинг оборот ва қолдиқлари билан албатта солиштирилган бўлиши шарт.

17. 3-устунда ҳисобот даври боши ҳолатига маълумотлар, яъни ўтган ҳисобот даври баланснинг 4-устуни маълумотлари кўрсатилади.

18. Асосий воситалар, баланснинг «Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати» моддасида (сатр 010), ҳисоби (0100) асосий воситаларни ҳисобга олувчи ва 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» сўтларда олиб бориладиган ўз асосий воситаларининг (амалдаги ҳамда консервация қилинган) ва узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича кўрсатилади.

«Эскириш суммаси» моддасида (сатр 011) суғурталовчи томонидан ҳисоби асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи сўтларда (0200) олиб бориладиган, (0100) ва 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» сўтларида ҳисобга олинган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси келтирилади.

«Қолдиқ (баланс) қиймати» моддаси (сатр 012) бўйича 010 сатр «Бош-

ланғич (қайта тиклаш) қиймати» ва 011 сатр «Эскириш суммаси» ўртасидаги фарқ акс эттирилади.

19. Номоддий активлар, баланснинг «Бошланғич қиймати» моддасида (сатр 020), ҳисоби номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларда (0400) олиб бориладиган, суғурталовчи томонидан табиий ресурслар, ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи, патентлар, товар белгилари, саноат намуналари, ташкилий харажатлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқалар кўринишидаги номоддий активларга (хўжалик фаолиятида узоқ муддат фойдаланиладиган ва даромад келтирадиган) қилинган харажатлар суммаси сифатида бошланғич қиймати бўйича кўрсатилади.

Шунингдек, ушбу модда бўйича ҳисобот даврида амалга оширилган ҳисобдан чиқаришлар чегирилган ҳолдаги гудвилл (фирма баҳоси) суммаси акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобида номоддий актив гудвилл (фирма баҳоси) суммасининг ҳисобдан чиқарилиши, алоҳида счётда амортизацияни йиғиб бормаган ҳолда, тўғридан-тўғри 0480 счёт «Гудвилл» сальдосининг камайишига ёзилади.

«Амортизация суммаси» моддасида (сатр 021) ҳисоби номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётларда (0500) олиб бориладиган номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси келтирилади.

«Қолдиқ (баланс) қиймати» моддаси (сатр 022) бўйича 020 сатр «Бошланғич қиймати» ва 021 сатр «Амортизация суммаси» ўртасидаги фарқ акс эттирилади.

20. «Узоқ муддатли инвестициялар, жами» моддаси (сатр 030) бўйича 040, 050, 060, 070, 080 сатрларда кўрсатилган қимматли қоғозлар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига, чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар ва бошқа узоқ муддатли инвестицияларга қўйилган маблағлар суммаси кўрсатилади.

Инвестор дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган ва ушбу қўйилмалар бўйича тўлиқ мажбурият олиб борган тақдирда, қимматли қоғозлар баланс активида тўлиқ сотиб олиш нархи бўйича, сўндирилмаган қисмини эса, баланс пассивининг кредиторлар қисмига олиб борган ҳолда кўрсатилади. Қолган ҳолларда харид қилинадиган қимматли қоғозлар учун тўланган суммалар, баланс активида дебиторлар моддасида кўрсатилади.

21. «Қимматли қоғозлар» моддаси (сатр 040) бўйича 0610 счёт «Қимматли қоғозлар»да ҳисобга олинадиган облигациялар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга (шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қимматли қоғозларидан ташқари) қўйилган сумма кўрсатилади.

22. «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» моддаси (сатр 050) бўйича 0620 счёт «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар»да ҳисобга олинадиган, шўъба хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган маблағлар суммаси кўрсатилади.

23. «Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар» моддаси (сатр 060) бўйича 0630 счёт «Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар»да ҳисобга

олинадиган, қарам хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган маблағлар суммаси кўрсатилади.

24. «Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар» моддаси (сатр 070) бўйича 0640 счёт «Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар»да ҳисобга олинадиган чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарнинг акциялари, облигациялари, устав капиталига қўйилмалар ва бошқа инвестицияларига қўйилган маблағлар суммаси кўрсатилади.

25. «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» моддаси (сатр 080) бўйича 0690 счёт «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»да ҳисобга олинадиган ва юқорида санаб ўтилган моддаларда ҳисобга олинмаган узоқ муддатли инвестицияларга қўйилган маблағлар суммаси кўрсатилади.

26. «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» моддаси (сатр 090) бўйича ҳисоби 0710 счёт «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий» ва 0720 счёт «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий»ларда олиб бориладиган, ҳақиқий қиймати бўйича ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қиймати кўрсатилади.

27. «Капитал қўйилмалар» моддаси (сатр 100) бўйича ҳисоби капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларда (0800) олиб бориладиган, хўжалик ҳамда пудрат йўли билан амалга ошириладиган тугалланмаган қурилиш қиймати, сотиб олинган эксплуатацияга берилмаган асосий воситалар ва номоддий активлар қиймати, асосий подани шакллантириш харажатлари, шунингдек ерни ободонлаштириш, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга қўйилган суммалар ва бошқалар қиймати кўрсатилади.

28. «Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» моддаси (сатр 110) бўйича ҳисоби 0910 счёт «Олинган векселлар», 0920 счёт «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар», 0930 счёт «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари», 0940 счёт «Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар»ларда олиб бориладиган олинадиган векселларнинг узоқ муддатли қисми, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилган асосий воситалар учун олинадиган тўловлар қолдиғи, ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари ва бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари кўрсатилади.

29. «Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» моддаси (сатр 120) бўйича ҳисоби 0950 счёт «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи», 0960 счёт «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар», 0990 счёт «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар»ларда олиб бориладиган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи, дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар ва бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар кўрсатилади.

30. «I бўлим бўйича жами» моддаси (сатр 130) бўйича 012, 022, 030, 090, 100, 110, 120 сатрлар бўйича йиғинди кўрсатилади.

31. «Товар-моддий захиралари, жами» моддаси (сатр 140) бўйича 150, 160 сатрларда кўрсатилган материаллар, тугалланмаган хизматлар қолдиқлари йиғиндиси кўрсатилади.

32. «Материаллар» моддаси (сатр 150) бўйича 1000 счёт «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар»да ҳисобга олинадиган хом ашё захиралари, харид қилинган ярим тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар, ёқилги, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, идиш ва идишбоп материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, қайтувчи чиқиндилар ва бошқа моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннарни кўрсатилади.

Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар (1500) ва материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600) фойдаланилганда, ушбу счётларда кўрсатилган қийматликлар «Материаллар» моддасида акс эттирилади.

33. «Тугалланмаган хизматлар» моддаси (сатр 160) бўйича ҳисоби суғурта ишини юритиш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (2000), ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300), хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётларда (2700) олиб бориладиган тугалланмаган хизматлар бўйича харажатлар кўрсатилади.

34. «Келгуси давр харажатлари» моддаси (сатр 170) бўйича келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларда (3100) акс эттирилган, ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин харажатлар тегишли бўлган кейинги ҳисобот даврларида молиявий-хўжалик фаолияти харажатларига олиб бориладиган харажатлар суммаси кўрсатилади. Бундай харажатларга оммавий аҳборот воситалари нашрларига обуна бўлиш харажатлари, олдиндан тўланган ижара ҳақи ва бошқалар киради.

35. «Кечиктирилган харажатлар» моддаси (сатр 180) бўйича кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётларда (3200) ҳисобга олинган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғининг жорий қисми, дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар ва бошқа кечиктирилган харажатлар кўрсатилади.

36. «Дебиторлар, Жами» моддаси (сатр 190) бўйича жами дебиторлик қарзлари сифатида 200, 310, 320, 330, 340, 350, 360, 370, 380, 390 сатрларда кўрсатилган, харидор ва буюртмачилар, суғурта қилдирувчилар, суғурта агентлари ва брокерлари, қайта суғурталовчилар, қайта суғурта қилдирувчиларнинг қарзлари, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари; мол етказиб берувчилар, пудратчилар, ходимларга берилган бўнақлар; бюджет, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича аванс тўловлари; таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи ва турли дебиторларнинг қарзлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади.

191 сатрда маълумот учун дебитор қарздорликнинг муддати ўтган қисми кўрсатилади.

37. «Тўланадиган счётлар, жами» моддаси (сатр 200) бўйича жами тўланадиган счётлар, 210, 220 сатрларда кўрсатилган харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи, суғурта операциялари бўйича дебиторлик қарзлари суммаларининг йиғиндисидан 400 сатрда кўрсатилган ишончсиз қарзлар резервининг суммасини чегирган ҳолда кўрсатилади.

38. «Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи» моддаси (сатр 210) бўйича 4010 счёт «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4020 счёт



«Олинган векселлар»ларда ҳисобга олинадиган буюртмачи (харидорлар)га сотилган товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарздорлик кўрсатилади.

39. «Суғурта операциялари бўйича дебиторлар, Жами» моддаси (сатр 220) бўйича 230, 240, 250, 260, 270, 280,290, 300 сатрлар бўйича йиғинди кўрсатилади.

40. 4030 счёт «Суғурта қилдирувчилардан олинадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган суғурта қилдирувчиларнинг дебиторлик қарзлари «Суғурта қилдирувчиларнинг қарзлари» моддаси (сатр 230) бўйича акс эттирилади.

41. 4040 счёт «Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган суғурта воситачиларининг дебиторлик қарзлари «Суғурта агентлари ва брокерларининг қарзлари» моддаси (сатр 240) бўйича акс эттирилади.

42. 4050 счёт «Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурта қилдирувчиларнинг дебиторлик қарзлари «Қайта суғурта қилдирувчиларнинг қарзлари» моддаси (сатр 250) бўйича акс эттирилади.

43. 4051 счёт «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурталовчиларнинг комиссия мукофотлар, танъемалар ва бошқа мукофотлар бўйича дебиторлик қарзлари «Қайта суғурталовчиларнинг комиссия мукофотлар, танъема ва бошқа мукофотлар бўйича қарзлари» моддаси (сатр 260) бўйича акс эттирилади.

44. 4060 счёт «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурталовчиларнинг дебиторлик қарзлари «Қайта суғурталовчиларнинг қарзлари» моддаси (сатр 270) бўйича акс эттирилади.

45. 4070 счёт «Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича олинадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган ҳаёт суғуртаси турлари бўйича суғурта полиси таъминоти остида суғурта қилдирувчиларга берилган ссудалар «Ҳаёт суғуртаси бўйича ссудалар» моддаси (сатр 280) бўйича акс эттирилади.

46. 4080 счёт «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари»да ҳисобга олинадиган, қайта суғурталовчидан олинадиган суғурта қопламалари «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари» моддаси (сатр 290) бўйича акс эттирилади.

47. 4090 счёт «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари»да ҳисобга олинадиган қайта суғурта қилдирувчидан олинадиган қайта суғурта мукофотлари «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари» моддаси (сатр 300) бўйича акс эттирилади.

48. «Алоҳида бўлинмаларнинг қарзи» моддаси (сатр 310) бўйича ҳисоби 4110 счёт «Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар»да олиб бориладиган алоҳида бўлинмаларнинг (филиалларнинг, ваколатхоналарнинг) жорий қарзлари акс эттирилади. Ушбу модда бўйича ахборот маълумот учун келтирилади.

49. «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи» моддаси (сатр 320) бўйича ҳисоби 4120 счёт «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар»да олиб бориладиган шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг жорий қарзлари (идора доирасидаги ҳисоб-китоблар) акс эттирилади. Шўъба ва (ёки) қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби бош жамият молиявий ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (8-сонли БХМС) «Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби»га (1998 йил 28 декабрь, рўйхат рақами 580 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 6-сон) мувофиқ консолидациялаштирилган бўлиши шарт.

50. «Ходимларга берилган бўнақлар» моддаси (сатр 330) бўйича ходимларга меҳнат ҳақи, хизмат сафарлари, умумхўжалик харажатлари бўйича берилган бўнақлар ва бошқа бўлажак ҳисоб-китоблар бўйича берилган бўнақлар суммаси кўрсатилади. Ходимларга берилган бўнақларнинг ҳисоби ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётларда (4200) олиб борилади.

51. «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар» моддаси (сатр 340) бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ муддати бир йилдан кам бўлган бўлажак ҳисоб-китоблар учун бошқа корхоналарга тўланган бўнақлар суммаси кўрсатилади. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларнинг ҳисоби мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётларда (4300) олиб борилади.

52. «Бюджетга бўнақ тўловлари» моддаси (сатр 350) бўйича бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади. Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловларининг ҳисоби 4410 счёт «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»да олиб борилади.

53. «Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари» моддаси (сатр 360) бўйича ҳисоби мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётларда (4500) олиб бориладиган мақсадли давлат жамғармаларига (Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ва бошқа мақсадли давлат жамғармалари) мажбурий тўловлар ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади.

54. «Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи» моддаси (сатр 370) бўйича 4610 счёт «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»да ҳисобга олинадиган таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бўйича қарзлари кўрсатилади.

55. «Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи» моддаси (сатр 380) бўйича суғурталовчи ходимларининг уларга берилган қарзлар бўйича, суғурталовчига моддий зарарни қоплаш бўйича ва ходимларнинг бошқа қарз-

лари кўрсатилади. Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ҳисоби ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётларда (4700) олиб борилади.

56. «Бошқа дебиторлик қарзлари» моддаси (сатр 390) бўйича ҳисоби турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётларда (4800) олиб бориладиган юқорида келтирилган дебиторлар билан ҳисоб-китоблар моддаларида кўрсатилмаган, турли операциялар бўйича турли дебиторларнинг қарзлари, хусусан, олинадиган: фоиз ва дивидендлар, узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича жорий тўловлар, қисқа муддатли ижара бўйича тўловлар; роялти бўйича олинадиган счётлар, қарздорлар томонидан тан олинган ёхуд суд ёки уларни ундириш тўғрисида бошқа органнинг қарори олинган, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб борилган жарималар, пенялар, неустойкалар, бошқа шахсларнинг қарзлари кўрсатилади.

57. «Ишончсиз қарзлар бўйича резерв» моддаси (сатр 400) бўйича ишончсиз қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётларда (4900) ҳисобга олинадиган ишончсиз қарзлар бўйича резерв суммаси кўрсатилади.

58. «Пул маблағлари, жами» моддаси (сатр 410) бўйича 420, 430, 440, 450 сатрларда кўрсатилган кассадаги, миллий валютадаги ҳисоб-китоб счётидаги ва валюта счётидаги, шунингдек бошқа пул маблағлари йиғиндиси кўрсатилади. Баланснинг ушбу моддаларида акс эттирилган суммалар банк ҳужжатларидан кўчирмаларга ва касса ҳисоботи бўйича пул маблағларининг қолдиқларига мос келиши шарт.

59. «Кассадаги пул маблағлари» моддаси (сатр 420) бўйича суғурталовчининг кассаларида ҳисобот даврининг охириги санаси ҳолатига мавжуд бўлган миллий валютадаги ва чет эл валютасидаги пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Кассадаги пул маблағларининг ҳисоби кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларда (5000) олиб борилади.

60. «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари» моддаси (сатр 430) бўйича банклардаги ҳисоб-китоб счётларида ҳисобот даврининг охириги санаси ҳолатига миллий валютада мавжуд бўлган пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Ҳисоб-китоб счётидаги миллий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби 5110 счёт «Ҳисоб-китоб счёти»да олиб борилади.

61. «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» моддаси (сатр 440) бўйича суғурталовчи банклардаги валюта счётларидаги валюта маблағларининг ҳисобот даврининг охириги санаси ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада баҳоланган қолдиғини кўрсатади. Чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳисоби чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларда (5200) олиб борилади.

62. «Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари» моддаси (сатр 450) бўйича банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500), пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар (5600), йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счётларда (5700) ҳисобга олинадиган суғурталовчининг пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади.

63. «Қисқа муддатли инвестициялар» моддаси (сатр 460) бўйича ҳисоби қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда (5800) олиб

бориладиган суғурталовчи томонидан бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, давлат заём облигациялари ҳамда ш.к.ларга қисқа муддатли инвестициялар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқа жорий инвестициялар (12 ойдан ошмаган муддатга) кўрсатилади.

64. «Бошқа жорий активлар» моддаси (сатр 470) бўйича ҳисоби 5910 счёт «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» ва 5920 счёт «Бошқа жорий активлар»да олиб бориладиган мазкур ҳисобот даврида айбдор шахслар аниқланмаган инвентаризация давомида аниқланган камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан, ўғирликлардан йўқотишлар ва бўлимнинг юқорида келтирилган моддаларида келтирилмаган, лекин суғурталовчининг мулки ҳисобланган бошқа жорий активлар суммалари кўрсатилади.

65. «II бўлим бўйича жами» моддаси (сатр 480) бўйича 140, 170, 180, 190, 410, 460, 470 сатрлар бўйича йиғинди кўрсатилади.

66. «Баланс активи бўйича жами» моддаси (сатр 490) бўйича қуйидаги сатрларни қўшиш орқали олинган активларнинг жами суммаси кўрсатилади: сатр 130 + сатр 480.

67. «Устав капитали» моддаси (сатр 500) бўйича суғурталовчининг таъсисчилари улушларининг жами қўйилмалари (улушлар, акциялар номинал қиймати бўйича, пай бадаллари) сифатида таъсис ҳужжатларида рўйхатга олинган устав капитали ҳажми кўрсатилади. Устав капиталининг ҳисоби устав капиталини ҳисобга олувчи счётларда (8300) олиб борилади.

68. «Қўшилган капитал» моддаси (сатр 510) бўйича ҳисоби қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётларда (8400) олиб бориладиган, акцияларни номинал қийматидан баланд нархда бирламчи сотишдан олинган эмиссион даромад суммаси, суғурталовчининг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасидаги ва ҳақиқатда устав капиталига бадалнинг киритилиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курслари ўртасидаги фарқ натижасида вужудга келган курс фарқи суммаси кўрсатилади.

69. «Захира капитали» моддаси (сатр 520) бўйича ҳисоби захира капиталини ҳисобга олувчи счётларда (8500) олиб бориладиган суғурталовчининг уставига мувофиқ фойда ҳисобидан шакллантирилган резервлар, мулкни қайта баҳолашда шаклланидиган инфляцияцион резервлар, текинга олинган мулк суммаси кўрсатилади.

Ушбу моддада, шунингдек, имтиёз муддати тугагандан сўнг 8840 счёт «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари»дан 8530 счёт «Текинга олинган мулк»нинг кредити бўйича ҳисобдан чиқариладиган, солиққа тортишдан озод қилиш натижасида, маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шarti билан озод бўлган, божхона тўловлари, солиқ ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ имтиёзларининг суммалари акс эттирилади.

70. «Сотиб олинган хусусий акциялар» моддаси (сатр 530) бўйича суғурталовчида мавжуд бўлган кейинчалик тарқатиладиган ёки йўқ қилинадиган (бекор қилинадиган) сотиб олинган хусусий акциялар, улушлар ва

пайлар қиймати кўрсатилади. Сотиб олинган хусусий акциялар, улушлар ва пайлар сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётларда (8600) ҳисобга олинади.

71. «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» моддаси (сатр 540) бўйича ҳисоби тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётларда (8700) олиб бориладиган ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг йиғилган фойдаси (зарари) акс эттирилади.

Агар суғурталовчи томонидан зарар кўрилган бўлса, ҳисобот даврининг охирида ушбу зарар мазкур модда бўйича «айирув» белгиси билан кўрсатилади.

72. «Мақсадли тушумлар» моддаси (сатр 550) бўйича мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётларда (8800) ҳисобга олинган мақсадли йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун келиб тушган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари суммалари кўрсатилади.

73. «Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар» моддаси (сатр 560) бўйича суғурталовчи томонидан харажатларни бир текис тақсимлаш мақсадида келгуси харажат ва тўловлар учун захира қилинган маблағлар кўрсатилади.

74. «I бўлим бўйича жами» моддаси (сатр 570) бўйича қуйидаги натижа кўрсатилади: сатр 500 + сатр 510 + сатр 520 – сатр 530 + сатр 540 + сатр 550 + сатр 560.

75. «Суғурта захиралари, жами» моддаси (сатр 580) бўйича 590, 600, 610, 620, 630, 640, 650, 660 сатрлар бўйича йиғинди кўрсатилади.

76. «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси» моддаси (сатр 590) бўйича 8010 счёт «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган ишлаб топилмаган мукофотлар захираси суммаси кўрсатилади.

77. «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси» моддаси (сатр 600) бўйича 8020 счёт «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси суммаси кўрсатилади.

78. «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» моддаси (сатр 610) бўйича 8030 счёт «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси суммаси кўрсатилади.

79. «Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси» моддаси (сатр 620) бўйича 8040 счёт «Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси суммаси кўрсатилади.

80. «Активларнинг номувофиклиги захираси» моддаси (сатр 630) бўйича 8050 счёт «Активларнинг номувофиклиги захираси»да ҳисобга олинadиган

ган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган активларнинг номувофиқлиги захираси суммаси кўрсатилади.

81. «Фалокатлар захираси» моддаси (сатр 640) бўйича 8060 счёт «Фалокатлар захираси»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган фалокатлар захираси суммаси кўрсатилади.

82. «Зарарлиликнинг тебраниши захираси» моддаси (сатр 650) бўйича 8070 счёт «Зарарлиликнинг тебраниши захираси»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган зарарлиликнинг тебраниши захираси суммаси кўрсатилади.

83. «Ҳаёт суғуртаси бўйича захиралар» моддаси (сатр 660) бўйича 8090 счёт «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган ҳаёт суғуртаси бўйича захиралар суммаси кўрсатилади.

84. «Қайта суғурталовчиларнинг суғурта захираларидаги улуши, Жами» моддаси (сатр 670) бўйича 680, 690, 700, 710 сатрлар бўйича йиғинди кўрсатилади.

85. «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» моддаси (сатр 680) бўйича 8110 счёт «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши суммаси кўрсатилади.

86. «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» моддаси (сатр 690) бўйича 8120 счёт «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши суммаси кўрсатилади.

87. «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» моддаси (сатр 700) бўйича 8130 счёт «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши суммаси кўрсатилади.

88. «Ҳаёт суғуртаси бўйича захиралардаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» моддаси (сатр 710) бўйича 8140 счёт «Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши»да ҳисобга олинadиган ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобланган ҳаёт суғуртаси бўйича захиралардаги қайта суғурталовчиларнинг улуши суммаси кўрсатилади.

89. «II бўлим бўйича жами» моддаси (сатр 720) бўйича қуйидаги натижа кўрсатилади: сатр 580 – сатр 670.

90. «Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами» моддаси (сатр 730) бўйича 740, 750, 850, 860, 870, 880, 890, 900, 910, 920 сатрларда кўрсатилган суғурталовчининг узоқ муддатли (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) мажбуриятлари йиғиндиси кўрсатилади.

731 сатрда маълумот учун 740, 760, 770, 780, 790, 800, 820, 830, 850,

870, 890, 920 сатрларда кўрсатилган суғурталовчининг узоқ муддатли кредиторлик қарзлари йиғиндиси суммаси кўрсатилади.

91. «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз» моддаси (сатр 740) бўйича ҳисоби 7010 счёт «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» ва 7020 счёт «Берилган векселлар»да олиб бориладиган харид қилинган мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган узоқ муддатли мажбуриятлар кўрсатилади.

92. «Суғурта операциялари бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар, жами» моддаси (сатр 750) бўйича 760, 770, 780, 790, 800, 810, 820, 830 сатрлар бўйича йиғинди кўрсатилади.

93. «Огоҳлантириш чора-тадбирларини амалга оширувчи пудратчиларга узоқ муддатли қарзлар» моддаси (сатр 760) бўйича 7011 счёт «Огоҳлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар»да ҳисобга олинадиган суғурталовчи ва пудратчи ўртасида огоҳлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича тузилган шартномага мувофиқ суғурталовчининг пудратчиларга бўлган узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

94. «Суғурта қилдирувчиларга узоқ муддатли қарзлар» моддаси (сатр 770) бўйича 7030 счёт «Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар»да ҳисобга олинадиган суғурта қилдирувчиларга бўлган қарзлар суммаси кўрсатилади.

95. «Суғурта агентлари ва брокерларига узоқ муддатли қарзлар» моддаси (сатр 780) бўйича 7040 счёт «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган узоқ муддатли счётлар»да ҳисобга олинадиган суғурта воситачиларига бўлган қарзлар суммаси кўрсатилади.

96. «Қайта суғурта қилдирувчиларга узоқ муддатли қарзлар» моддаси (сатр 790) бўйича 7050 счёт «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурта қилдирувчиларга бўлган қарзлар суммаси кўрсатилади.

97. «Қайта суғурталовчиларга узоқ муддатли қарзлар» моддаси (сатр 800) бўйича 7060 счёт «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурталовчиларга бўлган қарзлар суммаси кўрсатилади.

98. «Қайта суғурталовчиларнинг депо мукофотлари» моддаси (сатр 810) бўйича 7070 счёт «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурталовчиларга бўлган қарзлар суммаси кўрсатилади.

99. «Қайта суғурта қилдирувчиларга комисион мукофотлар, танъема ва бошқа мукофотлар бўйича узоқ муддатли қарзлар» моддаси (сатр 820) бўйича 7080 счёт «Қайта суғурта қилишга оид комисион рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурта қилдирувчиларга бўлган қарзлар суммаси кўрсатилади.

100. «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга узоқ

муддатли қарзлар» моддаси (сатр 830) бўйича 7090 счёт «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар»да ҳисобга олинадиган актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга бўлган қарзлар суммаси кўрсатилади.

101. «Алоҳида бўлинмаларга узоқ муддатли қарз» моддаси (сатр 840) бўйича ҳисоби 7110 счёт «Алоҳида бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз»да олиб бориладиган алоҳида бўлинмаларга (филиалларга, ваколатхоналарга) бўлган узоқ муддатли мажбуриятлар акс эттирилади. Ушбу модда бўйича ахборот маълумот учун келтирилади.

102. «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз» моддаси (сатр 850) бўйича ҳисоби 7120 счёт «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз»да олиб бориладиган, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар (идора ичидаги ҳисобкитоблар) акс эттирилади.

103. «Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» моддаси (сатр 860) бўйича ҳисоби 7210 счёт «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар», 7220 счёт «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар», 7230 счёт «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»да олиб бориладиган, суғурталовчининг кечиктирилган даромад бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

104. «Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» моддаси (сатр 870) бўйича ҳисоби 7240 счёт «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар»да амалга ошириладиган, суғурталовчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

105. «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» моддаси (сатр 880) бўйича ҳисоби қуйидаги счётларда: 7250 счёт «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар», 7290 счёт «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар»да амалга ошириладиган, суғурталовчининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

106. «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» моддаси (сатр 890) бўйича 7310 счёт «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»да ҳисобга олинган, келгуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа ташкилотлардан бўнақлар кўринишида олинган узоқ муддатли қарзлар суммаси кўрсатилади.

107. «Узоқ муддатли банк кредитлари» моддаси (сатр 900) бўйича 7810 счёт «Узоқ муддатли банк кредитлари»да ҳисобга олинган, олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарздорликлар суммаси кўрсатилади.

108. «Узоқ муддатли қарзлар» моддаси (сатр 910) бўйича 7820 счёт «Узоқ муддатли қарзлар», 7830 счёт «Тўланадиган облигациялар», 7840 счёт «Тўланадиган векселлар»да ҳисобга олинган бошқа корхоналар ва муассасалар



салардан олинган узоқ муддатли қарзлар бўйича қарздорликлар суммаси кўрсатилади.

109. «Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар» моддаси (сатр 920) бўйича турли кредиторларга узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (7900) ҳисобга олинган, суғурталовчининг ижарага берувчи (лизингга берувчи), ходимлар, турли тоифадаги нотижорат операциялар бўйича жисмоний ва юридик шахсларга бўлган узоқ муддатли мажбуриятлари суммалари, ижро ҳужжатлари ёки судларнинг қарорлари асосида турли ташкилотлар ва алоҳида шахслар фойдасига суғурталовчининг ходимлари иш ҳақидан ушлаб қолинган суммалар кўрсатилади.

110. «Жорий мажбуриятлар, жами» моддаси (сатр 930) бўйича қуйидаги сатрларда: 940, 950, 1050, 1060, 1070, 1080, 1090, 1100, 1110, 1120, 1130, 1140, 1150, 1160, 1170, 1180 кўрсатилган суғурталовчининг жорий мажбуриятлари (бир йилдан кам бўлган муддатли) йиғиндиси акс эттирилади.

111. 931 сатрда маълумот учун 940, 960, 970, 980, 990, 1000, 1020, 1030, 1050, 1070, 1090, 1110, 1120, 1130, 1140, 1180 сатрларда кўрсатилган, суғурталовчининг жорий кредиторлик қарзлари йиғиндиси кўрсатилади.

112. 932 сатрда суғурталовчининг жорий кредиторлик қарзларининг муддати ўтган қисми маълумот учун кўрсатилади.

113. «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз» моддаси (сатр 940) бўйича ҳисоби 6010 счёт «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ва 6020 счёт «Берилган векселлар»да олиб бориладиган харид қилинган мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган жорий мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

114. «Суғурта операциялари бўйича мажбуриятлар, жами» моддаси (сатр 950) бўйича 960, 970, 980, 990, 1000, 1010, 1020, 1030 сатрлар бўйича йиғинди кўрсатилади.

115. «Огоҳлантириш чора-тадбирларини амалга оширувчи пудратчиларга қарзлар» моддаси (сатр 960) бўйича 6011 счёт «Огоҳлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган счётлар»да ҳисобга олинандиган суғурталовчи ва пудратчи ўртасида огоҳлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича тузилган шартномага мувофиқ суғурталовчининг пудратчиларга бўлган жорий мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

116. «Суғурта қилдирувчиларга қарзлар» моддаси (сатр 970) бўйича 6030 счёт «Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар»да ҳисобга олинандиган суғурта қилдирувчиларга бўлган қарздорликлар суммаси кўрсатилади.

117. «Суғурта агентлари ва брокерларига қарзлар» моддаси (сатр 980) бўйича 6040 счёт «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар»да ҳисобга олинандиган, суғурта воситачиларига бўлган қарздорлик суммаси кўрсатилади.

118. «Қайта суғурта қилдирувчиларга қарзлар» моддаси (сатр 990) бўйича 6050 счёт «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича

тўланадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурта қилдирувчиларга бўлган қарздорлик суммаси кўрсатилади.

119. «Қайта суғурталовчиларга қарзлар» моддаси (сатр 1000) бўйича 6060 счёт «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурталовчиларга бўлган қарздорлик суммаси кўрсатилади.

120. «Қайта суғурталовчиларнинг депо мукофотлари» моддаси (сатр 1010) бўйича 6070 счёт «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурталовчиларга бўлган қарздорликлар суммаси кўрсатилади.

121. «Қайта суғурта қилдирувчиларга комиссиян мукофотлар, танъема ва бошқа мукофотлар бўйича қарзлари» моддаси (сатр 1020) бўйича 6080 счёт «Қайта суғурта қилишга оид комиссиян рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган қайта суғурта қилдирувчиларга бўлган қарздорлик суммаси кўрсатилади.

122. «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга қарзлар» моддаси (сатр 1030) бўйича 6090 счёт «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган счётлар»да ҳисобга олинадиган актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга бўлган қарздорлик суммаси кўрсатилади.

123. «Алоҳида бўлинмаларга қарз» моддаси (сатр 1040) бўйича ҳисоби 6110 счёт «Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар»да олиб бориладиган, алоҳида бўлинмаларга (филиалларга, ваколатхоналарга) бўлган жорий мажбуриятлар акс эттирилади.

124. «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз» моддаси (сатр 1050) (сатр 1050) бўйича ҳисоби 6120 счёт «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар»да олиб бориладиган шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган жорий қарзлар (идора ичидаги ҳисоб-китоблар) акс эттирилади.

125. «Кечиктирилган даромадлар» моддаси (сатр 1060) бўйича ҳисоби 6210 счёт «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар», 6220 счёт «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар», 6230 счёт «Бошқа кечиктирилган даромадлар»да амалга ошириладиган суғурталовчининг кечиктирилган даромадлар бўйича мажбурияти суммаси кўрсатилади.

126. «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» моддаси (сатр 1070) бўйича ҳисоби 6240 счёт «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»да олиб бориладиган суғурталовчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисми кўрсатилади.

127. «Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар» моддаси (сатр 1080) бўйича ҳисоби қуйидаги счётларда: 6250 счёт «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар», 6290 счёт «Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар»да амалга ошириладиган суғурталовчининг мо-

лиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа кечиктирилган мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

128. «Олинган бўнаклар» моддаси (сатр 1090) бўйича олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётларда (6300) ҳисобга олинган келгуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнак кўринишида бошқа ташкилотлардан олинган қарздорликлар суммаси кўрсатилади.

129. «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» моддаси (сатр 1100) бўйича 6410 счёт «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»да ҳисобга олинган бюджетга тўловларнинг барча турлари, шунингдек жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммаси бўйича суғурталовчининг қарзи кўрсатилади.

130. «Суғурта бўйича қарз» моддаси (сатр 1110) бўйича ҳисоби 6510 счёт «Суғурта бўйича тўловлар»да олиб бориладиган ва суғурталовчи суғурта қилдирувчи ҳисобланган суғурта шартномалар бўйича тўловларга оид қарзлар кўрсатилади.

131. «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз» моддаси (сатр 1120) бўйича ҳисоби 6520 счёт «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»да олиб бориладиган суғурталовчининг мақсадли давлат жамғармаларига қарзлари кўрсатилади.

132. «Таъсисчиларга бўлган қарзлар» моддаси (сатр 1130) бўйича ҳисоби 6610 счёт «Тўланадиган дивидендлар», 6620 счёт «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар»да амалга ошириладиган суғурталовчининг таъсисчилар олдидаги дивидендлар бўйича ва чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

133. «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддаси (сатр 1140) бўйича 6710 счёт «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар», 6720 счёт «Депонентланган меҳнат ҳақи»да ҳисобга олинган, ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳақи, мукофотлар, нафақалар ва бошқа суммалари кўрсатилади.

134. «Қисқа муддатли банк кредитлари» моддаси (сатр 1150) бўйича ҳисоби 6810 счёт «Қисқа муддатли банк кредитлари»да амалга ошириладиган олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарздорликлар суммаси кўрсатилади.

135. «Қисқа муддатли қарзлар» моддаси (сатр 1160) бўйича ҳисоби 6820 счёт «Қисқа муддатли қарзлар», 6830 счёт «Тўланадиган облигациялар», 6840 счёт «Тўланадиган векселлар»да амалга ошириладиган бошқа корхона ва шахслардан олинган қарзлар бўйича қарздорликлар суммалари кўрсатилади.

136. «Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми» моддаси (сатр 1170) бўйича ҳисоби 6950 счёт «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»да амалга ошириладиган, суғурталовчининг узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисми суммалари кўрсатилади.

137. «Бошқа кредиторлик қарзлар» моддаси (сатр 1180) бўйича ҳисоби 6910 счёт «Тўланадиган қисқа муддатли ижара», 6920 счёт «Ҳисобланган

фоизлар», 6930 счёт «Роялти бўйича қарз», 6940 счёт «Кафолатлар бўйича қарз», 6960 счёт «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар», 6970 счёт «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз» ва 6990 счёт «Бошқа мажбуриятлар»да амалга ошириладиган, суғурталовчининг турли кредиторлари билан операциялар бўйича қарзлар суммаси кўрсатилади.

138. «III бўлим бўйича жами» моддаси (сатр 1190) бўйича 730 ва 930 сатрлар бўйича йиғинди кўрсатилади.

139. «Баланс пассиви бўйича жами» моддаси (сатр 1200) бўйича қуйидаги сатрлар йиғиндисининг натижаси сифатида олинган, пассивнинг жами суммаси акс эттирилади: стр. 570 + стр. 720 + стр. 1190.

140. 1210 — 1340 сатрларда «Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинадиган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома» суғурталовчига тегишли бўлмаган, лекин вақтинча унинг тасарруфида ва фойдаланишида бўлган қийматликларнинг (қисқа муддатга ижарага олинган асосий воситалар, жавобгарлик остида сақланаётган, қайта ишланаётган моддий қийматликлар ва бошқалар) мавжудлиги, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек алоҳида хўжалик операцияларини назорат қилиш мақсадида суғурталовчининг балансдан ташқари счётларида ҳисобга олинадиганлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

### **§ 3. «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғурта**

141. «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар, шу жумладан» моддаси (сатр 010) бўйича 9030 счёт «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар»да ҳисобга олинадиган суғурталовчининг суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлари кўрсатилади. 010 сатр бўйича қуйидаги сатрлар бўйича натижа кўрсатилади: 011 – 012 + 013 + / – 014 + / – 015 + / – 016 + / – 017 + / – 018 + 019.

Бунда 014, 015, 016, 017, 018 сатрлар бўйича суғурта захиралари ўзгаришининг ижобий натижаси «Харажатлар» устуни бўйича, салбий натижаси эса, «Даромадлар» устуни бўйича кўрсатилади.

011, 012, 013, 019 сатрлар бўйича тўғридан-тўғри суғурта қилиш ва биргаликда суғурта қилиш бўйича (биргаликда суғурта қилиш шартномасида суғурталовчининг ўрнатилган улуши қисмида) суғурта мукофотлари, қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари, қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари ва 9030 счёт «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар»да ҳисобга олинадиган суғурта хизматларини кўрсатишдан бошқа даромадлар суммалари кўрсатилади.

142. «Воситачилик хизматини кўрсатишдан даромадлар» моддаси (сатр 020) бўйича 9060 счёт «Суғурта воситачиси хизматларини кўрсатишдан даромадлар»да ҳисобга олинадиган, суғурталовчининг суғурта воситачилик хизматларини кўрсатишдан олган даромадлари кўрсатилади.

143. «Қайта суғурта бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича

даромадлар» моддаси (сатр 030) бўйича 9070 счёт «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар»да ҳисобга олинадиган, суғурта қилдирувчиларга тўланган суғурта қопламаларини қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қоплаш бўйича қайта суғурталовчидан олинган суғурталовчининг даромадлари кўрсатилади.

144. «Қайта суғурта бўйича комиссиян мукофотлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича даромадлар» моддаси (сатр 040) бўйича 9080 счёт «Қайта суғурта қилишга оид комиссиян рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича даромадлар»да ҳисобга олинадиган, суғурталовчи томонидан қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қайта суғурталовчидан комиссиян мукофотлар, танъемалар ва йиғимлар кўринишида олинган даромадлар кўрсатилади.

145. «Аджастер ва сюрвейер хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар» моддаси (сатр 050) бўйича 9090 счёт «Сюрвейер ва аджастер хизматларини кўрсатишдан даромадлар»да ҳисобга олинадиган, суғурталовчи томонидан сюрвейерлик ва аджастерлик хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари кўрсатилади.

146. «Суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум» моддаси (сатр 060) бўйича суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум кўрсатилади. Сатр 060 бўйича 010, 020, 030, 040, 050 сатрларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

147. «Кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи» моддаси (сатр 070) бўйича сотилган товарлар ва хизматлар таннархини ҳисобга олувчи счётларда (9100) ҳисобга олинган, кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи суммаси кўрсатилади.

148. «Суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда (зарар)» (сатр 080) суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум ва кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (сатр 060 – 070).

149. «Давр харажатлари, жами» моддаси (сатр 090) бўйича 100, 110, 120, 130 сатрлар бўйича жами йиғинди акс эттирилади.

150. «Сотиш харажатлари» моддаси (сатр 100) бўйича ҳисоби 9410 счёт «Сотиш харажатлари»да амалга ошириладиган, суғурта хизматларини сотиш бўйича харажатлар, яъни маркетинг билан машғул бўлган бўлим ва ходимларнинг сарфлари билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар акс эттирилади.

151. «Маъмурий харажатлар» моддаси (сатр 110) бўйича ҳисоби 9420 счёт «Маъмурий харажатлар»да олиб бориладиган, суғурталовчини бошқариш бўйича харажатлар, бошқарув ходимларининг иш ҳақи харажатлари, умуммаъмурий мақсадларда ишлатиладиган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадларда ишлатиладиган жойларнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар кўрсатилади.

152. «Бошқа операцион харажатлар» моддаси (сатр 120) бўйича ҳисоби 9430 счёт «Бошқа операцион харажатлар», 9431 счёт «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонлари», 9432 счёт «Тўғридан-тўғри

суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари»да амалга оширилдиган, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматларини тўлаш бўйича харажатлар, компенсация ва рағбатлантириш характеридаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўлов ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларининг тўлови, зарарлар, жарималар, пенялар, тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари ва асосий фаолият, молиявий фаолият билан боғлиқ бўлмаган ҳамда фавқулодда харажатлар моддалари сифатига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

153. «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» моддаси (сатр 130) бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда 54-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 2.4. бўлимида келтирилган, келгусида солиққа тортиш базасидан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади ва 9440 счёт «Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган, ҳисобот даври харажатлари»да умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари асосида тўлдирилади.

154. «Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари» моддаси (сатр 140) бўйича ҳисоби асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётларда (9300) амалга ошириладиган, асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган штраф ва пенялар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонент қарздорликларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар кўрсатилади.

155. «Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)» моддаси (сатр 150) бўйича суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда (зарар)дан (сатр 080) давр харажатлари (сатр 090) суммасини чегириш ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (сатр 140) суммасини қўшиш орқали аниқланадиган суғурталовчининг асосий фаолияти молиявий натижаси кўрсатилади.

156. «Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами» моддаси (сатр 160) бўйича 170, 180, 190, 200, 210 сатрлар бўйича жами йиғинди суммаси акс эттирилади.

157. «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» моддаси (сатр 170) бўйича ҳисоби 9520 счёт «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»да олиб борилдиган, бошқа корхоналар фаолиятидаги улуш иштирокидан, суғурталовчига тегишли бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар кўринишидаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисидан олинган даромадлар акс эттирилади.

158. «Фоишлар кўринишидаги даромадлар» моддаси (сатр 180) бўйича

ҳисоби 9530 счёт «Фоизлар кўринишидаги даромадлар»да олиб бориладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялардан фоиз кўринишида олинган даромадлар кўрсатилади.

159. «Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар» моддаси (сатр 190) бўйича ҳисоби 9550 счёт «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар»да олиб бориладиган, мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар акс эттирилади.

160. «Валюта курси фарқларидан даромадлар» моддаси (сатр 200) бўйича ҳисоби 9540 счёт «Валюталар курслари фарқидан даромадлар»да амалга ошириладиган, валюта операциялари бўйича ижобий курс фарқидан, шунингдек баланс тузиш санасига баланснинг валюта билан боғлиқ моддаларини қайта баҳолашдан даромадлар акс эттирилади.

161. «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» моддаси (сатр 210) бўйича ҳисоби қуйидаги счётларда амалга ошириладиган: 9510 счёт «Роялти кўринишидаги даромадлар», 9560 счёт «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар», 9590 счёт «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари», қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар, роялти кўринишидаги даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

162. «Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами» моддаси (сатр 220) бўйича 230, 240, 250, 260 сатрлар бўйича жами йиғинди суммаси акс эттирилади.

163. «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» моддаси (сатр 230) бўйича ҳисоби 9610 счёт «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»да амалга ошириладиган, банк кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

164. «Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар» моддаси (сатр 240) бўйича ҳисоби 9610 счёт «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»да олиб бориладиган, узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

165. «Валюта курси фарқларидан зарарлар» моддаси (сатр 250) бўйича ҳисоби 9620 счёт «Валюталар курслари фарқидан зарарлар»да амалга ошириладиган, валюта операциялари бўйича балансни тузиш санасига ва баланснинг валюта билан боғлиқ моддаларини қайта баҳолашдан салбий курс фарқлари акс эттирилади.

166. «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» моддаси (сатр 260) бўйича ҳисоби 9630 счёт «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар» ва 9690 счёт «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»да амалга ошириладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

167. «Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)» моддаси (сатр 270) бўйича, асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр 150) суммасига молиявий фаолиятнинг даромадлари (сатр 160) суммасини қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр 220) суммасини чегириш орқали аниқла-

надиган суғурталовчининг умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади.

168. «Фавқуллоддаги фойда ва зарарлар» моддаси (сатр 280) бўйича фавқуллоддаги ходисалар натижалари кўрсатилади, «Даромадлар (фойда)» устуни 9710 счёт «Фавқуллоддаги фойдалар» маълумотлари асосида, «Харажатлар (зарарлар)» устуни эса, 9720 счёт «Фавқуллоддаги зарарлар» маълумотлари асосида тўлдирилади.

169. «Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)» моддаси (сатр 290) бўйича +/– белгиларини ҳисобга олган ҳолдаги, 270 ва 280 сатрларнинг йиғиндиси натижалари акс эттирилади. Ушбу сатрнинг натижаси фойда солиғини ҳисоблашда асос ҳисобланади.

170. «Фойда солиғи» моддаси (сатр 300) бўйича 9810 счёт «Фойда солиғи бўйича харажатлар»да ҳисобга олинган, ҳисобот даври бошидан ҳисобланган фойда солиғи суммаси кўрсатилади.

171. «Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» моддаси (сатр 310) бўйича суғурталовчи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойда ҳисобидан тўланадиган йил бошидан ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси акс эттирилади.

172. «Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)» моддаси (сатр 320) бўйича қуйидаги сатрларнинг фарқи сифатида аниқланган: сатр 290 – 300 – 310 ҳисобот даврининг якуний молиявий натижаси кўрсатилади.

173. «Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумотнома»да (сатр 330 – 530) суғурталовчилар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган ва тўланадиган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари бўйича бюджетга ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар кўрсатилади. Ушбу маълумотномада 530 сатр бўйича суғурталовчилар томонидан ҳисобот даври учун ҳисобланган ва тўланган бюджетга солиқлар ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар жами суммаси кўрсатилади.

Агар суғурталовчида ҳисобот даври учун ҳисоб-китоблар бўйича қўшилган қиймат солиғи бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ салбий фарқ мавжуд бўлса, ушбу салбий фарқ суммаси 360 сатр бўйича «Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади» устунда «минус» белгиси билан кўрсатилади.

#### **§ 4. «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» — 3-сонли шакл — суғурта**

174. «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»да суғурталовчининг асосий воситалари мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

175. 3-устун ва 6-устунда суғурталовчининг мос равишда йил боши ва охири ҳолатига, унинг балансида ҳисобга олинган асосий воситаларнинг, шунингдек жорий ижарага берилган, консервация қилинган ва ш.к. асосий воситалар турларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати акс эттирилади.

176. 4-устунда барча манбалардан ҳисобот даври мобайнида келиб туш-



ган асосий воситаларнинг, шу билан биргаликда: аввал ҳисобга олинмаган, айланма маблағлардан асосий воситаларга ўтган, шунингдек барча молиялаштириш манбалари бўйича ҳисобот йилида ишга туширилган янги асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади.

177. 5-устунда қуйидагилар натижасида ҳисобот йилида чиқиб кетган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати акс эттирилади: тугатилиш, сотилиш, текинга бериш, устав капиталига қўйилма сифатида бериш, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш, камчилик ва йўқотишларнинг аниқланиши ва бошқа сабаблар.

178. 7-устун ва 10-устунда мос равишда йил боши ва охири ҳолатига асосий воситалар бўйича жамғарилган эскириш суммаси акс эттирилади.

179. 8-устунда ҳисобот йили учун асосий воситалар бўйича барча манбалар бўйича ҳисобланган эскириш суммасидаги кўпайиш, шу билан биргаликда аввал ҳисобланмай қолган эскириш ва бошқалар суммалари акс эттирилади.

180. 9-устунда тугатилиш жараёнида, сотилиш, текинга бериш, устав капиталига қўйилма сифатида бериш, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш, камчилик ва йўқотишларнинг аниқланиши ва бошқа сабабларга кўра чиқиб кетган асосий воситалар бўйича жамғарилган эскириш акс эттирилади.

181. 11-устунда 3-устун ва 7-устун маълумотлари ўртасидаги фарқ натижаси сифатида аниқланган, асосий воситаларнинг йил бошига қолдиқ қиймати акс эттирилади.

182. 12-устунда 6-устун ва 10-устун маълумотлари ўртасидаги фарқ натижаси сифатида аниқланган, асосий воситаларнинг йил охирига қолдиқ қиймати акс эттирилади.

183. 010 – 150 сатрлар бўйича, тегишли устунларда асосий воситаларнинг турлари бўйича асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати, келиб тушиши, чиқиб кетиши, эскириш ва қолдиқ қиймати асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100), 0310 счёт «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ва асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётларнинг (0200) маълумотлари асосида акс эттирилади.

184. «Жами асосий воситалар» моддаси бўйича (сатр 160) 010 сатрдан 150 сатргача бўлган жами йиғинди акс эттирилади ва тегишли устунларда барча асосий воситаларнинг, шунингдек асосий фаолиятда қатнашаётган (сатр 161) ва асосий фаолиятда қатнашмаётган (сатр 162) асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати кўрсатилади.

Асосий фаолиятда қатнашаётган асосий воситаларга бевосита суғурта фаолиятини амалга оширишда қатнашадиган асосий воситалар киради.

Асосий фаолиятда қатнашмаётган асосий воситаларга уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият воситалари ва бошқалар киради.

185. «Йил давомида сотиб олинган асосий воситалар, жами» моддаси (сатр 170) бўйича йил давомида харид қилинган барча асосий воситалар-

нинг қиймати маълумот учун кўрсатилади, 171, 172, 173 сатрлар бўйича эса, харид қилинган асосий воситаларнинг қиймати молиялаштириш манбалари бўйича, яъни мос равишда ўз маблағлари ҳисобидан, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари бўйича кўрсатилади.

186. «Тугалланмаган қурилиш» моддаси (сатр 180) бўйича пудрат ҳамда хўжалик йўли билан амалга оширилаётган тугалланмаган қурилишнинг мавжудлиги ва ҳаракати тегишли устунларда маълумот учун кўрсатилади.

#### **§ 5. «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» — 4-сонли шакл — суғурта**

187. «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»да суғурталовчининг молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар пул маблағларининг ҳаракати нуқтаи назаридан акс эттирилади.

Операцион, инвестицион ва молиявий фаолият давомидаги пул маблағларининг ҳаракати шундай йўл билан акс эттириладики, йил боши ва йил охиридаги пул маблағларининг қолдиқлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни белгилаш имконини беради.

188. «Суғурта операциялари бўйича пул тушумлари, жами» моддаси (сатр 010) бўйича 020, 030, 040, 050, 060 сатрларнинг йиғиндиси натижаси кўрсатилади.

189. «Суғурта ва биргаликда суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари кўринишида келиб тушган пул маблағлари» моддаси (сатр 020) бўйича суғурта ва биргаликда суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари кўринишида суғурталовчининг банк ҳисоб-китоб счёти ва кассасига ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

190. «Қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари кўринишида келиб тушган пул маблағлари» моддаси (сатр 030) бўйича қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари кўринишида суғурталовчининг банк ҳисоб-китоб счётларига ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

191. «Суғурта воситачиси, аджастери, сюрвейери хизматларини кўрсатишдан келиб тушган пул маблағлари» моддаси (сатр 040) бўйича суғурта воситачиси, аджастер, сюрвейер хизматларини кўрсатишдан суғурталовчининг банк ҳисоб-китоб счётларига ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

192. «Қайта суғурта қилиш бўйича комиссия мукофотлар, танъемалар ва йиғимлар кўринишида келиб тушган пул маблағлари» моддаси (сатр 050) бўйича суғурталовчининг банк ҳисоб-китоб счётларига қайта суғурта қилиш бўйича комиссия мукофотлар, танъемалар ва йиғимлар кўринишида ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

193. «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушини қоплаш бўйича келиб тушган пул маблағлари» моддаси (сатр 060) бўйича суғурталовчининг банк ҳисоб-китоб счётла-

рига қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушини қоплаш бўйича ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

194. «Суғурта операциялари бўйича пул тўловлари, жами» моддаси (сатр 070) бўйича 080, 090, 100, 110, 120, 130 сатрларнинг йиғиндиси натижаси кўрсатилади.

195. «Қайта суғурта ва ретроцессия шартномалари бўйича суғурта мукофотлари кўринишида тўланган пул маблағлари» моддаси (сатр 080) бўйича қайта суғурта қилиш ва ретроцессия шартномалари бўйича суғурта мукофотлари кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

196. «Суғурта ва биргаликда суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта товонлари кўринишида тўланган пул маблағлари» моддаси (сатр 090) бўйича суғурта ва биргаликда суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта товонлари кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

197. «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессия бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушини қоплаш кўринишида тўланган пул маблағлари» моддаси (сатр 100) бўйича қайта суғурта қилиш ва ретроцессия бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушини қоплаш кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

198. «Суғурта воситачиларига суғурта, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномаларини тузганлик учун мукофотлар кўринишида тўланган пул маблағлари» моддаси (сатр 110) бўйича суғурта воситачиларига суғурта, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномаларини тузганлик учун мукофотлар кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

199. «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар, ассистанслар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўланган пул маблағлари» моддаси (сатр 120) бўйича актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар, ассистанслар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

200. «Огоҳлантириш чора-тадбирларини молиялаштиришга тўланган пул маблағлари» моддаси (сатр 130) бўйича огоҳлантириш чора-тадбирларини молиялаштиришга тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

201. «Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари» моддаси (сатр 140) бўйича ходимларга иш ҳақи, шунингдек мақсадли давлат жамғармаларига тўланган суммалар, жисмоний шахсларнинг даромад солиғини бюджетга тўлови, касаба уюшмасига ажратмалар, алиментлар, уй-жой фондига, ходимларга берилган банк кредитлари учун тўлов, ходимларга кўрсатилаётган хизматлар ҳақининг суғурталовчи томонидан тўланиши, ходимлар билан боғлиқ ва улар номидан операцияларга тўғри келадиган касса ва банк ҳисоб-китоб счётларидан пул маблағларининг бошқа харажатлари кўринишидаги тўланган пул маблағларининг суммаси кўрсатилади.

202. «Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари» моддаси (сатр 150) бўйича «Чиким» устунда тўланган, «Кирим» устунда эса, роялти, турли кўринишдаги рағбатлантиришлар, комиссия йиғимлар

ва бошқа операцион фаолиятдан келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

203. «Жами: операцион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими» моддаси (сатр 160) бўйича 010, 070, 140, 150 сатрларнинг йиғиндисининг, «Кири-рим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсири ҳисобга олинган ҳолдаги натижаси кўрсатилади.

Бунда агар «Кири-рим» устуни суммаси «Чиқим» устуни суммасидан катта бўлса, ошган сумма сальдоси «Кири-рим» устуни бўйича, акс ҳолда, аксинча «Чиқим» устуни бўйича акс эттирилади.

204. «Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш» моддаси (сатр 170) бўйича суғурталовчи «Чиқим» устунида асосий воситаларни сотиб олиш учун мол етказиб берувчига тўланган пул маблағлари, «Кири-рим» устунида эса асо-сий воситаларни сотишдан келиб тушган пул маблағларининг суммасини кўрсатади.

205. «Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш» моддаси (сатр 180) бўйича суғурталовчи «Чиқим» устунида сотиб олинган номоддий активлар учун тўланган пул маблағлари суммасини, «Кири-рим» устунида эса, номоддий активларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатади.

206. «Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш» моддаси (сатр 190) бўйича «Чиқим» устунида қимматли қоғозлар ва бошқа инвестиция инструментларини сотиб олиш учун тўланган, шу билан бирга-ликда биржада тўланган воситачиларга комисион мукофотлар ва фоизлар суммаси кўрсатилади, «Кири-рим» устунида эса, қимматли қоғозлар ва бошқа инвестиция инструментларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари сум-маси акс эттирилади.

207. «Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари» моддаси (сатр 200) бўйича «Чиқим» устунида бошқа инвестицион фаолият бўйича тўланган, «Кири-рим» устунида эса, олинган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

208. «Жами: инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими» мод-даси (сатр 210) бўйича 170, 180, 190, 200 сатрлар йиғиндисининг «Кири-рим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсири ҳисобга олинган ҳолдаги натижаси кўрсатилади.

Бунда агар «Кири-рим» устуни суммаси «Чиқим» устуни суммасидан катта бўлса, ошган сумма сальдоси «Кири-рим» устуни бўйича, акс ҳолда, аксинча «Чиқим» устуни бўйича акс эттирилади.

209. «Олинган ва тўланган фоизлар» моддаси (сатр 220) бўйича «Ки-рим» устунида олинган фоизлар суммаси, «Чиқим» устунида эса, тўланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

210. «Олинган ва тўланган дивидендлар» моддаси (сатр 230) бўйича «Кири-рим» устунида олинган дивидендлар суммаси, «Чиқим» устунида эса, тўланган дивидендлар суммаси акс эттирилади.

211. «Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан тушган пул тушумлари» моддаси (сатр 240) бўйи-ча ҳисобот йилида хусусий капитали билан боғлиқ чиқарилган (сотилган)

акциялар ёки бошқа инструментлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

212. «Хусусий акцияларни сотиб олганда ва уларни сотганда пул тўловлари ва тушумлари» моддаси (сатр 250) бўйича сотиб олинган хусусий акцияларнинг сотилишидан келиб тушган пул маблағлари, шунингдек суғурталовчида мавжуд бўлган кейинчалик сотиладиган ёки йўқ қилинадиган (бекор қилинадиган) хусусий акциялар, улушлар ва пайлар учун уларнинг эгаларига тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

213. «Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари» моддаси (сатр 260) бўйича «Кирим» устунда ҳисобот даврида келиб тушган кредит ва қарзлар, «Чиқим» устунда эса, кредит ва қарзлар бўйича тўловлар суммаси кўрсатилади.

214. «Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари» моддаси (сатр 270) бўйича «Чиқим» устунда ижара (лизинг) берувчига тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунда эса, ижарага (лизингга) олувчидан келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

215. «Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари» моддаси бўйича (сатр 280) «Чиқим» устунда бошқа молиявий фаолият бўйича тўланган, «Кирим» устунда эса, олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

216. «Жами: молиявий фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими» моддаси (сатр 290) бўйича 220, 230, 240, 250, 260, 270, 280 сатрларнинг, «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгиси таъсири ҳисобга олинган ҳолдаги йиғиндиси кўрсатилади.

Бунда агар «Кирим» устуни суммаси «Чиқим» устуни суммасидан катта бўлса, ошган сумма сальдоси «Кирим» устуни бўйича, акс ҳолда, аксинча «Чиқим» устуни бўйича акс эттирилади.

217. «Тўланган фойда солиғи» моддаси (сатр 300) бўйича тўланган фойда солиғи суммаси кўрсатилади.

218. «Тўланган бошқа солиқлар» моддаси (сатр 310) бўйича фойда солиғидан ташқари тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси кўрсатилади.

219. «Жами: тўланган солиқлар» моддаси (сатр 320) бўйича 300 ва 310 сатрларнинг йиғиндиси акс эттирилади.

220. «Жами: молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими/чиқими» моддаси (сатр 330) бўйича 160, 210, 290, 320 сатрларнинг, «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгиси таъсири ҳисобга олинган ҳолдаги йиғиндиси кўрсатилади.

Бунда агар «Кирим» устуни суммаси «Чиқим» устуни суммасидан катта бўлса, ошган сумма сальдоси «Кирим» устуни бўйича, акс ҳолда, аксинча «Чиқим» устуни бўйича акс эттирилади.

221. «Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси» моддаси (сатр 331) бўйича чет эл валютасидаги пул маблағларининг (5000, 5200, 5500, 5600, 5700) қайта баҳолани-

шидан курс фарқларининг ҳисобот даври мобайнида шаклланган ижобий ёки салбий сальдоси кўрсатилади.

222. «Йил бошидаги пул маблағлари» моддаси (сатр 340) бўйича суғурталовчи баланснинг 3 устуни 410 сатрида кўрсатиладиган пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлардаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиғи суммаси кўрсатилади.

223. «Йил охиридаги пул маблағлари» моддаси (сатр 350) бўйича суғурталовчи баланснинг 4 устуни 410 сатрида кўрсатиладиган пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлардаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиғи суммаси кўрсатилади.

224. «Чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома» бўлимида ҳисобот даврида чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати кўрсатилади.

Валюта маблағлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг операцияни амалга ошириш вақтидаги курси бўйича, валюта маблағларининг қолдиғи эса, ҳисобот даврининг охириги санаси ҳолатига кўрсатилади.

225. «Йил бошига қолдиқ» моддаси (сатр 360) бўйича ҳисобот даврининг бошига суғурталовчининг валюта счётлари ва кассасидаги валюта маблағларининг суммаси кўрсатилади.

226. «Келиб тушган валюта маблағлари, жами» моддаси (сатр 370) бўйича 371, 372, 373, 374 сатрларда кўрсатилган, ҳисобот даврида келиб тушган валюта маблағларининг умумий суммаси кўрсатилади, бунда:

а) 371 сатр бўйича — «Сотишдан тушум» — ҳисобот даврида суғурталовчи томонидан олинган валюта тушуми суммаси;

б) 372 сатр бўйича — «Конвертацияланган» — сотиб олинган чет эл валютаси суммаси;

в) 373 сатр бўйича — «Молиявий фаолият бўйича» — молиявий фаолиятдан олинган валюта маблағлари суммаси;

г) 374 сатр бўйича «Бошқа манбалар» — 371, 372, 373 сатрларда кўрсатилмаган манбалардан суғурталовчининг валюта счётлари ва кассасига бошқа валюта тушумлари суммаси акс эттирилади.

227. «Сарфланган валюта маблағлари, жами» моддаси (сатр 380) бўйича 381 сатрдан 383 сатргача кўрсатилган, суғурталовчи томонидан турли мақсадларда сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади, бунда:

а) 381 сатр бўйича — «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар» — мулк сотиб олишга, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга сарфланган валюта маблағлари суммаси;

б) 382 сатр бўйича — «Молиявий фаолият бўйича тўловлар» — молиявий фаолият бўйича сарфланган валюта маблағлари суммаси;

в) 383 сатр бўйича — «Бошқа мақсадлар учун» — 381, 382 сатрларда кўрсатилмаган бошқа мақсадларга сарфланган валюта суммаси акс эттирилади.

228. «Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага

келган курс фарқлари сальдоси» моддаси (сатр 390) бўйича чет эл валюта-сидаги пул маблағларини (5000, 5200, 5500, 5600, 5700) қайта баҳолашдан ҳисобот даври мобайнида шаклланган курслар фарқининг ижобий ёки салбий сальдоси кўрсатилади.

229. «Йил охиридаги қолдиқ» моддаси (сатр 400) бўйича қуйидаги сатрларнинг маълумотлари асосида аниқланадиган, ҳисобот даври охирида суғурталовчининг валюта счётлари ва кассасида мавжуд бўлган валюта маблағлари суммаси акс эттирилади:  $360 + 370 - 380 + /- 390$ .

## § 6. «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» — 5-сонли шакл — суғурта

230. «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» ҳисобот йилида суғурталовчининг хусусий капиталининг ҳолати ва ҳаракатини унинг шаклланиш манбалари кесимида кўрсатади.

231. «Йил бошидаги қолдиқ» моддаси (сатр 010) бўйича йил боши ҳолатига қуйидаги маълумот акс эттирилади:

а) 3-устунда — «Устав капитали» — таъсис ҳужжатларида белгиланган ва устав капиталини ҳисобга олувчи счётларда (8300) ҳисобга олинган устав капитали суммаси кўрсатилади;

б) 4-устунда — «Қўшилган капитал» — қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётларда (8400) ҳисобга олинган, қўшилган капитал суммаси кўрсатилади;

в) 5-устунда — «Захира капитали» — захира капиталини ҳисобга олувчи счётларда (8500) ҳисобга олинган, қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилган захира капитали маблағлари суммаси акс эттирилади;

г) 6-устунда — «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» — тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётларда (8700) ҳисобга олинган, йил боши ҳолатига тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммаси кўрсатилади;

д) 7-устунда — «Сотиб олинган хусусий акциялар» — сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётларда (8600) ҳисобга олинган, келгусида тарқатиш ёки йўқ қилиш учун суғурталовчида мавжуд бўлган сотиб олинган хусусий акциялар суммаси кўрсатилади;

е) 8-устунда — «Мақсадли тушумлар ва бошқалар» — грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари ва бошқа бюджетдан, махсус мақсадли жамғармалардан, бошқа корхоналардан, мақсадли йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жисмоний шахслардан тушумлар кўринишида текинга келиб тушган активлар, шунингдек хусусий капитал шаклланишининг бошқа манбаларидан мақсадли тушумлар кўрсатилади.

232. «Қимматли қоғозлар эмиссияси» моддаси (сатр 020) бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозларни чиқариш ва сотишдан ҳисобот йилида олинган эмиссион даромад суммаси акс эттирилади.

233. «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш» моддаси (сатр 030) бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот йилининг биринчи

санаси ҳолатига ўтказиладиган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларнинг, асосий фондларни қайта баҳолашдан ташқари, қайта баҳолаш суммаси акс эттирилади.

234. «Устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлган валюта курси фарқлари» моддаси (сатр 040) бўйича бухгалтерия ҳисобида қўшилган капитал сифатида 8420 счёт «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи»да акс эттириладиган, суғурталовчининг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш санасидаги ва устав капиталига ҳақиқатда улуш киритилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курслари ўртасида ҳисобот йилида вужудга келадиган курс фарқи акс эттирилади.

235. «Захира капиталига ажратмалар» моддаси (сатр 050) бўйича таъсис ҳужжатларига мувофиқ ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот йилида захира капиталига қилинган ажратмалар суммаси акс эттирилади.

236. «Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)» моддаси (сатр 060) бўйича ҳисобот йилида олинган соф фойда (зарар) суммаси кўрсатилади.

237. «Текинга олинган мол-мулк» моддаси (сатр 070) бўйича турли манбалардан ҳисобот йилида текинга олинган мол-мулк қиймати кўрсатилади.

238. «Мақсадли фойдаланиш учун олинган маблағлар» моддаси (сатр 080) бўйича мақсадли йўналишда фойдаланиш учун ҳисобот йилида олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари ва бошқа мақсадли тушумлар кўрсатилади.

239. «Тўланган дивидендлар» моддаси (сатр 090) бўйича ўтган йил фаолият якунлари бўйича ҳисобот йили бошига тақсимланмаган фойдадан ҳисобланган дивидендлар суммаси кўрсатилади.

240. «Хусусий капитал шаклланишининг бошқа манбалари» моддаси (сатр 100) бўйича хусусий капитал шаклланишининг бошқа манбалари суммаси акс эттирилади.

241. «Йил охиридаги қолдиқ» моддаси (сатр 110) бўйича ҳисобот даври охирига тегишли устунлар бўйича хусусий капитал сальдоси кўрсатилади. Бунда 030, 040, 050, 100 сатрларда акс эттирилган ва қуйидаги счётларда ҳисобга олинган хусусий капитал манбаларининг камайиши йил бошидаги суммасига нисбатан минус белгиси билан кўрсатилади: 8420 счёт «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи», 8510 счёт «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар», 8520 счёт «Захира капитали», мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар (8800) ва келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар (8900). Шунингдек, тўланган дивидендлар (сатр 090) ва ҳисобот йилининг қопланмаган зарари (сатр 060) суммаси минус белгиси билан акс эттирилади.

242. «Хусусий капиталининг кўпайиши (+) ёки камайиши (-)» моддаси (сатр 120) бўйича ҳисобот йили охирига хусусий капитал суммасининг ҳисобот йили бошига нисбатан кўпайиши ёки камайиши суммаси акс эттирилади.



243. Акциядорлик жамиятлари 130 дан 152 гача бўлган сатрларни маълумот учун тўлдирдилар.

### **§ 7. «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома» — 2а-сонли шакл — суғурта**

244. «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома»да ҳисобот даврининг охири санасига суғурталовчининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати акс эттирилади.

245. 2-устунда — «Дебитор ва кредиторлар рўйхати» — дебитор (кредитор)дан юқори турувчи вазирлик (идора)лар кесимида дебиторлар ва кредиторлар рўйхати келтирилади. Агар дебитор (кредитор) юқори турувчи вазирлик (идора)га эга бўлмаса, юридик шахснинг тўлиқ номи кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги қарзлар бўйича дебитор (кредитор)нинг номи (тўлиқ ёки умум қабул қилинган қисқартирилган номи) кўрсатилади, шунингдек қавс ичида мамлакат номи кўрсатилади.

2-устунда 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1 сатрлар бўйича дебитор (кредитор) номи мажбурий тартибда кўрсатилиши керак.

246. 3 устунда қарзларнинг умумий суммаси кўрсатилади, хусусан:

а) 1 сатр бўйича 3-устун 2 ва 3 сатрлар йиғиндисиغا тенг бўлган дебиторлик қарзларининг умумий суммаси кўрсатилади;

б) 4 сатр бўйича 3-устун 5 ва 6 сатрлар йиғиндисиغا тенг бўлган кредиторлик қарзларининг умумий суммаси кўрсатилади.

Дебиторлик қарзларининг умумий суммаси ўз ичига ижара бўйича олинадиган тўловлар, харидор ва буюрмачилардан, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан, даъволар бўйича олинадиган счётлар; ходимларга, мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнақлар; бюджет, мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари; таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари; ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлар қарзлари, шунингдек идора ичидаги корхоналар билан ҳисоб-китобларни олади. Бунда идора ичидаги ҳисоб-китоблар деганда, маълум бир вазирлик, идора, корпорация, ассоциация, концерн ёки бирлашма таркибига кирадиган, мустақил балансга эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар тушунилади. Дебиторлик қарзларининг умумий суммаси «Бухгалтерия баланси» — 1-сонли шакл — суғуртанинг 110 ва 190 сатрлар йиғиндисиغا мос келиши шарт.

Кредиторлик қарзларининг умумий суммаси ўз ичига мол етказиб берувчилар, пудратчилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар; олинган бўнақлар; бюджетга тўловлар, суғурта бўйича, мақсадли давлат жамғармалари олдидаги, таъсисчилар олдидаги, иш ҳақи бўйича ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзлар, шунингдек идора ичидаги ҳисоб-китобларни олади. Кредиторлик қарзларининг умумий суммаси «Бухгалтерия баланси» — 1-сонли шакл — суғуртанинг 731 ва 931 сатрлар йиғиндисиغا мос келиши шарт.

247. 3-устунда 2, 2.1, 2.2, 2.2.1, 3, 3.1 сатрлар бўйича 1 сатрда акс этирилган дебиторлик қарзлари умумий суммасининг таркиби қуйидаги тартибда келтирилади:

а) 2 сатр бўйича республика ичидаги дебиторлик қарзларининг умумий суммаси кўрсатилади;

б) 2.1 сатр бўйича республика ичидаги дебиторлар номлари бўйича қарздорлик кўрсатилади;

в) 2.2 сатр бўйича идора ичидаги дебиторлик қарзларининг умумий суммаси келтирилади;

г) 2.2.1 сатр бўйича 2 сатрдан ажратиб чиқарилган, дебиторлар номлари бўйича идора ичидаги қарздорлик суммаси кўрсатилади;

д) 3 сатр бўйича республикадан ташқарида бўлган дебиторлик қарзларининг умумий суммаси кўрсатилади;

е) 3.1 сатр бўйича республикадан ташқарида бўлган дебиторларнинг номлари бўйича қарздорлик кўрсатилади.

248. 4, 5, 5.1, 5.2, 5.2.1, 6, 6.1 сатрлар мазкур Қоидаларнинг 246 ва 247-бандларига мувофиқ равишда дебитор қарздорлик сингари тўлдирилади.

249. 4 устунда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда қопланмаган, муддати ўтган қарзларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Бюджет ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредитор қарздорлик, қонун ҳужжатларида белгиланган тўловларни тўлаш муддати ўтган кундан кейинги кундан бошлаб, муддати ўтган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлар бўйича кечиктирилган муддат, маълум қоплаш муддатлари белгиланган ҳўжалик шартномалари асосида аниқланади.

250. Суғурталовчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган қарзлар бўйича:

а) 5-устунда суғурталовчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган умумий қарздорлик кўрсатилади, хусусан:

1 сатр бўйича 7, 9, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак бўлган, дебиторлик қарздорликнинг умумий суммаси;

4 сатр бўйича 7, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак бўлган, кредиторлик қарздорликнинг умумий суммаси;

б) 6-устунда муддати ўтган қарздорликнинг умумий суммаси кўрсатилади (ўтган муддат ушбу Қоидаларнинг 249-бандига мувофиқ аниқланади);

в) 7-устунда Ҳукумат қарорларига мувофиқ олдиндан тўловсиз жўнатишган (олинган) маҳсулот (иш, хизмат) бўйича корхона ва ташкилотнинг умумий дебиторлик (кредиторлик) қарзлари кўрсатилади. Ундан муддати ўтган қарзлар 8-устунда кўрсатилади (ўтган муддат ушбу Қоидаларнинг 249-бандига мувофиқ аниқланади);

г) 9-устунда давлат ресурслари ва жамғармаларидан жўнатиш кўзда тутилган хом ашё ва материаллар бўйича ўтказилган бўнак тўловлари суммаси кўрсатилади. Ундан муддати ўтган дебиторлик қарз 10-устунда кўрсатилади (ўтган муддат ушбу Қоидаларнинг 249-бандига мувофиқ аниқланади).

ди). 9 ва 10-устунларда акс эттириладиган маълумот фақатгина дебиторлик қарз қисми бўйича тўлдирилади;

д) 11-устунда Ҳукумат қарорларига асосан белгиланган тартибда корхона ва ташкилотнинг тўлов муддати узайтирилган қарздорлиги акс эттирилади;

е) 12-устунда қилинган даъволар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд иши давом этаётган қарздорлик суммаси кўрсатилади. Ушбу сатрда қарздорлик суммасини қарздордан ундириш тўғрисидаги хўжалик судининг қарори чиққан қарздорликлар ҳам акс эттирилади.

251. Зарурат бўлганда суғурталовчиларга «Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган қарзлар» бўлимида қўшимча устунларни очишга рухсат берилади.

252. 2а-сонли шакл — суғуртадаги сатрлар сони 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1. сатрлар бўйича мувофиқ равишда кўрсатилган дебитор ва кредиторлар сонига боғлиқ бўлади.

253. 2а-сонли шакл — суғурта раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва ҳар бир бетида муҳр билан тасдиқланади.

## § 8. Тушунтириш хати

254. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар суғурталовчининг ҳисоб сиёсатини очиқ бериши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни суғурталовчининг ҳақиқатдаги мулкӣ ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун керакли бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлаши керак.

255. Молиявий ҳисоботга тушунтириш хати, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да (1998 йил 14 август, рўйхат рақами 474 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 5-сон) белгиланган талабларга мувофиқ равишда тузилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**218** Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1688-1*

*(2009 йил 30 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 7-моддаларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 27 апрелдаги 47, 21, 2007-29, 01-02/8-11-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (2007 йил 11 июль, рўйхат рақами 1688 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 24-сон, 254-модда) иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 апрель,  
39-сон

**Иқтисодиёт вазири**

**Б. ХЎЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 апрель,  
66-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 апрель,  
2009-3-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 апрель,  
01-02/8-1-сон

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,  
Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона  
қўмитасининг 2009 йил 1 апрелдаги  
39, 66, 2009-3, 01-02/8-1-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик  
қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари  
томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартишлар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«янги технологик жиҳоз — чиқарилган санадан бошлаб уч йилдан  
ошмаган технологик жиҳоз»;

2. 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «ўз ишлаб чиқаришини» сўзлари «ишлаб чиқа-  
ришни» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «71» рақами «211» рақами билан алмаштирилсин.

3. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ишлаб чиқариш-  
ни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга,  
янги технологик жиҳозлар харид қилишга, ушбу мақсадлар учун берилган  
кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга, тегишли  
солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегирган ҳолда йўналтирилади-  
ган маблағлар суммасига камайтиради».

4. 9-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган базани ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган  
мақсадларга йўналтириладиган маблағлар суммасига камайтириш харажат-  
лар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳозлар  
бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил ичида  
амалга оширилади. Агар жорий солиқ даврида юқорида таъкидлаб ўтилган

мақсадлар учун йўналтириладиган маблағлар суммаси солиқ базасидан ошса, қолган сумма келгуси солиқ даврларида ўрнатилган муддатда чегирилиб бориши мумкин».

5. 10-банддан «ўз» сўзи чиқарилсин.

6. 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. 12-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига камайтиради. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ даврдан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади».

8. 14-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. III-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «III. Яқуний қоидалар

21. Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда уларни тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади.

22. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар фақатгина импорт қилинган технологик жиҳоз олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил ичида экспортга реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда бекор қилинади. Бунда тўланиши лозим бўлган тўловларни тўлаш бўйича мажбурият технологик жиҳозни экспорт қилувчига юклатилади.

Импорт қилинган технологик жиҳоз экспорт қилинганда экспортёр божхона органларига технологик жиҳозни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг нусхасини тақдим этиши лозим.

23. Импорт қилинган технологик жиҳоз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда божхона тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келмайди.

Бунда импорт қилинган технологик жиҳозни бераётган томон (импортёр, сотувчи, эгаси) харидорга технологик жиҳозни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг нусхасини тақдим этиши лозим.

24. Мазкур Низомда белгиланган имтиёзларнинг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади».

10. 1 — 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZIRINING  
БУЙРУҒИ**219 Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг  
бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасига ўзгартириш-  
лар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1813-1*

*(2009 йил 3 майдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 5 майдаги 47-сонли буйруғи билан тасдиқланган Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасига (2008 йил 22 май, рўйхат рақами 1813 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 193-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 19 март,  
36-сон

Молия вазирининг  
2009 йил 19 мартдаги 36-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг  
бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 0950, 3210, 6250, 7250 ва 9810 рақамли сатрларда «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 4410 ва 9820 сатрларда «йиғимлар» сўзи «бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 9800 сатрда «йиғимларни» сўзи «бошқа мажбурий тўловларни» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 4100, 4110, 6100, 6110, 7100 ва 7110 сатрларда «ажратилган» сўзи «алоҳида» сўзи билан алмаштирилсин.

5. 4900 ва 4910 сатрларда «даргумон» сўзи «ишончсиз» сўзи билан алмаштирилсин.

6. 8500 ва 8520 сатрларда «резерв» сўзи «захира» сўзи билан алмаштирилсин.

7. 4330, 6011, 7011 ва 8040 сатрларда «олдини олиш» сўзлари «огоҳлантириш» сўзи билан алмаштирилсин.

8. 4030 ва 6330 сатрларда «суғурталанувчилардан» сўзи «суғурта қилдирувчилардан» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. 6030 ва 7030 сатрларда «суғурталанувчиларга» сўзи «суғурта қилдирувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини қўллаш бўйича Йўриқномада:

а) матнидаги барча:

«даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин;

«фойда (даромад)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин;

«солиқлар ва йиғимлар» сўзлари «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«солиқ ва йиғимлар» сўзлари «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«солиқлар ва йиғимларни» сўзлари «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ажратилган бўлинмалар» сўзлари «алоҳида бўлинмалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ажратилган бўлинмаларга» сўзлари «алоҳида бўлинмаларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ажратилган бўлинмалардан» сўзлари «алоҳида бўлинмалардан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ажратилган бўлинма» сўзлари «алоҳида бўлинма» сўзлари билан алмаштирилсин;

«даргумон» сўзи «ишончсиз» сўзи билан алмаштирилсин;

«резерв капиталини» сўзлари «захира капиталини» сўзлари билан алмаштирилсин;

«резерв капитали» сўзлари «захира капитали» сўзлари билан алмаштирилсин;

«резерв капиталининг» сўзлари «захира капиталининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

«олдини олиш» сўзлари «огоҳлантириш» сўзи билан алмаштирилсин;

«суғурталанувчи» сўзи «суғурта қилдирувчи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«суғурталанувчининг» сўзи «суғурта қилдирувчининг» сўзлари билан алмаштирилсин;



«суғурталанувчига» сўзи «суғурта қилдирувчига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«суғурталанувчиларга» сўзи «суғурта қилдирувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

«суғурталанувчилар» сўзи «суғурта қилдирувчилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«суғурталанувчилардан» сўзи «суғурта қилдирувчилардан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг «б» кичик бандида «солиқ (йиғимлар)» сўзлари «солиқлар (бошқа мажбурий тўловлар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 152-бандда ва 266-банддаги жадвалнинг 17-сатрида «суғурталанувчиларнинг» сўзи «суғурта қилдирувчиларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 211-банддаги жадвалнинг 11-сатрида «суғурталанувчидан» сўзи «суғурта қилдирувчидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 211-банддаги жадвалнинг 18-сатрида «ажратилган бўлинмалари» сўзлари «алоҳида бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 297-банднинг иккинчи хатбошида «суғурталанувчида» сўзи «суғурта қилдирувчида» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 380-банддаги жадвалнинг 4-сатрида «резерв капиталига» сўзлари «захира капиталига» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 470-банднинг биринчи хатбошида «солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа ажратмалар» сўзлари «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **220** Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»- ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1946*

*(2009 йил 4 майдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқлан-

ган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 75-сонли «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (2004 йил 22 июнь, рўйхат рақами 1374 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 292-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 6 апрель,  
41-сон

Молия вазирининг  
2009 йил 6 апрелдаги 41-сонли  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»**

Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда), «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 108-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 3-сон, 63-модда) асосан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон) мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

#### **§ 1. Умумий қоидалар**

1. Мазкур БҲМСнинг мақсади бўлиб, ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг ягона услубий асосини белгилаш ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМС қуйидаги объектлар ва операцияларга қўлланилмайди:

а) табиат ресурслари, шу жумладан нефть, табиий газ ва бошқа қайта тикланмайдиган ресурсларни қидирув ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижара келишувлари;

б) интеллектуал мулк объектлари бўйича лицензия келишувлари.

## § 2. Мазкур БҲМСда қўлланиладиган асосий атамалар

3. Ижара — келишувга биноан бир томон (ижарага берувчи) бошқа томонга (ижарага олувчига) ҳақ эвазига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки келишилган муддат давомида мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини беришдир.

4. Ижара субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) ижарага берувчи — мулкнинг эгаси ёки қонунчиликка мувофиқ ёки мулкдор томонидан мулкни ижарага бериш учун ваколатланган шахслар;

б) ижарага олувчи (ижарачи) — ижара шартномаси асосида мулкни ижарага олувчи юридик ва жисмоний шахслар.

5. Мазкур БҲМС мақсадларига кўра ижара қуйидагиларга ажратилади:

а) молиявий ижара (лизингни қамраб олган ҳолда);

б) оператив ижара.

6. Молиявий ижара — мулкни (молиявий ижара объектини) шартномага биноан ўн икки ойдан ортиқ муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини беришда юзага келадиган ижаравий муносабатлар. Бунда молиявий ижара шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарага олувчининг мулки бўлиб ўтиши;

молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан камроғини ташкил қилиши;

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини ушбу ҳуқуқ сотилиш кундаги бозор қийматидан анча паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши ва бунда ижара муддатининг бошида ушбу ҳуқуқнинг сотилишига асосланган ишончнинг мавжуд бўлиши;

молиявий ижара шартномаси амал қиладиган давр учун ижара тўловларининг дисконтланган жорий қиймати, молиявий ижара объектини ижарага бериш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлиши.

7. Оператив ижара — молиявий ижара шартномаси ҳисобланмайдиган мулк ижараси шартномасига биноан мулкни вақтинчалик эгалик қилишга ва фойдаланишга ёки фойдаланишга бериш.

8. Лизинг — молиявий ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизингга берувчи) иккинчи тарафнинг (лизингга олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойда-

ланиш учун лизингга олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси мазкур БХМСнинг 6-бандида келтирилган шартлардан бирига жавоб бериши керак.

9. Лизинг субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) лизингга берувчи — лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчига келгусида бериш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб сотиб олувчи шахс;

б) лизингга олувчи — эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс;

в) сотувчи — лизингга берувчига лизинг объектини сотаётган шахс.

10. Ижара (лизинг) объектлари — истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай буюмлар, шу жумладан корхоналар, мулкый комплекслар, алоҳида бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулклар (муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган мол-мулклар бундан мустасно).

11. Иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг) — ижарачи (лизингга олувчи) ижарага (лизингга) берувчининг розилиги билан, ижарага (лизингга) берувчининг олдида ижара (лизинг) шартномаси юзасидан жавобгарликни сақлаган ҳолда ижарага олинган мулкни (лизинг объектини) бошқа шахсга иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг)га топширадиган шартнома муносабати.

12. Ижаранинг (лизингнинг) бошланиш муддати — ижара шартномасининг шартларига мувофиқ ижарачи ижарага олинган ижара объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаган сана. Бу ижарани (лизингни) дастлабки (бошланғич) тан олиш санаси (яъни ижарани (лизингни) амалга ошириш натижасида тегишли актив ва мажбуриятларнинг тан олиниши).

13. Ижара (лизинг) муддати — бекор қилинмайдиган ижара (лизинг) келишуви амал қиладиган давр, шунингдек ҳар қандай кейинги даврлар бўлиб, бу даврлар мобайнида ижарачи (лизингга олувчи) ижара (лизинг) шартномаси тузилганда айтиб ўтилгандек, мазкур келишувни узайтириши мумкин.

14. Ижара (лизинг) тўлови — тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарачи (лизингга олувчи) томонидан ижарага (лизингга) берувчига тўлаб берадиган сумма.

15. Ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади — ижара (лизинг) тўловлари билан қопланадиган лизинг объекти қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган, ижара (лизинг) тўловларининг қисмидир.

16. Ижара (лизинг) объектларининг жорий қиймати — ижара (лизинг) объектининг муайян бир санадаги бозор баҳолари бўйича қиймати ёки мазкур ижара (лизинг) объектини сотиб олиш учун ёки ушбу битимни амалга оширишни хоҳловчи бир-бирига боғлиқ бўлмаган хабардор томонлар ўртасидаги мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма.

17. Кафолатланган қолдиқ қиймат — ижара (лизинг) шартномасининг бошланишида аниқланган ижара (лизинг) объекти қийматининг бир қисми

бўлиб, ижарачи (лизингга олувчи) томонидан ёки унга боғлиқ учинчи тараф томонидан кафолатланади (мажбурият сифатида беркитилади).

18. Кафолатланмаган қолдиқ қиймат — ижара (лизинг) объекти қийматининг бир қисми бўлиб, (ижара (лизинг) шартномасининг бошланишида аниқланган), унинг сотилишини ижарага берувчи (лизингга берувчи) кафолатламайди ёки у ижарага берувчи (лизингга берувчи) билан боғлиқ тараф томонидангина кафолатланади.

19. Минимал ижара (лизинг) тўловлари — ижарачи (лизингга олувчи) томонидан ижара муддати давомида тўланадиган ижара (лизинг) тўловлари ва ижара (лизинг) объектининг кафолатланган қолдиқ қиймати суммаси.

20. Дисконтлаш — келажакда аниқ бир вақтда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлаш.

21. Дисконт ставкаси — турли хил вақтдаги даврларга тегишли бўлган пул маблағлари суммасини бир пайтга келтириш учун фойдаланадиган ставка.

22. Минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати — ижара (лизинг) шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ёки қарз капиталининг ўсиб борувчи фоиз ставкасига тенг дисконт ставкаси бўйича тузатилган ижара (лизинг) муддатининг бошланишидаги минимал ижара (лизинг) тўловларининг жорий қиймати.

23. Ижара (лизинг) шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси — ижара (лизинг) муддатининг бошланишида ижара (лизинг) объектининг жорий қиймати билан минимал ижара (лизинг) тўловлари ва кафолатланмаган қолдиқ қиймати суммаси йиғиндисининг дисконтланган қийматининг тенг бўлишини таъминлайдиган дисконт ставкасидир.

24. Қарз капиталининг ўсиб борувчи фоиз ставкаси — бу худди шундай ижара (лизинг) шартномаси учун ижарачи (лизингга олувчи) тўлаши лозим бўлган фоиз ставкаси ёки (агар ушбу кўрсаткични аниқлаш имкони бўлмаса) ижарачи (лизингга олувчи) ижара (лизинг) муддати бошланишида мол-мулкни (худди шундай муддатга ва шунга ўхшаш таъминот билан) сотиб олиш учун зарур бўлган маблағларни қарзга олишда қабул қиладиган ставка ёки агарда уларни аниқлаш имконияти бўлмаса, ижара (лизинг) муддатининг бошланишидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий қайта молиялаштириш ставкаси.

### § 3. Молиявий ижара ҳисоби

25. Молиявий ижарада молиявий ижара объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ барча рисклар ижарачига (лизингга олувчига) ўтказилади. Бунда, лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади. Ижарачининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара актив ва мажбурият сифатида молиявий ижара муддати бошланишидаги молиявий ижара объектининг жорий

қиймати ёки минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича, агар у паст бўлса, тан олинishi лозим.

26. Агар ижарачи (лизингга олувчи) ижара (лизинг) объектини уни сотиб олиш санасидаги жорий қийматидан паст нархда сотиб олмоқчи бўлган ҳолларда, минимал ижара (лизинг) тўловлари барча ижара (лизинг) муддати давомидаги ижара (лизинг) тўловлари ва ижара (лизинг) шартномасида кўзда тутилган ижара (лизинг) объектини сотиб олиш суммасидан ташкил топади.

27. Минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблашда дисконтлайдиган омил бўлиб молиявий ижара шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ҳисобланади, агарда уни аниқлаш имконияти бўлса, акс ҳолда ижарачининг (лизингга олувчининг) қарз капитали бўйича ўсиб боровчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

28. Молиявий ижарада, ижара (лизинг) тўловлари ижарага берувчи (лизингга берувчи)га молиявий ижара объекти қийматининг ижарачи (лизингга олувчи) томонидан қопланишидан, ҳамда ижарага берувчи (лизингга берувчи)нинг фоизли даромадидан иборат бўлади.

29. Молиявий ижара муддатининг бошланиш пайтида ижарачи (лизингга олувчи) ва ижарага берувчи (лизингга берувчи) ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвалини (тартибини) келишиб олади ва унда ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади, молиявий ижара объектининг қийматини қоплаш бўйича мажбуриятлар ва уларнинг молиявий ижара муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

30. Молиявий ижара бўйича фоизлар молиявий ижара шартномаси муддати давомида даврлар бўйича тақсимланган бўлиши ва ҳар бир даврда қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкасини ўрнатиш мақсадида ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)да акс эттирилиши керак.

31. Ижарачи (лизингга олувчи) томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар молиявий ижара объектининг қийматига кўшилади.

32. Ижарачининг (лизингга олувчининг) молиявий ижара объектини яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуруллан-тириш ва шунга ўхшаш бошқа) харажатлари молиявий ижара объекти қийматини кўпайтирувчи капитал қуйилмалар сифатида акс эттирилади.

Корхонани ижарага олиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани ижарага олувчи ижарага берувчининг рухсатидан қатъи назар, ижарага олинган мол-мулкни ажратиб бўлмайдиган тарзда яхшилаш қийматини олишга ҳақли.

Агар молиявий ижара объекти, ижарага (лизингга) берувчининг рухсати билан яхшилانган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки шартнома бекор қилинган, ижарачи (лизингга олувчи) ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг қопланишини талаб қилиш

ҳуқуқига эга, агарда молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

Ижарага (лизингга) берувчининг рухсатисиз амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилашга сарфланган маблағлар (қўйилмалар) ва уларни молиявий ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имконияти бўлмаса, молиявий ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинган, улар ижарага (лизингга) берувчига текинга ўтади, агарда молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса. Бироқ, агарда уларни молиявий ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар ижарага (лизингга) берувчи уларнинг қийматини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижарачи (лизингга олувчи) уларни ажратиб олиши мумкин.

33. Молиявий ижарада ҳар бир ҳисобот даври учун молиявий ижара объекти бўйича амортизация ажратмаси каби харажатлар юзага келади. Молиявий ижара объектлари бўйича амортизацияни ҳисоблаш ижарачи (лизингга олувчи) томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БХМС) «Асосий воситалар»га (2004 йил 20 январь, рўйхат рақами 1299 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 3-сон, 35-модда) мувофиқ амалга оширилади.

34. Ижарачи (лизингга олувчи) молиявий ижара шартномаси муддати тугагандан кейин молиявий ижара объектига мулкӣ эгалик қилиш ҳуқуқини олишига ишончи бўлмаса, у ҳолда у қуйидагилардан қайси бири қисқалигидан келиб чиқиб: молиявий ижара шартномаси муддати давомида ёки молиявий ижара объектининг хизмат қилиш муддати давомида тўлиқ амортизация қилиши мумкин.

35. Ижарачининг (лизингга олувчининг) аниқ бир даврдаги молиявий ижара объекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (молиявий ижара бўйича фоизлари) суммаси мазкур даврда тўланиши лозим бўлган ижара (лизинг) тўловлари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

36. Молиявий ижара объектини ҳар йили қайта баҳолаш ижарачи (лизингга олувчи) томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

37. Молиявий ижара шартномаси тугатилганда ижарачи (лизингга олувчи) томонидан молиявий ижара объектини қайтариш муносабати билан балансдан чиқариш, молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара тўхтатилган санадаги молиявий ижара объектининг қопланмаган қиймати суммаси бўйича амалга оширилади.

Молиявий ижара объектининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) молиявий ижара объектининг қолдиқ (баланс) қиймати билан ижара (лизинг) тўловлари жадвали (тартиби) бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида молиявий ижара объектининг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Молиявий ижара объектининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда

ёки зарар)ни аниқлаганда, олдинги қайта баҳолашлардаги молиявий ижара объекти қийматининг кўпайган қолдиқ суммаси, яъни олдинги баҳолашлардаги қийматининг кўпайиш суммасининг олдинги баҳолашлардаги қийматининг камайиш суммасидан ортган қисми молиявий ижара объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти бўйича резерв капиталини камайтиради.

38. Ижарага (лизингга) берувчининг бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара актив (дебиторлик қарзи) сифатида молиявий ижара муддати бошланишидаги молиявий ижара объектининг жорий қиймати ёки минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича, агар у паст бўлса, тан олиниши лозим.

39. Ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади молиявий ижара шартномаси муддати давомида даврлар бўйича тақсимланган бўлиши ва молиявий ижара шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкасини ўрнатиш мақсадида ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)да акс эттирилиши керак.

40. Ижарага (лизингга) берувчи томонидан амалга оширилган ва молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарачи (лизингга олувчи) томонидан қопланадиган молиявий ижара объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар молиявий ижара объектининг қийматига қўшилади. Бунда, агар молиявий ижара шартномасига мувофиқ юқоридаги харажатлар ижарачи (лизингга олувчи) томонидан қопланмайдиган бўлса, улар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

41. Молиявий ижара объектини бериш (олиш) пайтида ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади (ижарачининг (лизингга олувчининг) молиявий ижара фоизи бўйича харажатлари) бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Бунда ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади ва ижарачининг (лизингга олувчининг) молиявий ижара фоизи бўйича харажатлари, пулни тўлаш вақти ва келиб тушишидан қатъи назар, тегишли ҳисобот даврларида ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)га мувофиқ ҳисобланади.

42. Молиявий ижара объектлари берилаётганда, ижарага (лизингга) берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан унинг бошланғич қиймати (агар берилаётган объект ишлатилмаган бўлса) ёки қолдиқ қиймати (агар объект берилишига қадар ишлатилган бўлса) ўртасидаги фарқ, резерв капиталининг «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида қайд қилинган молиявий ижара объектининг қайта баҳолашлар натижасини, яъни мазкур молиявий ижара объектини олдинги баҳолашлардаги қийматининг кўпайиши суммасининг олдинги баҳолашлардаги қийматининг камайиш суммасидан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда, тузатишлар киритилгандан сўнг кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва ижара (лизинг) тўловларининг



ҳисобланишига қараб бир меъёрда (ойма-ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (бошқа операцион харажатлари)га олиб борилади.

43. Ижарага берувчи томонидан молиявий ижара шартномаси тугатилганда молиявий ижара объектини қилиш молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижарани тугатиш кундаги қарздорлик (дебитор қарздорлик) суммаси бўйича амалга оширилади.

44. Лизинг объекти лизингга олувчининг кредити (қарзи) ҳисобидан олинаётган ҳолларда, аниқ бир лизинг объектига нисбатан лизингга берувчининг кредитори ва лизингга олувчи сифатида бир шахс иштирок этишига йўл қўйилмайди.

45. Ижарага берувчи ижара (лизинг) объектини бўлғуси фойдаланувчидан кейинчалик уни худди шу шахсга ижарага (лизингга) бериш учун сотиб олган ҳолларда, ижарачи ва сотувчи бир шахс бўлишига йўл қўйилади.

#### § 4. Оператив ижара ҳисоби

46. Оператив ижарада, ижара объектига эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча рисклар ижарачига ўтмайди ва шунинг учун оператив ижара шартномаси бўйича олинган ижара объектлари ижарачининг балансида ҳисобга олинмаслиги лозим.

47. Оператив ижара объекти ижарачи томонидан балансдан ташқари счётларда оператив ижара шартномасида кўрсатилган қийматда, ижарага берувчида эса — асосий воситалар таркибида баланс счётларида ҳисобга олинади.

48. Оператив ижарада ижарачи томонидан ҳисобланган ва тўланадиган ижара тўловлари, уларни фойдаланиш мақсадига қараб маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархига ва (ёки) давр харажатларига олиб борилади.

49. Ижара берувчининг оператив ижара объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлари (амортизация ажратмалари, суғурталаш, капитал ва жорий таъмирлаш, оператив ижара объектлари билан боғлиқ солиқлар ва бошқа харажатлар) ушбу харажатлар юзага келган ҳисобот даврининг жорий харажатлари сифатида тан олинади.

50. Оператив ижарада ҳисобланган ва ижарага берувчи томонидан олинган ижара тушумлари даромад сифатида тан олинади.

51. Оператив ижара шартномасида ижара объекти, ижара муддати тугаши ёки тугамасидан, агарда шартномада шартлашилган сотиб олиш нархининг барчаси ижарачи томонидан тўланганда, ижарачининг мулкига ўтиши кўзда тутилиши мумкин.

Агар шартномада ижара объектини сотиб олиш кўзда тутилмаган бўлса, у томонларнинг қўшимча келишуви билан ўрнатилиши мумкин, унда ижара объектдан фойдаланиш учун олдин тўланган тўловлар сотиб олиш баҳосида ҳисобга олиниши ҳақида келишиш ҳуқуқига эга.

Ижара муддатининг тугаши ёки унинг тугагунига қадар шартномада кўзда тутилган сотиб олиш нархини ижарачи томонидан тўлиқ киритилган ҳолда

ва ижара объектига эгалик қилиш ҳуқуқи унга ўтганда, у бухгалтерия ҳисобида ижарачининг мулк сифатида ҳисобга олиниши шарт.

52. Ижарачининг оператив ижара объектини яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар ўрнатиш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ва бошқа) харажатлари оператив ижара объекти қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида акс эттирилади.

Агар оператив ижара объекти ижарага берувчининг рухсати билан яхшилانган бўлса, оператив ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки оператив ижара шартномаси бекор қилинган, ижарачи ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, агарда оператив ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

Ижарага берувчининг рухсатсиз амалга оширилган оператив ижара объектини яхшилашга сарфланган харажатлар (қўйилмалар) ва уларни оператив ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имкони бўлмаса, оператив ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинган, улар ижарага берувчига текинга ўтади, агарда оператив ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса. Бирок, агарда уларни оператив ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар ижарага берувчи уларнинг қийматини қоплашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижарачи уларни ажратиб олиши мумкин.

## § 5. Маълумотларни очиб бериш

53. Молиявий ҳисоботларда ва унга тушунтириш хатида қуйидагилар очиб берилиши лозим:

а) молиявий ҳисоботни тақдим қилиш санасида ижара (лизинг) объектлари ҳисобланган активлар қиймати тўғрисида маълумотлар. Мазкур ижара мулклари билан боғлиқ бўлган қарздорликларни (дебиторлик ёки кредиторлик) молиявий ва оперативга ажратган ҳолда бошқа қарзлардан алоҳида тан олиниши керак;

б) молиявий ижара бўйича ижара (лизинг) тўловларига тааллуқли мажбуриятларни умумлаштирилган шаклда, уларнинг суммаси ва тўлаш даври тўғрисидаги маълумотларни келтирган ҳолда;

в) салмоқли молиявий чекловлар, молиявий ижарани қайта тиклаш ҳуқуқлари, молиявий ижара объектларини харид қилиш ва молиявий ижара билан боғлиқ бўлган бошқа қўйилмаган (тасодифий) ҳолатлар бўйича маълумотлар;

г) ҳар бир молиявий ҳисоботни тузиш санасига ижара (лизинг) тўловларининг қолдиқ суммаси ва ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) даромади, ҳамда молиявий ижара объектининг кафолатланган қолдиқ қиймати;

д) молиявий ижара даври учун қопланмаган мажбурият қолдиғига доимий фоиз ставкасини олиш учун ижарага берувчининг (лизингга берувчи-

нинг) даромади (молиявий ижара бўйича фоизлар)ни тақсимлашда фойдаланиладиган усул;

е) молиявий ҳисоботни тузиш санасига иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг)дан олиниши кутилаётган келгуси ижара (лизинг) тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотлар;

ж) ижара шартномасининг муҳим шартларининг умумий тавсифи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**221** Хориждан келтирилган дори воситаларининг сифат назорати тўғрисидаги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 995-1*

*(2009 йил 4 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги ҳамда 2004 йил 6 июлдаги 318-сон «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этилиши талаб қилинадиган истеъмол товарларининг қўшимча рўйхатига дори воситаларининг киритилиши муносабати билан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 14 декабрдаги «Хориждан келтирилган дори воситаларининг сифат назорати тўғрисида»ги буйруғи (2000 йил 29 декабрь, рўйхат рақами 995) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**Ф. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 10 апрель,  
108-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2009 йил 18 апрелдан 24 апрелгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 14 мартдаги 6/4-сонли қарори.*

*2009 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1944 (2009 йил 21 июлдан кучга киради).*

2. «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сонли буйруғи.*

*2009 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945 (2009 йил 30 апрелдан кучга киради).*

3. «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 1 апрелдаги 39, 66, 2009-3, 01-02/8-1-сонли қарори.*

*2009 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1688-1 (2009 йил 30 апрелдан кучга киради).*

4. «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 36-сонли буйруғи.*

*2009 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1813-1 (2009 йил 3 майдан кучга киради).*

5. «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БХМС) «Ижара ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 6 апрелдаги 41-сонли буйруғи.*

*2009 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1946 (2009 йил 4 майдан кучга киради).*

6. «Хориждан келтирилган дори воситаларининг сифат назорати тўғри-

сидаги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2009 йил 10 апрелдаги 108-сонли буйруғи.*

*2009 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 995-1 (2009 йил 4 майдан кучга киради).*

### **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. «Хориждан келтирилган дори воситаларининг сифат назорати тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 995, 2000 йил 29 декабрь).*

*Адлия вазирининг 2009 йил 24 апрелдаги 103-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

### **III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Нефтни қайта ишлаш корхоналари учун саноат хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

*Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.*

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатлар қонун ҳужжатларига зид бўлган қоидаларни ўз ичига олмаслиги лозим.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

*респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

**WWW.LEX.UZ**

**сайтига марҳамат қилинг**